Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI *

1931-yildan chiqa boshlagan | 2003-yil 24-dekabr, chorshanba | № 103 (7608)

Da'vat

Xalqning baxt-saodati bolalarni to'g'ri tarbiyalashga bog'liq.

Jon LOKK

Ibrat

Kosonsoy tumanidagi Yoshlik qishlog'ida ikki qavatli 300 o'rinli yangi maktab binosi qurilib, jihozlandi. Kelayotgan yilning dastlabki kunlaridan yangi bino bolajonlarni o'z bag'riga oladi.

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИГА, БАРЧА ИЛМИЙ ХОДИМЛАРИГА

Муҳтарам дўстлар!

Авваламбор, ўз ҳаётини Ўзбекистон илм-фани ривожига бағишлаган, мамлакатимиз келажаги йўлида фидокорона меҳнат қилаётган сиз, азизларни бугунги қутлуғ сана — Фанлар академиясининг 60 йиллик тўйи билан муборакбод этишни мен ўзим учун катта шараф, катта бахт деб биламан.

Хизмат тақозосига кўра менинг ҳаёт йўлим узоқ йиллар давомида Ўзбекистоннинг илмий салоҳиятини ўзида мужассам этган, не-не буюк истеъдодларни бирлаштирган шу мўътабар даргоҳ билан боғлиқ ҳолда ўтганини, Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирган, ноёб кашфиёт ва ихтироларнинг муаллифлари бўлган машҳур олимлар билан ҳамкор бўлиб ишлаш, уларнинг фаолиятини бевосита кузатиш имконига эга бўлганимни, ўйлайманки, сизлар яхши биласиз.

Шу маънода, Академиянинг барча аъзолари, илмий мактабларнинг соҳиблари ва давомчилари, йирик илмий муассасалар раҳбарлари ва ходимларининг кўпчилигини яқиндан билганимдан, сизлар билан ёнма-ён бўлиб ишлаганимдан ҳали-бери катта таассуротда эканимни изҳор этмоқчиман.

Мана шу қувончли кунда барчангизга ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромимни билдириб, академия фахрийларига узоқ умр, фаолларига омад, эндигина илм-фан оламига қадам қўяётган ёшларимизга эса фан чўққиларини эгаллашда ютуқлар тилашдан бахтиёрман.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг номини, унинг шон-шуҳратини сақлаб ва юксалтириб келаётганингиз учун барчангизга жамоатчилигимиз номидан самимий ташаккур билдираман.

Бугун Фанлар академиясининг 60 йиллигини кенг нишонлар эканмиз, сизларнинг бу тарихий санага аввало она заминимизда қадимдан фаолият кўрсатиб келган Маъмун академияси, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона водийси каби машҳур илм-фан марказларининг мантиқий ҳосиласи, миллий тафаккуримизнинг табиий маҳсули сифатида қараётганингиз айниқса ибратлидир.

Табиийки, тарихни бундай англаш, бундай ғурур ва ифтихор шу тупроқни жон дилидан севадиган, шу юртга сидқидилдан хизмат қилиб, уни бутун дунёга тараннум этаётган сиз каби илм-фан фидоийларига ярашади.

Кўҳна ва бой тарихимизни чуқур ўрганиш, томирларимизга етиб бориш, миллий руҳ, миллий ғоянинг жамиятимизда муносиб ўрин эгаллашига эришиш, энг муҳими, бетакрор меросимизни асраб-авайлаб, униб-ўсиб келаётган ёш авлодга етказишга фақат Ўзбекистонимизнинг тақдирини ўйлайдиган, унинг келажаги учун қайғурадиган одамларгина қодир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ҳурматли илм-фан аҳли! Фанлар академияси ўз тарихи давомида кўп воқеаларни, даврнинг барча мураккабликларини бошдан кечирганини, Марказ томонидан беписандлик ва камситиш каби ҳолатларни ҳам кўрганини, ўйлайманки, сизлар ўз фаолиятингиз мисолида яхши биласиз.

Лекин, қандай қийинчиликларга дуч келмасин, халқимизнинг ноёб истеъдодини рўёбга чиқаришда, авваламбор, Ўзбекистоннинг эртанги куни учун хизмат қиладиган ер ости, ер усти бойликларини ўзлаштиришда бу нуфузли илм даргоҳида яратилган,мамлакатимизнинг тараққиётига улкан ҳисса қўшган кашфиёт ва тадқиқотлар, янги технология ва воситалар, илмий тавсия ва қўлланмалар беқиёс аҳамиятга эга бўлганини ҳеч ким инкор этолмайди.

Бу ҳақиқатни айниқса геология, хусусан, нефть ва газ, олтин, рангли ва қимматбаҳо металлар конларини аниқлаш, математика, ядро ва қаттиқ жисмлар физикаси, астрономия, микробиология,органик ва ноорганик, ўсимлик моддалар кимёси, сейсмология, тарих ва археология, фалсафа ва шарқшунослик каби фан соҳаларида яратилган улкан кашфиётлар яққол исботлайди.

Академиямизни мана шундай юксак даражага кўтаришда буюк ҳисса қўшган, номлари тарихимиз саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган марҳум фан арбобларини ёд этиш, бугун ҳам ана шу эзгу анъаналарни муносиб давом эттириб келаётган сиз, азизларга яна бир бор ташаккур билдириш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб ҳисоблайман.

Албатта, ҳаммамиз яхши тушунамиз, Фанлар академиясининг мавжуд салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш, лабораториялар ва тажриба майдонларида, қўлёзмалар устида илмий тадқиқотлар олиб бораётган заҳматкаш олимлар меҳнатини рағбатлантириш учун давлатимиз томонидан берилаётган кўмак ва ёрдам ҳозирча етарли эмас.

Буни кўпчилик қаторида мен ҳам яхши англайман. Лекин, шу фурсатдан фойдаланиб, бир фикрни айтмоқчиман: иқтисодиётимиз ривожланиб, имкониятларимиз кенгайиб бориши билан шу соҳада фидоий бўлиб хизмат қилаётган илм-фан аҳли олдидаги қарзимизни адо этиш учун шароит туғилади. Бу борадаги ишларимизни охирига етказиш, тараққий топган мамлакатларнинг илм марказлари билан ҳамкорлик қилиб, тадқиқот жараёнларини замонавий даражада ташкил этиш учун амалий кўмак беришни давлат идоралари ва ташкилотларининг, бутун жамиятимизнинг биринчи даражали вазифаси, деб билишимиз зарур.

Сизларни бугунги қутлуғ айём билан яна бир бор табриклаб,мамлакатимиз олдида турган буюк мақсад ва марраларга эришишда Фанлар академияси ва барча олимларимиз ўз муносиб ҳиссасини қўшади, деб ишонч билдираман.

Мана шу улуғвор ишларни амалга оширишда барчангизга сиҳат-саломатлик, янги илмий ва ижодий зафарлар ёр бўлишини тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 60 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларини мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимиз илм-фани ривожи йўлидаги катта хизмати, халқимиз маънавияти ва маданиятини юксалтириш ишига қўшаётган улкан ҳиссаси, юқори малакали илмий ходимларни тайёрлаш борасидаги кўп йиллик фидокорона меҳнатини эътиборга олиб ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикаси фан арбоби»

Беглов Борис Михайлович — Умумий ва ноорганик кимё институти етакчи илмий ходими, академик

Ешчанов Турсунбай — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими раиси, академик

Мирзаев Тўра — Фанлар академияси вице-президенти вазифасини бажарувчи, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти директори

Республикамизнинг иқтисодий ва маънавий юксалишига қўшаётган беқиёс ҳиссаси, кўп йиллик самарали илмий-ижодий фаолияти, юқори малакали илмий кадрларни тайёрлаш, бой маънавий меросимизни ўрганиш, уни халқаро жамоатчилик ўртасида кенг ёйиш, миллатлараро дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлаш борасидаги хизмати ҳамда жамоат ишларида фаол қатнашаётгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Буюк хизматлари учун» ордени билан

Қўшжонов Матёқуб — Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти етакчи илмий ходими, академик

Мусаев Жўра Азимбоевич — Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти лаборатория мудири, академик

Тўрақулов Ёлқин Холматович — Фанлар академияси Биокимё институти лаборатория мудири, академик

«Эл-юрт ҳурмати» ордени билан

Камолов Собир — Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими маслаҳатчиси, академик

Қаюмов Азизхон — Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи етакчи илмий ходими, академик

«Меҳнат шуҳрати» ордени билан

Абдуллаев Абдумавлон — Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти лаборатория мудири, академик

(Давоми 2-бетда)

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

QAROR

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining Yangi yil bayrami munosabati bilan hamda mehnatkashlarning dam olishi uchun qulay shart-sharoitlar yaratish va ish vaqtidan oqilona foydalanish maqsadida «2003 yil 27 dekabr shanba - dam olish kunini 2004 yil 2 yanvar juma kuniga ko'chirish to'g'risida»gi Q A R O R I matbuotda e'lon qilindi.

ILMIY ANJUMAN

O'zbekiston Sog'liqni saqlash vazirligida O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasining 60 yilligiga bag'ishlangan «Tibbiyot fanini rivojlantirish ahvoli va istiqbollari» mavzuida ilmiy anjuman bo'lib o'tdi. Unda akademiklar, taniqli olimlar, ilmiy xodimlar va oliy o'quv yurtlari o'qituvchilari ishtirok etdi.

Anjumanda so'zga chiqqan sog'liqni saqlash vaziri F.Nazirov mamlakatimizda sog'liqni saqlash tizimini takomillashtirish va tibbiyot fanini rivojlantirish borasida katta ishlar amalga oshirilayotganini, keyingi uch yil davomida shifokor-olimlar o'z ixtirolari uchun 295 patent olganini ta'kidladi.

LITSEYGA GRANT

Samarqand viloyati Ishtixon tumanidagi 1-akademik litsey jamoasi Yaponiyaning mamlakatimizdagi elchixonasi tomonidan ajratilgan 71 ming AQSh dollariga teng grantni qo'lga kiritdi. Mablag' litseyning yangi binosini qurish va jihozlashga sarflanadi.

АКАДЕМИЯНИНГ ШОНЛИ ЙЎЛИ

Tadbir

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида айни шу кунларда мамлакатимиз Фанлар академиясининг 60 йиллиги тантаналари юртимиз ижтимоий ҳаётидаги муҳим воқеа сифатида кенг нишонланмоқда.

Халқимизнинг беқиёс илмий салоҳиятини ўзида мужассам этган Фанлар академияси хусусида сўз борганда, энг аввало унинг она диёримизда қадимдан мавжуд бўлган бой илмий-маданий мерос ва анъаналарнинг табиий маҳсули сифатида пайдо бўлгани, унинг турли кўриниш ва мақомларда, хусусан, Маъмун, Улуғбек академиялари, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона водийси каби илм-фан марказлари сифатида фаолият кўрсатгани ҳамда уларнинг халқаро миқёсда эътироф этилганлигини таъкидлаш муҳим. Дунёга машҳур Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек каби қомусий олимларимизнинг таваллуд тўйлари ҳамда Хива, Самарқанд, Бухоро, Термиз ва Шаҳрисабз шаҳарлари юбилейларининг халқаро миқёсда кенг тантана қилинганлиги, Хоразм Маъмун академиясининг минг йиллигини ЮНЕСКО қарори билан жаҳон миқёсида байрам қилишга катта тайёргарлик ишлари бошлаб юборилгани фикримиз далилидир.

Ўтган қўҳна ва шонли давр мобайнида Фанлар академияси собиқ марказ томонидан ўтказилган тазйиқ, менсимаслик каби оғир даврларни ҳам ўз бошидан ўтказишига қарамасдан, бу табаррук масканда тадқиқотлар олиб борган буюк олимларимиз илм-фан соҳасидаги умумбашарий ютуқлар ва миллий меросимизга таянган ҳолда, ўзининг илмий мактабларига асос солдилар, илмий кашфиётлари билан миллий ва умуминсоний тараққиётга муносиб ҳисса қўшдилар.

(Давоми 2-бетда)

ИЛМИЙ ЯНГИЛИКЛАР НАМОЙИШИ

Ko'rgazma

Юбилей тадбирлари доирасида «Ўзэкспомарказ»да «Ўзбекистон Республикасининг илмий-техникавий салоҳияти» дея номланган кўргазма очилди. Мазкур кўргазмани ташкил этиш ва уни ўтказишдан кўзланган мақсад, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётимизга изчил татбиқ қилиниши натижасида мамлакатимизда эришилаётган илмий ютуқлар ва уларнинг давлатимиз иқтисодиётига қўшаётган улуши билан кенг жамоатчилигимизни яқинроқ таништиришдан иборат.

Кўргазмада Фанлар академиясининг 50 га яқин илмий муассасаси билан биргаликда, республикамизда фаолият кўрсатаётган ўнлаб олий таълим муассасалари, илмий-текшириш институти олимларининг илмий ихтиролари, технологиялари, турли электрон ускуналари, механик қурилмалари намойиш этилмоқда. Шунингдек, кўргазмада турли вазирлик ва идоралар ҳамда миллий холдинг компаниялари фаннинг турли соҳаларида кўлга киритган илмий натижаларини тақдим этмоқда.

Тадбир давомида турли таълим муассасалари бир неча ҳамкор ташкилотлар билан яқиндан танишиб, ўзаро шартнома ва битимлар имзолаш учун имкониятлар яратилган.

Кўргазманинг расмий очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.Азизхўжаев иштирок этди.

Моҳина БЕКНАЗАРОВА

Суратда: кўргазмадан лавҳа.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

ЯНГИЛИК ЯРАТАЁТГАН МАКТАБЛАР КЎРИГИ

«Yil maktabi — 2003»

Ёшлар — келажагимиз. Уларнинг таълим-тарбияси эса бевосита мактаб билан боғлиқ. Шу боисдан ҳам Халқ таълими вазирлиги ходимлари таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш, юксалтириш мақсадида турли хил кўрик-танловлар ўтказишаяпти, ранг-баранг мавзуларда анжуманлар, семинар-тренинглар уюштиришаяпти. Чунончи, шу йилнинг 25—27 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган «Йил мактаби—2003» республика кўрик-танлови ҳам узвий равишда ана шу мақсадга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Кўрик-танловда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида энг намунали, ташаббускор деб топилган 14 та илғор педагогик жамоалар иштирок этади(Газетамизнинг 4 ва 5-саҳифаларида ушбу таълим муассасалари тўғрисидаги маълумотлар қисқартирилган тарзда берилаётир). Жараёнда илм масканининг (умумий ўрта таълим мактабининг моддий-техника базаси, ўз-ўзини бошқаруви, ички ёки ташқи назоратга кўра ўқувчиларнинг ДТС ва ўқув дастурларини ўзлаштиришдаги сифат самарадорлиги даражаси, охирги уч йил ичида битирувчиларнинг олий ўқув юртларига кириши каби кўрсаткичлари) 20дан ортиқ йўналишдаги ишлари таҳлил қилинади. Хуллас, «Йил мактаби — 2003» республика кўрик-танлови чуқур таҳлиллар асосида ҳамда баҳсларга бой тарзда ўтиши кутилмоқда.

(Давоми 4-5-бетларда)

20 ЙИЛЛИК ҚАДРДОНИМ

Obuna — 2004

Мен "Маърифат" газетасини 20 йилдан бери ўқийман. Ўзимнинг ўқитувчилик фаолиятимда ундан катта куч ва маънавий озуқа оламан. Унинг ҳар бир янги сонини қадрдон дўстни соғингандек орзиқиб кутаман. Чунки унинг саҳифаларида чоп этилаётган мақолалардан ўз фаолиятимда қўллаш учун кўп нарса оламан.

Одатда инсон ўзининг дўсти ва қадрдонига ҳамиша тўғри йўлни кўрсатиб, тўғри маслаҳат беради. Шу ўринда мен ҳам ўзимнинг айрим истак ва таклифларимни айтмоқчиман. Иқтидорли ўқувчилар фаолияти тўғрисида мунтазам мақола бериб борилса яхши бўларди. Айниқса, улар билан ишлаш методикаси ҳақида таҳлилий мақолалар берилса, фойдадан холи бўлмасди. Шунингдек, масофадан туриб ўқитишнинг услубий жиҳатларини очиб берадиган мақолалар-га эҳтиёж катта. Дарсларнинг электрон версияси мазмун-моҳиятини очиб берадиган чиқишлар уюштирилса айни муддао бўларди. Бизга хорижий таълим ҳақидаги мақолалар айниқса манзур бўлмоқда. Истагим, МДҲ давлатлари тажрибаси ҳақида ҳам маълумот берилса. Узлуксиз таълимни таъминлаш — шу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий талаби. Бу борада ҳам туркум мақолалар ўқишни истардим.

"Маърифат" 20 йиллик қадрдоним. Ҳар йили биринчи навбатда шу газетага обуна бўламан. Мен меҳнат қиладиган коллеж ўқитувчилари ва талабалари газетани оммавий равишда ўқиб, муҳокама қилиб борадилар. Жамоамиз ҳар йили 25-30 нусхада газетага обуна бўлишади. Бу йил ҳам 25 нусха обуна расмийлаштирдик. Демак, "Маърифат" билан учрашув давом этади.

Жалол ОРИПОВ,
Зомин тиббиёт коллежининг услубий ишлар бўйича директор ўринбосари



ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

СЎЗ ИЧРА МУДОМ АҚЛ ЯШИРИНДИР — 3-бет

МАЪРИФАТ НУРИНИ ТАРАТИБ... — 6-бет

МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИ КЎМАГИДА — БОЛАЛАР МАКТАБГА ҚАЙТАРИЛМОҚДА — 6-бет

ЎЙИН ҚИЗИҚМИ, ДАРС?.. — ЁХУД РЕПИТИТОР МУАММОНИНГ ЕЧИМИМИ? — 8-бет



Ko'rgazmaning birinchi bo'limi "Toshkent vohasi tosh davrida" deb ataladi. Unda Chotqol Qurama tog'larining ibtidoiy odamlar tomonidan o'zlashtirilishi tarixi o'z ifodasini topgan.

Shu kuni yig'ilganlar e'tiboriga Fanlar akademiyasining tashkil topishi va rivojlanishi, uning istiqlol yillaridagi faoliyatidan hikoya qiluvchi «Shonli yo'l» hujjatli filmi namoyish qilindi.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 60 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларини мукофотлаш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

Абдуллаев Жўра Абдуллаевич — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази илмий маслаҳатчиси, академик

Абдуллахўжаева Малика — Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика патологик анатомия маркази директори, академик

Авезов Раббонақул — С.Азимов номидаги «Физика-Қуёш» илмий ишлаб-чиқариш институти лаборатория мудири

Орипов Тоҳир Фотиҳович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти, академик

Аюпов Шавкат Абдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари, академик

Глушенкова Анна Ивановна — С.Юнусов номидаги ўсимлик моддалари кимёси институти лаборатория мудири, академик

Исомиддинов Муҳаммад Ҳасанович — Я.Ғуломов номидаги Археология институти етакчи илмий ходими

Исломов Ўткир — Я.Ғуломов номидаги Археология институти бўлим бошлиғи, академик

Лутфуллаев Саъдулла Лутфуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти вазифасини бажарувчи, С.Азимов номидаги «Физика-Қуёш» илмий ишлаб-чиқариш бирлашмаси бош директори

Мавлоний Машҳура Эгамовна — Микробиология институти лаборатория мудири, академик

Мўминов Толиб Мусаевич — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Амалий физика институти директори, академик

Ражабов Тельман Дадаевич — Тошкент ахборот технологиялари университети кафедра мудири, академик

Расулев Ўткир Ҳасанович — У.Орипов номидаги Электроника институти директори, академик

Ртвеладзе Эдвард Васильевич — Саньатшунослик илмий-тадқиқот институти бўлим мудири, академик

Салохитдинов Махмуд — Мирзо Улубек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори, академик

Убайдуллаева Раъно Ахатовна — «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази директори, Иқтисодиёт институти бўлим мудири, академик

Хайруллаев Музаффар Муҳитдинович — Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти директори, академик

Ҳасанов Маҳмуджон — Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди бошлиғи

Хотамов Нариман Тожиевич — «Фан» нашриёти директори

Хожаниязов Гайратдин — Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг Тарих, археология ва этнография институти археология бўлими мудири

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Аҳмедхўжаева Хафиза Саидғаниевна — С.Юнусов номидаги ўсимлик моддалари кимёси институти етакчи илмий ходими

«Дўстлик» ордени билан

Буряков Юрий Фёдорович — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори, академик

Казаков Ибрагим — Зоология институти лаборатория мудири

Лордкипанидзе Лора Николаевна — Х.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти етакчи илмий ходими

Минасянц Вазген Сосович — Ўзбекистон тарихи давлат музейининг катта илмий ходими

Пиримқулова Васила Аъзамовна — Фанлар академиясининг халқаро илмий ҳамкорлик ва ташқи инвестицияларни жалб қилиш бўйича вице-президенти хизмати раҳбари

Файзуллаев Омонулла — Фалсафа ва ҳуқуқ институти етакчи илмий ходими

Филанович Маргарита Ивановна — Я.Ғуломов номидаги Археология институти катта илмий ходими

Штонда Нина Ивановна — «Ботаника» илмий ишлаб-чиқариш маркази лаборатория мудири

Илм-фан соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, илмий янгиликларни яратиш ва амалиётга жорий этиш борасидаги хизматларини инобатга олиб қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор»

Бахромов Саъдулла Абдуллаевич — «Академасбоб» илмий ишлаб-чиқариш бирлашмаси бош директори

Тўраев Аббосхон Собирхонович — О.Содиқов номидаги Биоорганик кимё институти директор ўринбосари

Халқимиз илмий салоҳиятини юксалтириш ва малакали илмий кадрларни тайёрлаш борасидаги кўп йиллик меҳнатлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Шуҳрат» медали билан

Азимов Бахтиёр Магрупович — «Замонавий информацион технологиялар» маркази қошидаги Кибернетика институти лаборатория мудири

Алиев Абдурашит — У.Орипов номидаги Электроника институти лаборатория мудири

Беспалова Надежда Николаевна — М.Ўрозбоев номидаги Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти етакчи муҳандиси

Ғуломова Дилбар Жўраевна — С.Азимов номидаги «Физика-Қуёш» илмий ишлаб-чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институти лаборатория мудири

Жўраев Маматқул — Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти архив бўлими мудири

Ищенко Гульсияр Сайделовна — «Академасбоб» илмий ишлаб-чиқариш бирлашмаси илмий котиби

Косимжонов Магрупжон Орипжонович — Иссиқлик физикаси бўлими етакчи илмий ходими

Набиев Озод — «Замонавий информацион технологиялар» маркази бош директори, «Алгоритм-инженеринг» институти директори

Навотный Вадим Шименович — С.Азимов номидаги «Физика-Қуёш» илмий ишлаб-чиқариш бирлашмаси Физика-техника институти лаборатория мудири

Побережская Светлана Константиновна — Умумий ва ноорганик кимё институти етакчи илмий ходими

Ражапова Раъно Ёдгоровна — Тарих институти етакчи илмий ходими

Саидхонова Саодат Мухторовна — Темурийлар тарихи давлат музейи илмий котиби

Султонов Саид-Аббос Саидахмедович — Фанлар академияси ишлар бошқарувчиси

Султонов Хотам Бурхонович — Мирзо Улуғбек номидаги Астрономия институти кичик илмий ходими

Тошпўлатов Жамондин — Микробиология институти лаборатория мудири

Усмонов Пўлат Бекмуротович — Физиология ва биофизика институти директори

Худойбердиев Рўзиқул — «Ботаника» илмий ишлаб-чиқариш маркази лаборатория мудири

Чистяков Павел Григорьевич — Ядро физикаси институти қошидаги «Радиопрепарат» давлат корхонаси бош технологи

Чубукина Ирина Юрьевна — Фанлар академияси бўлими бошлиғи

Шарафутдинова Рахима Шамсутдиновна — Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи ёзувчилар архиви мудири

Ёқубов Абдуқаюм Фозиевич — Ядро физикаси институти ишчиси

Ёрмуҳамедов Акбар Раҳматович — Ғ.Мавлонов номидаги Сейсмология институти лаборатория мудири

Қаюмов Абдурахим — Фанлар академияси Фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш фонди кенгашининг илмий котиби

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

АКАДЕМИЯНИНГ ШОНЛИ ЙЎЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Истиқлол йилларида юртимизнинг илмий-техникавий салоҳияти жаҳон талаблари асосида ривожланди. Мамлакатимизда замонавий таълим-тарбия тизимининг шаклланиши Фанлар академияси ва унинг илмий тадқиқот муассасалари фаолияти билан ҳам узвий боғлиқ. Академиянинг илмий-тадқиқот институтлари миллий ва халқаро грантлар асосида фаннинг ривожланган йўналишлари бўйича изланишлар олиб бормоқда. Натижада илм-фан соҳасида катта ютуқларга эришилянти.

Бугунги кунда Фанлар академияси тизимида 48 та илмий-тадқиқот муассасалари, 129 нафар академик, 400 нафар фан доктори ҳамда 900 нафар фан номзоди фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан табиий фанлар соҳаларида эришилган илмий натижалар мустақиллигимизни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлашда муҳим омиллардан бўлиб хизмат қилса, ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишида фаолият кўрсатаётган олимлар кўҳна ва бой тарихимиз, маданий-маънавий меросимизни холисона ўрганиш, халқимиз маънавияти ва маданиятини юксалтириш, ёш авлодни тарбиялаш ҳамда миллий истиқлол ғоясини илмий асосда ўрганиш, уни халқимиз онгига сингдириш ишларига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Академия олимларининг таълим жараёнларида фаол иштирок этишлари, айниқса уларнинг магистрантларга илмий раҳбарлик қилиши, янги авлод дарсликларини яратишдаги иштироки, ўқув-илмий марказларининг ташкил этилиши илмий натижаларга асосланган замонавий таълим тизимининг шаклланишини таъминловчи муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу давр мобайнида Академиянинг халқаро алоқалари ҳам ривожланди, иқтидорли ёш олимларнинг нуфузли хорижий илмий марказларда малака оширишлари учун имкониятлар яратилди, кўпгина олимларнинг илмий натижалари халқаро миқёсда эътироф этилди. Шу билан бирга, Академия тизимида илмий жараёнларга хорижий сармоя жалб этиш, экспорт салоҳиятини кучайтирувчи технология ва ишланмалар яратиш, уни ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш ишларига катта эътибор берилмоқда.

Фанлар академиясида мазкур сана муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишни академиянинг президенти, академик Б.Йўлдошев очди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фанлар академиясининг 60 йиллиги муносабати билан Фанлар академиясининг аъзоларига, барча илмий ходимларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Академиянинг турли илмий-тадқиқот институтларида фаолият кўрсатаётган олимлари замонавий илм-фаннинг геология, математика, ядро ва қаттиқ жисмлар физикаси, астрономия, микробиология, ўсимликлар кимёси, сейсмология, фалсафа ва бошқа етакчи соҳаларини, кўҳна тарихимиз саҳифаларини, Шарқнинг бебаҳо мероси жам бўлган нодир қўлёзмаларни ўрганиш борасида жаҳон илмий жамоатчилиги эътиборига тушаётган кўплаб янгиликлар яратмоқда. Ана шундай фидойи олимларимиздан 63 нафари Президентимиз Фармонига асосан «Ўзбекистон Репсбликаси фан арбоби» фахрий унвони, «Буюк хизматлари учун», «Эл-юрт ҳурмати», «Меҳнат шуҳрати» ордени ҳамда «Шуҳрат» медаллари билан тақдирландилар. Тақдирланганларга мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э.Халилов топширди.

Анжуманда сўзга чиққан Россиянинг Ядровий тадқиқотлар бирлашган институти директори В.Кадишевский, Польша Фанлар академияси вице-президенти С.Януш, Японияда ги «Ипак йўли» халқаро академияси директори К.Като ва бошқалар дунё илм-фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган юртимиз фидойи олимларини бугунги байрам билан қутлаб, янгидан-янги илмий кашфиётлар қилишда омадлар тиладилар.

Шу куни йиғилганлар эътиборига Фанлар академиясининг ташкил топиши ва ривожланиши, унинг истиқлол йилларидаги фаолиятидан ҳикоя қилувчи «Шонли йўл» ҳужжатли фильми намойиш қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари А.Абдувоҳитов, З. Ҳусниддинов, Бош вазир ўринбосари А.Азизхўжаев иштирок этди.

Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири

"ҚАДИМИЙ ТОШКЕНТ" КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 60 йиллиги қизғин нишонланаётган айни кунларда бу қутлуғ даргоҳда пойтахт ҳокимлиги билан биргаликда "Қадимий Тошкент" археологик кўргазмаси ташкил этилди. Мазкур кўргазманинг очилиш маросимида қадимшунос ва тарихчи олимларимиз илмий тадқиқотларининг янги жиҳатларини таъкидлашди. Академия олимларининг Тошкент шаҳри ва унинг атрофида олиб борган кўп йиллик изланишлари натижасида қўлга киритган улкан ютуқлари мазкур кўргазмадан муносиб жой олган бўлиб, улар воҳанинг қадимий тарихий-маданий ёдгорликларга бойлигидан далолат беради.

Кўргазманинг биринчи бўлими "Тошкент воҳаси тош даврида" деб аталади. Унда Чотқол Қурама тоғларининг ибтидоий одамлар томонидан ўзлаштирилиши тарихи ўз ифодасини топган. Унинг жез ва илк темир (мелоддан олдинги IX-IV асрлар) даврларига оид бўлимида чорвадорлар маданиятига мансуб топилмалар билан танишиш мумкин. Шаҳар тарихининг қадимги негизи ёзма манбаларда йўқлиги сабабли ёдгорликларни ўрганиш археологик асосда аниқланмоқда. Шоштепа, Мингўрик, Юнусобод Оқтепаси, Бинкат ёдгорликлари шулар жумласидандир. Шунингдек, кўргазмадан қазиш давомида топилган уй-рўзғор буюмлари, одамлар суратлари ва турли тангалар ҳам ўрин олган. Шуниси диққатга сазоворки, топилган мингдан ортиқ ёдгорлик ва далилий ашёлар Тошкент воҳасида чорвачилик ҳамда ҳунармандчилик билан бир қаторда бошқа соҳалар ҳам ривож топганлигини кўрсатиб турибди. Улар билан танишган ҳар бир киши авлод-аждодларимиз юксак маънавий-маданий мерос яратганликлари-ю, юртимиз тарихи нақадар бойлигидан бениҳоя фахрланади. Томошабинда ўтмишга қизиқиш ва ҳурмат уйғотадиган бу ажойиб кўргазмани яратишда Республика Фанлар академияси Археология институтининг Тошкент бўлими билан Ўзбекистон тарихи давлат музейи олим ва мутахассислари ижодий ҳамкорликда қисқа вақт ичида улуғвор ишларни амалга оширдилар.

— Тошкент шаҳри тарихининг рангбаранг қирраларини қадимий ёдгорлик ва ашёлар орқали илмий асосда ифода этган бу кўргазма пойтахтимизда бунёд этиладиган янги музейга асос бўлади деган умиддамиз, — деди Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти, академик Беҳзод Йўлдошев унинг тантанали очилиш маросимида. — Шу боис ушбу йўналишда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳомийлигида бундан буён ҳам изчил давом эттирилаверади.

Сўзга чиққан яна бир гуруҳ олимлар мазкур кўргазма ёшларни ўтмиш ва бой меросимизга ҳурмат билан тарбиялаш йўлида қўйилган янги қадам бўлганлигини эътироф этиб, унинг янада кенгайтирилиши ва бойитилиши тарихимизнинг янги-янги саҳифаларини очишимизда муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Нуриддин ОЧИЛОВ

БИЛИМ ЗИЁСИ

Бугун ҳукуматимиз раҳбарияти касб-ҳунар таълими дея катта эътибор қаратаётган жабҳанинг ҳам ўзига хос тарихи ва бу соҳанинг поғонама-поғона кўтарилиб боришида катта меҳнатлари синган фидоийлари бор.

Кўпчиликнинг ҳурматли устозига айланган домла Тўлқин Зайнуддинов ана шундайлардан. У 1970 йили олийгоҳни тугатиб Навоий шаҳридаги ўша даврларда ягона саналган 29-ҳунар техника билим юртида иш фаолиятини бошлаган бўлса бутун фаолияти, бор билим ва тажрибасини таълимнинг ана шу қиррасини ривожлантиришга бағишлади. Шаҳарда ташкил этилган 4 та билим юрти бевосита домланинг жонкуярлиги билан юзага келди. Домла қатор йиллар мазкур билим даргоҳларига раҳбарлик қилди. Бир қанча муддат тизим бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлади. Айни пайтда домла нафақада бўлса-да, деярли ҳар куни вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармасида учратасиз. У шогирдларига қимматли маслаҳатларини беради. Домланинг яна бир ажойиб фазилати бор. У киши газета-журналлар обунасининг энг жонкуяр тарғиботчиси ва ташкилотчиси. "Маърифат" Тўлқин аканинг ҳар куни ёнида олиб юрадиган "ҳамроҳ"и. Домла билан уюштирган мулоқотимиз ҳам газета-газетхон-обуна хусусида борди.

— Домла, ёдимда бундан ўн-ўн беш йиллар бурун ҳам обуна мавсумига чин юракдан катта масъулият билан ёндашардингиз. Шу боис ҳам сиз раҳбарлик қилаётган билим юртида газета-журналларга ёзилиш кўрсаткичи юқори бўларди. Тўғриси, сиздаги матбуотга ҳурмат бизни ниҳоятда хурсанд қилади. Кузатишларингизга таяниб нима дея оласиз, обуна жараёнини фақат иқтисод билан боғлаш мумкинми?

— Назаримда йўқ! Келинг, яхшиси ҳаётий тажрибаларимни хотирлай қолай: обуна мавсуми бошланиши арафасида матбуот нашрлари тарғиботини раҳбарликнинг энг асосий вазифаларидан бирига кўтарардим. Гуруҳларга кириб ёшлар билан дилдан суҳбат уюштирардик. Ота-оналар йиғилишларини чақириб, улардан фарзандларининг газета-журналларга ёзилишини ташкил этишда кўмаклашишларини илтимос қилардим. Чунки, муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек "... жаҳолатга қарши маърифат билан" курашмоқ керак. Маърифат эса ўқиш, замон билан ҳамнафас яшаш дегани. Ўша даврларда ҳам иқтисодни рўкач қиладиганлар топиларди. Лекин ҳақли савол ҳамиша ҳақли жавоб талаб қилади.

Хўш, болангиз ўқитувчисидан ҳам кўра қимматбаҳо фалон сўмлик либос кийиши шартми?

Ўғлингиз ёки қизингизнинг ҳали туғилган кун, ҳали байрам дея сизни авраб олаётган пулларининг ўн кунлик, бир ойлигини ҳисоблаб кўраяпсизми?.. Ёки ҳурматли катталар мени кечирсинлару қайсидир ҳою ҳавасларимиздан кечиб ўзимиз обуна бўлишда фарзандларимизга ибрат бўлмасак, ўғил-қизларимиздан айб қидиришимиз инсофсизликдир.

— Газета ва газетхонни яқинлаштириш ҳақида кўп гапирамиз-у амалдаги ҳаракатлардан ҳар доим ҳам кўнгил тўлавермайди...

— Газета оилаларга кириб бориши керак. Менинг онам ҳозир тўқсон ёшдалар. Жуда яхши эслайман, болалигимизда у киши бизни атрофига ўтқазиб олиб газета-журналларни ўқиб берардилар. Айрим материалларни муҳокама қилиб, биздан ҳам фикр сўрардилар. Шунданми, опа-сингилларим Адолат, Мавжуда, Саодат, Муҳаррам, укаларим Карим, Амин — ҳаммамиз ўқитувчилик касбини ихтиёр этдик. Турмуш ўртоғим Лутфияхон ҳам педагог. Ҳали ҳам йиғилиб қолсак ўз-ўзидан суҳбатимиз газета-журналларда чоп этилаётган мавзуларга уланиб кетади. Ёшларимизни газетани фақат ўқиш эмас, уқишга ўргатсак — бизнинг энг катта маънавий ютуғимиз ана шунда!

Бундан ташқари ўқув муассасаларида матбуот тарғиботи масаласи фақат синф раҳбарлари ва маънавиятчиларнинг бурчлари бўлиб қолмаслиги керак. Нега адабиётчи ижтимоий фан ўқитувчилари дарсида даврий нашрларга мурожаат қилади-ю, химик, физик, математик бу жараёндан узоқда?! Газета, айниқса, "Маърифат" ҳар бир муаллимнинг "дастурхони"га айланиши керак...

— Домла шу ўринда "Маърифат" яна қандай мавзуларга эътибор қаратишини истардингиз?

— Мен жуда қувонаман, бугун мактаб-маориф ишининг ҳомийлари ортиб бормоқда. Газета уларнинг эзгу ишларини тарғиб қилаяпти. Дарс таҳлиллари, таълим жонкуярлари ҳақида материаллар берилаяпти. Долзарб мавзудаги муаммолар кўтарилаяпти... Истардимки, тизимдаги ечимталаб масалалар, уларни бартараф қилиш борасидаги ҳаётий материаллар берилса. Ота-оналаримиз ҳам ўз фикр-мулоҳазалари билан фаол иштирок этишсаки, шу йўл билан уларни таълим жараёнига уйғоқ кўз билан қарашга ундай олсак. "Маърифат" — маърифат зиёси дегим келади. Ҳар доим бу газета ўзининг нуфузига, ўз сўзига, ўзининг ҳақиқий мухлисларига эга бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Ойбуви ОЧИЛОВА

Tadbir

ЁШЛАР МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Ёшларнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол бўлиб вояга етиши, уларнинг етарли таълим-тарбия олишига қаратилаётган эътибор жамиятимизнинг асосий эътиборида. Шу боис уларнинг муаммолари, қизиқишлари, талаблари барча учун бирдек қадрлидир. Хусусан, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бу борада мамлакатимиз ёшларини бирлаштирувчи, уларни маънан қўллаб-қувватловчи ташкилотдир. Яқинда шу ташкилотнинг Марказий Кенгашида «Ёшлар муаммолари ва уларнинг ечими: ҳолат ва истиқбол» мавзусидаги III-Республика илмий-амалий Конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияни «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси Ботир Убайдуллаев очиб берди. Шундан сўнг Олий ва ўрта махсус таълим вазири С. Ғуломов нутқ сўзлаб, бугунги кунда талабаларнинг олдида турган талаблар, уларга дарслар, имтиҳонлар давомида дуч келаётган ҳамда ҳаётий муаммоларга тўхталиб ўтди. Олий ўқув даргоҳи тугаллаётган ҳар бир ёш мутахассис қайсидир таниши орқали ишга жойлашишни эмас, ўзи шуғулланаётган бакалаврлик ёки магистрлик илмий лойиҳаларида бирор янгилик яратиб, ўзига ва бошқаларга янги иш жойи ҳозирлаши кераклигини таъкидлади. Шундан сўнг сўзга чиққанларнинг маърузаларида мазмунан ва мантиқан давомийлик касб этди. Олий мажлиснинг Ёшлар қўмитаси раиси Азамат Зиё «Ўзбекистон қонунчилигида ёшлар билан ишлаш масалалари» мавзусида сўзлар экан, ўз тажрибалари асосида ёшларнинг кўпчилиги боқимандалик кайфиятидан чиқа олмаётганини, фақатгина ўзларининг муаммоси чиққанидагина қонунни эслаб келишларини очиқ айтди. Ваҳоланки, ўша муаммонинг келиб чиқмаслиги учун нималар қилиш лозимлигини ёшларнинг ўзлари ҳам таклиф киритишлари мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Миллий Университети профессори Н. Алиқориевнинг «Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги даражаси», Республика «Оила» илмий-амалий марказининг директори В. Каримованинг «Ёшларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш муаммолари», Ёшлар муаммолари институти илмий ходими Ҳ. Назарованинг «Ёшлар муаммолари институти тадқиқотлари хулосаси юзасидан» мавзуларидаги маърузалар йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. Ялпи мажлисдан сўнг конференция иштирокчилари ўз ишларини учта шўъбага бўлинган ҳолда давом эттиришди.

Шерзод РАҲМОНОВ,
Тошкент молия институти ҳисоб-кредит факультети талабаси.

Боғча болаларининг тили равон, бурро бўлиши учун уларнинг нутқини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, улардан кўрган нарсаларини таърифлаб беришларини ҳар куни сўраб туриш керак.

Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги «Қувонч» боғча-мактаб мажмуасида боғча болаларига инглиз тилидан сабоқ беришда кўргазмали куроллар ва кўғирчоқларни таърифлаш каби усуллар қўллаётган тарбиячи-ўқитувчи Зуҳра Раззоқбергеновани машғулотларини болажонлар мароқ билан тинглайдилар.

Бурҳон РИЗО олган сурат.

ҲАМКОРЛИК ЙЎЛЛАРИДА

Республикамизда олий ва ўрта махсус таълим тизимининг яна бир муҳим жиҳати малака ошириш тизимидир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Истеъдод" жамғармаси олиб бораётган амалий фаолиятидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. 2003 йилнинг ўзида жамғарма томонидан республикамизнинг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларидан 98 кишини Жанубий Кореянинг Ёнсей университетидаги тиббиёт коллежи, шу мамлакатнинг Сеул Миллий университети, Малайзиянинг Мара университети, Вена университети, Россиянинг Молия Академияси, Новосибирск, Киев университети ва институтларида малака ошириш имкониятлари яратилди.

Куни кеча яна бир гуруҳ профессор-ўқитувчилар малака ошириш учун Малайзияга жўнаб кетишди.

— 2003 йилнинг охиригача жамғармамиз гранти совриндорларидан Малайзиянинг ўзида 40 киши малака ошириб қайтди, — дейди биз билан суҳбатда жамғарма ижрочи директори профессор Абдунаби Пардаев. — Бугун яна 20 нафар республикамиз университет, институт ва академик лицейларининг вакиллари "Янги технологик асослар" дастури бўйича малака ошириш учун жўнаб кетишаяпти. Улар иқтисод, маркетинг, молия ва кредит, журналистика, Ўзбекистон тарихи, педагогика каби йўналишлар бўйича 12 кун давомида Малайзиянинг нуфузли университетларидан бири бўлган Мара университетидаги касбдошлари билан тажриба алмашишади. Грантимиз соҳиблари малака ошириб қайтгач, тажрибаларини ўзлари хизмат қилаётган ўқув юртларида татбиқ этадилар. Бундан ташқари жамғармамизнинг янги технологиялар билан жиҳозланган синфхоналарида технологик асослар бўйича семинар, масофавий ўқишларни ташкил этишади.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтишни истардимки, хорижий нуфузли олий ўқув юртлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, тажриба алмашиш яхши натижалар бермоқда. Жамғармамиз гранти совриндорлари хорижий олий ўқув юртларида бўлганларида, уларнинг иш услубларини атрофлича ўрганиб, улар билан ўзаро ҳамкорлик бўйича меморандумлар тузиб, алоқаларни янада мустаҳкамламоқдалар.

Юсуф ҲАМДАМОВ

Izlanuvchan, ijodkor muallima 1 soatlik darsida 6 topshiriqni bajartirishga erisha oldi.

Har uch yilda bir marotaba davlat attestatsiyasi o'tkazilmoqda. Lekin attestatsiya natijalariga ko'ra o'qituvchilarga toifa berilmaydi.

СЎЗ ИЧРА МУДОМ АҚЛ ЯШИРИНДИР

Мактабдаги асосий фанлардан бири она тили бўлиб, уни ўқитишда янги педагогик технология — семинар-тренингдан фойдаланиш, ўқувчиларни гуруҳларга бўлиб шуғуллантириш, матн устида ишлаш, топқирлар беллашуви ўтказиш яхши самара бермоқда. Бектемир туманидаги 289-мактаб ўқитувчиси Саноат Қурбонованинг "Йил ўқитувчиси—2003" шаҳар кўрик-танловидаги дарси ҳайъат аъзоларига манзур бўлди. Изланувчан, ижодкор муаллима 1 соатлик дарсида 6 топшириқни бажартиришга эриша олди. Қуйида Саноат Қурбонованинг 5-синфдаги 1 соатлик дарсини келтирмоқдамиз.

Мавзу: Топқирлар беллашуви.

Мақсад: Ўқувчиларнинг тилшунослик бўлимларидан бири — сўзшунослик (лексикология) бўлими юзасидан олган билимларини такрорлаш асосида мустаҳкамлаш, улар қалбидаги она тилимизга, Ватанга, миллий урф-одатларимизга бўлган муҳаббатни янада кучайтириш, ўқувчиларнинг иқтисодий билим доирасини кенгайтириш.

Дарснинг услуби: семинар-тренинг.

Дарснинг жиҳози: жадваллар, карточкалар ва бошқа техник воситалар.

Ўқитувчи: — Азиз ўқувчилар! Мана биз сизлар билан тилшунослик фани бўлимларидан бири—сўзшунослик (лексикология) бўйича билим, малака ва кўникмалар ҳосил қилдик. Бугунги дарсимиз айнан ана шу билимларимизни такрорлаш ва уларни янада мустаҳкамлашга замин бўлади. Дарвоқе, биз бугунги дарсимизда гуруҳлар билан ишлаймиз ва ўз билимларимизни синаб кўрамиз. Келинг, дастлаб дарс жараёнида амал қилишимиз лозим бўлган қоидаларни аниқлаб олсак-да, дарсимизни бошласак.

Шундан сўнг ўқувчилар томонидан қоидалар яратилиб, синф тахтасига ўқитувчи томонидан ёзиб қўйилди:

— Аниқлик
— Ростгўйлик
— Ҳаққонийлик
— Кўргазмалилик
— Фаоллик
— Ўзаро ҳурмат
— Вақтга амал қилиш

Қоидалар билан танишгач, ҳар бир гуруҳ ўзига ном ва шиор танлади.

1-гуруҳ. **"Тилшунос".** Шиори: "Она тилим — ифтихорим".

2-гуруҳ. **"Истиқлол".** Шиори: "Истиқлол туфайли тикланган тилим".

3-гуруҳ. **"Синтаксис".** Шиори: "Тилга эътиборсиз — элга ихтиёрсиз".

4-гуруҳ. **"Фонетика".** Шиори: "Она тили — миллат руҳи".

Гуруҳлар ўзини таништиргач, ўқувчилар сўз ва тил ҳақидаги шеърий парчаларни ифодали айтдилар.

1-гуруҳ: Маъни дарёю гавҳаридир сўз,
Бир-бирин мағзи жавҳаридир сўз.
Гар жаҳонни десак мисоли саҳаф,
Сўз унинг дурри, унга шону шараф.
(А.Жомий)

2-гуруҳ: Сўздурки нишон берур
ўликка жондин,
Сўздурки берур жонга хабар жонондин.
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билки, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.
(А.Навоий)

3-гуруҳ: Сўздур инсон қўнглида
бир гуҳари қимматбаҳо,
Они хор этма дебон ҳар ҳуши
йўқ ҳайвонга сўз.
(Хиромий)

4-гуруҳ: Маъдани инсон гавҳари сўздурур,
Гулшани одам самани сўздурур.
(А.Навоий)

1-гуруҳ: Кўнгул баҳрини сўз эрур гавҳари,
Жаҳон бошини сўз эрур афсари.
(Хиромий)

2-гуруҳ: Сўз ичра мудом ақл яшириндир,
Сўз чимилдиғу ақл келиндир.
(Носир Хисрав)

3-гуруҳ: Кўнгил дуржи ичра
гуҳар — сўздурур,
Башар гулшанида самар — сўздурур.
(А.Навоий)

4 гуруҳ: Фақат пухта сўзни юритмоқ керак,
Пухта сўз ҳеч қачон эскимас — демак.
(А.Фирдавсий)

2-топшириқ топқирлик машқи бўлиб бунда ҳар бир ўқувчи саволга қисқа, лўнда, аниқ жавоб бериши керак.

I-гуруҳ учун саволлар:

1. Тил ва унинг хусусиятларини ўрганувчи ва ўргатувчи фан қандай номланади? (Тилшунослик).

2. Тилшунослик фанининг бўлимларини сананг: (Фонетика, лексикология, орфоэпия, орфография, морфология, синтаксис, графика, услубият, нутқ маданияти.)

3. Сўзларнинг ички маъно мундарижасини ўрганувчи тилшунослик фани бўлими... (лексикология, яъни, сўзшунослик).

4. Бир-биридан фақат бир товуш билан фарқланадиган сўзлар?.. (Товушдошлар).

5. Қандай сўзлар маънодош сўзлар дейилади? (Шакли ҳар хил, аммо маъноси бир хил бўлган сўзлар).

6. Маънодош сўзларга мисол келтиринг. (Кулди, тиржайди, илжайди, жилмайди...)

II гуруҳ учун саволлар:

1. Уядош сўзлар деб қандай сўзларга айтилади? (Бир турга, бир гуруҳга оид бўлган сўзлар уядош сўзлардир)

2. "Гул" сўзининг уядошларини сананг (Атиргул, наргиз, нилуфар, бинафша, бойчечак, лола...)

3. Айтилиши ва ёзилиши бир хил, аммо маъноси ҳар хил бўлган сўзлар қандай сўзлар дейилади? (Шаклдош сўзлар).

4. "От" сўзининг маъноларини шарҳлаб беринг. (От — ҳайвон, от— исм, ном; от — сўз туркуми; от — иш-ҳаракат, яъни ташла, улоқтир, йўқот маъносида)

5. "Кичик" сўзининг зид маъноси? (Катта).

6. "Юз" сўзининг маънодошларини айтинг. (Жамол, ораз, бет, афт, башара, турк).

III-гуруҳ учун саволлар:

1. Тор қўлланишли ёки хусусий сўзлар деб қандай сўзларга айтилади? (Қўлланиш доирасига нисбатан чекланган бўлиб, айрим соҳаларда, мутахассисларнинг нутқида, илмий асарларда, касб-корда қўлланувчи сўзлар тор қўлланувчи ёки хусусий сўзлар дейилади).

2. Хусусий сўзларнинг қандай турлари бор? (Атамалар, соҳа сўзлари, шева сўзлари, тарихий сўзлар).

3. Атамалар неча турли бўлади? (2 турли — хусусий ва умумий қўлланувчи сўзлар).

4. Атамаларни биз яна қандай ном билан атаймиз? (Терминлар номи билан).

5. Маҳаллий сўзлар деб қандай сўзларга айтилади? (Маълум бир туман, шаҳар, вилоят, қишлоққа хос бўлиб, адабий тилда бошқа кўриниш ва маънога эга бўлган сўзлар маҳаллий сўзлардир).

6. Такя, отиз, ўжак сўзлари қайси ҳудудга хос? (Хоразм).

IV-гуруҳ учун саволлар:

1. Тошкент шевасига хос сўзларга мисоллар келтиринг (Ада, опа, опача, ока, дода, боровуз, келовуз).

2. Ўтмиш ҳаёт тарзини ифодаловчи муҳим восита? (Тарихий сўзлар).

3. Тарихий сўзларга мисоллар келтиринг. (Омоч, тилмоч, мингбоши, элликбоши, амир, подшоҳ, қози каби).

4. Бошқа тиллардан кириб, ўзбек тилига ўзлашиб қолган сўзлар қандай сўзлар дейилади? (Олинма сўзлар).

5. Араб тилидан ўзбек тилига ўзлашиб қолган сўзларга мисоллар келтиринг. (Муаллим, мактаб, кутубхона, мударрис, китоб, муаззам сингари.)

6. Ибора деб нимага айтилади? (Икки ва ундан ортиқ сўзнинг қўшилишидан тузилиб, яхлит маъно ифодаловчи бирикмалар ибора дейилади).

Савол-жавобдан сўнг 3-топшириққа, яъни янги пайдо бўлган сўзлар ёрдамида "Сўздан сўз топиш" машқига ўтилди.

I гуруҳ "Тадбиркорлик", II гуруҳ "Менежмент", "Савдо", III гуруҳ "Кредит", "Банк".

IV гуруҳ " Макроиқтисодиёт" сўзларини танлаб, оқ ватманга маркер ёрдамида ким кўп сўз топиб ёза олишига ўтилди.

Тадбиркорлик,	Менежмент, Солиқ,	Кредит, банк,	Макроиқтисодиёт
ОР	Мен	Кет	Макр
Бир	Сен	Эди	Ор
Бор Эн	Ит		иқтисод
Ол	Сал	Тер	Кор
Кир	Ол	Бер	Йод
Кор	Ос	Кит	Йот
Тадбир	Қил	Кир	Той
Тадбиркор	Тол	Бет	Ис
Ари	Тож	Банд	Ёстиқ
Адир	Тоқ	Эт	Оз

Абр	Лиқ	Нар	Сит
Адиб	Ил	Кади	От
Ридо	Мол	Бир	Карим
Кило	Қол	Эрк	Ром
Обида	Қон	Кадр	Қор
Олд	Қот	Кент	Тор

4-топшириқда ҳар бир гуруҳ учун махсус топшириқлар берилди, ўқувчилар маънодош, зид маъноли, маҳаллий сўзлар ва иборалар юзасидан олган билимларини яна бир карра синаб кўришлари учун амалий топшириқлар берилди.

I-гуруҳ учун: Берилган сўзга маънодошлар топинг ва улар иштирокида сўз бирикмаси ҳосил қилинг.

Билимли — илмли (ёшлар)
Доно (йигит)
Ақлли (ўғил)
Қобилиятли (ўқувчи)
Иқтидорли (инсон)
Донишманд (чол)

II-гуруҳ учун: Берилган сўзга зид маъноли сўз танланг ва унинг уядошларини гуруҳланг.

Кичик-катта, улкан, азим, улуғвор, буюк, ҳашаматли, салобатли.

III-гуруҳ учун: Берилган сўзни фразеологик иборалар билан алмаштиринг.

Индамади — лом-лим демади: оғзига толқон солиб олди, миқ этмади: товуши ўчди, нафаси ичига тушиб кетди: ҳайкалдек қотиб қолди — бақа бўлиб қолди, тили калимага келмай қолди.

IV-гуруҳ учун: Берилган сўзнинг шевадаги шаклларини топинг.

1. Челак — сатил, пақир
2. Тўхтатинг — сақланг
3. Дўппи — такя
4. Рўмолча — рўпак
5. Уйда — уйга
6. Бузоқ —ўжак
7. Сигир — инак
8. Дераза — тиреза
9. Бола — бала, бача
10. Нарвон — занги, шоти.

5-топшириқда ўқувчиларга матн берилиб, ҳар бир гуруҳ биргаликда ишлаши учун алоҳида топшириқлар берилди.

Bir soatlik dars

ИҚТИСОДИЁТДА ПУЛ

Иқтисодиётдаги ихтисослашув товар айирбошлашнинг зарурлигини келтириб чиқаради. Лекин, товарларни қандай қилиб бир-бирига айирбошлаш мумкин?

Қадимги даврларда одамлар маҳсулотларни бир-бирига сотиш учун эмас, балки ўз эҳтиёжини қондириш учунгина ишлаб чиқаришган, холос.

Аста-секинлик билан кишилар ўртасида вужудга келган маҳсулотни маҳсулотга айирбошлаш, яъни алмашиш ишлаб чиқаришнинг кишилар онгида анчагина юксалиб бораётганидан далолат беради. Бу усул иқтисодиётда бартер усули деб номланади.

Иқтисодиёт янада ривожланиб, инсонлар ўз эҳтиёжларини қондиришдан ташқари фойда олиш мақсадида ҳам товар ишлаб чиқара бошладилар. Бунда товарлар фақат товарларга эмас, балки қимматбаҳо тошларга, чиғаноқларга, тери, мўйна, кейинчалик эса, олтин, кумушга ҳам алмаштирила бошланди.

Савдонинг ривожланиб бориши металл пулларнинг вужудга келишига сабаб бўлган, яъни кўп оғирликдаги олтин, кумуш танга сифатида зарб этилган. Техниканинг, савдо-сотиқнинг ривожланиб бориши натижасида олтиннинг маълум бир бирлигига шартли равишда тенглаштирилган қоғоз пуллар ишлаб чиқарила бошлади. Натижада ҳар бир давлат ўз пулига эга бўлди.

Топшириқлар:

I гуруҳ учун: Иқтисодиётга оид сўзларни гуруҳланг.

II гуруҳ учун: Бартер, товар сўзларига изоҳ беринг.

III гуруҳ учун: Матн ичидан одам сўзининг уядошларини топинг.

IV гуруҳ учун: Матндаги ёрдамчи сўзларни кўчириб ёзинг.

Ушбу топшириқларни ўқувчилар ўз гуруҳлари билан бажардилар.

Сўнгги 6-топшириқда ўқувчилар янги педагогик технология усулларидан яна бири — синквий усулида қуйидагича топшириқни бажарадилар. Ҳар бир гуруҳ ўзига берилган сўзга 2 та сифат, 3 та феъл топиб, гап тузади ва синонимларини топади.

I гуруҳ учун: "Либос"
II гуруҳ учун: "Бола"
III гуруҳ учун: "Таом"
IV гуруҳ учун: "Одам" сўзлари берилди ва топшириқ қуйидагича бажарилди.

Либос
1) Тоза, чиройли.
2) Тикилади, ювилади, кийилади.
3) Гулнозага онаси чиройли либос тикиб берди.
4) Кийим.

Бола
1) Ақлли, ёш.
2) Югуради, ўқийди, ухлайди.
3) Ақлли бола яхши ўқийди.
4) Фарзанд, тирноқ, ўғил, қиз.

Таом
1) Ширин, мазали.
2) Ейилади, ичилади, пиширилади
3) Ғанининг онаси ширин таом пиширади.
4) Овқат

Одам
1) Қари, нуроний.
2) Яшайди, ишлайди, туради.
3) Ўзбекистонда одамлар аҳил, иноқ яшайдилар.
4) Инсон, киши...

Дарс давомида гуруҳларнинг иштироки ва улар олган баллар йиғиндиси ҳисоблаб борилди ва ғолиб гуруҳ аниқланди, улар рағбатлантирилиб, эксперт гуруҳининг фикри тингланди.

Уйда вазифа қилиб эса "Ёлғон дўст" матни устида ишлаш топширилди.

1 соатлик дарсда ўқитувчи 4 гуруҳ билан 6 та топшириқни бажартиришга муваффақ бўлди. Дарсни адабиёт, тарих, иқтисодиёт билан боғлай олгани ҳам аҳамиятлидир. Ўқувчиларни фаоллаштирувчи бундай дарслардан сиз ҳам фойдаланиб кўринг. Аминмизки, дарсингиз қизиқарли ва мазмунли бўлиб, ундан ўқувчилар ва ўзингизнинг кўнглингиз тўлади.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
"Ma'rifat" мухбири,

Суратда: ижодкор муаллима С. Қурбонова она тили машғулотида.

АТТЕСТАЦИЯ — ИЖОДКОРЛИККА, ИЗЛАНИШГА ДАЪВАТ ДЕГАНИ

ёки тоифа нима учун керак?!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 11 мартдаги "Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармасини ташкил қилиш тўғрисида"ги қарори асосида ҳар уч йилда бир маротаба давлат аттестацияси ўтказилмоқда. Лекин аттестация натижаларига кўра ўқитувчиларга тоифа берилмайди. Ўқитувчилар халқ таълими тизимида олган тоифалари бўйича ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида фаолият юритмоқда. Аслидачи?.. Яхшиси бу ҳақда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими соҳасида меҳнат қилаётганлар фикрига қулоқ тутайлик:

Б.Ҳосилов, Навоий вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари:

— Аслида, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида ҳам раҳбарлар, педагоглар, муҳандис-педагоглар учун тоифа берилишининг янги тизими ишлаб чиқилса мақсадга мувофиқ бўларди. Педагог ва муҳандис педагогларга тоифа бериш ҳуқуқи таълим муассасаларида бошқармалар назоратида, раҳбар кадрларга тоифа бериш эса ҳудудий бошқармалар томонидан амалга оширилса раҳбар ва педагогларнинг фаолиятига одилона баҳо беришга қулайлик туғиларди. Ҳар бир ходимнинг фаолияти ўқув йили давомида чуқур ўрганилиб, ички аттестацияда баҳолаб борилади.

Хўш, тоифа бериш нима учун керак?! Бу фақат иқтисодий манфаатдорлик бўлмай, балки педагог ходимлар ўртасида рақобат муҳитини кучайтиришга, уларни ташаббускорликка, ўқитишда самарали натижаларга эришиш, таълим жараёнига янги педагогик технологияларни татбиқ этиш, бир сўз билан айтганда, изланиш ва ижодкорликка ундайди. Ўқитувчи меҳнатини баҳолашда эса таълим мазмуни асосий мезон саналиб, педагогнинг маънавий етуклиги, таълимга оид қонун ва қарорлар, меъёрий ҳужжатларни билишлари эътиборга олиниши лозим.

О.Сувонов, Навоий педагогика коллежи директори:

Kasb-hunar ta'limi

— Касб-ҳунар таълими тизимида махсус фан ўқитувчилари ва умумтаълим фанлари ўқитувчилари малакасини ошириш «доимий ҳаракат» тусини олган. Демакки, педагогларимиз билим ва тажрибаларини муттасил ошириб бориши учун имконият ҳам, талаб ҳам мавжуд. Муаллимнинг ана шу меҳнатларини муносиб қадрлаб, тоифалар бериб бориш эса унинг ўз фанига бўлган қизиқишини янада оширади. Фаолиятига янада фидойилик билан сидқидилдан ёндашишига иштиёқ туғдиради. Ўз устида ишлаб, тоифасини ошира бориши учун имконият ва зарурат туғдиради.

Тоифа беришда қуйидаги талаблар билан ёндашилса кутилган натижаларга эришиш мумкин, деган фикрдаман: — Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда ДТСни талаб даражасида билиши ва ундан ўз фаолиятида фойдалана олиш маҳорати;

— Миллий истиқлол ғояси, миллий мафкура тўғрисида тушунчаси ва бу борада ўз устида мустақил ишлаш фаолияти ҳамда талабалар билан ишни ташкил қила билиши;

— дарсда янги педагогик технология ва замонавий техник воситалар, компьютер техникасидан фойдалана билиш;

— ўқитувчи айнан эгаллаб турган вазифаси ва ўқитаётган фанидан узлуксиз неча йиллик иш стажига эга эканлиги;

— ўқитувчининг ўзи ўқитаётган махсус фан ёки умумтаълим фанидан малакаси, бой тажрибага эга эканлиги, билим савиясининг даражаси;

— ўз фани ва касбига оид матбуот янгиликлари ҳамда илмий-услубий қўлланмалардан фойдалана олиш салоҳияти;

— айнан ўзи ўқитаётган фан юзасидан услубий қўлланма яратганлиги, шунингдек, ўз илмий салоҳиятини юксалтириш учун илмий-услубий ёки илмий-назарий мавзуни танлаган ҳолда илмий изланишлар олиб бораётганлиги...

Х.Эралиев, Навоий давлат педагогика институти қошидаги академик лицей директори:

— Педагогларни, раҳбар ходимларни аттестациядан ўтказиш жараёнининг муҳимлиги уларнинг ўз ишларига ижодий ёндашишига, қўшимча изланишларга ундаши шубҳасиз. Уларнинг бу меҳнатларининг рағбати эса тоифалар берилишида ўз аксини топса янада самарали натижалар беради. Бу эса кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, педагоглар ўртасида ўқув-тарбиявий ва илмий-тадқиқот ишлари жараёнларини такомиллаштириш, кадрлар изланишларини кучайтириб, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилишига йўл очади.

Педагог кадрларга тоифалар берилишида қуйидаги жиҳатлар эътиборга олинса, мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлайман:

— ўқитувчининг иш фаолияти бўйича рейтинг кўрсаткичи;

— ўқитувчи томонидан яратилган маъруза матнлари, услубий қўлланмалар, илмий мақолалар;

— ўқувчиларининг фан олимпиадалари, илмий-амалий конференциялар, симпозиумларда эришган ютуқлари;

— давлат таълим стандартлари бўйича ўқувчиларнинг билим самарадорлиги;

— ўқитувчининг ўқув, услубий, илмий ва тарбиявий жараёнларда яратувчанлик даражаси...

Ойбуви ОЧИЛОВА
тайёрлади.

Maktabgacha ta'lim

БУГУНГИ КУН НИГОҲИДА КЕЛАЖАККА НАЗАР

Ҳозирги кунда мактабгача таълим муассасалари учун чиқарилаётган методик қўлланмаларда асосан миллий истиқлол ғояларини сингдириш, ватанпарварлик ҳисларини, болаларнинг ёш ва психологик хусусиятларини тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Ушбу методик қўлланма ва тавсиялар қайси йўналишда яратилишидан қатъи назар улар бугунги кун боласининг тўлиқ ривожланиши учун зарур ахборотлар билан бойитилган. Бунинг мисолини республикамизнинг барча мактабгача таълим муассасалари қатори Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги 15-мактаб қошидаги 14-мактабгача таълим муассасасида олиб борилаётган тарбия жараёнида кузатишимиз мумкин. Маъсул ходимлар яъни мутахассис дефектологлар, логопед ўқитувчилар ва ҳамшираларнинг айтишларига қараганда ушбу муассаса соғломлаштириш йўналишида иш олиб боради ва жараёнда улар учун жисмоний машқлар, машғулотлар ўтказишда зарур бўладиган қўлланмалар сув ва ҳаводек зарур.

Логопед ўқитувчи Меҳри Азизова бу хусусида шундай деди:

— Биз тарбиячи мутахассислар учун ҳар бир йўналишга тегишли илмий асосланган методик қўлланмалар зарур. Албатта ҳар бир машғулотларимиз "Учинчи мингйилликнинг боласи" давлат дастурига асосланади. Бироқ тавсиялар билан бойитилган қўлланмаларнинг ўрни бошқа. Яқинда мактабгача таълим раҳбар ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув методика марказида жисмоний йўналишдаги қўлланма нашр этилаётганлигини эшитиб, энди анча ишларимиз осонлашади деган хулосага келдик.

Биз Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 519-"Ниҳол" номли мактабгача таълим муассасаси фаолиятида ҳам ўқув методик ишларининг аҳамиятига назар ташладик. Боғча мудираси Холида Азизованинг сўзларини тинглаб шундай хулосага келиш мумкин янги авлод бизданда кўра билимлироқ ва ҳур фикрроқ бўлиб етишса ажаб эмас.

— Болаларимиз учинчи минг йиллик боласи эмасми? Улар жуда ажойиб. Биз улар билан ишлашда қийинчилик кўраётганимиз йўқ. Аксинча уларнинг фикр эркинликларини ўстириб, пишитмоқ йўлида янги-янги қирраларни очиб, имкониятлар яратишга ҳаракат қилаяпмиз.

Хусусан, ўқув дастурларига биноан ҳар бир тарбиячимиз бирор масала, тўғриғоғи мавзусига асосланган ва жиҳозланган ҳоналарда машғулотлар ўтади. Буларни бир-ма-бир айтиб ўтсак. Ўзингиз кўрганингиздек. Экология муаммолари, табиат, ҳайвонот олами, само жисмлари кабиларни қамраб олган машғулот ҳоналари. Бунда болалар атрофимизни ўраб турган олам ҳақида мукаммал тушунчага эга бўлиб, ўзлари бу хусусда фикр юритишни ўрганадилар. Санъат, маданият, урф-одатларимиз конституция, миллий истиқлол ғояси, ақлий интелектуал машқлар каби машғулот ҳоналарида ҳам давлат талабларидан келиб чиққан ҳолда турли кўргазмали қуроллар билан машғулотлар ўтказамиз. Болаларимиз бундан ташқари мунтазам тиббий кўрикдан ўтказилиб, массаж курсларини олиб турадилар. Улар тарбиячи опалари ёрдамида доимо соғломлаштириш машқларини бажариб борадилар. Ой якунида болаларимиз мониторинг таҳлили якунига кўра текширилиб, ўзлаштириши паст болаларга қўшимча машғулотлар белгиланади.

Соғлом авлод бу соғлом келажак. Ҳа, албатта, болалар — келажагимиз меваси. Уларни нечоғлик зеҳнли қилиб тарбиялаш бизнинг бурчимиз.

Гулнора МАЖИДОВА

Суратларда: *Юнусобод туманидаги 519-"Ниҳол" номли болалар боғчаси ҳаётидан лавҳалар акс этган.*

Mumtoz turkiy adabiyot tarixida alohida mavqega ega bo'lgan adib Rabg'uziyning hayoti haqida ma'lumotlar juda ham kam. Uning asl ismi Nosiruddin bo'lib, Xorazmning Raboti O'g'uz degan joyida tug'ilgan.

Rabg'uziy hikoyalarida insonparvarlik, yurtparvarlik, insonni komillik darajasiga ko'tarish, axloqiy poklik, ma'naviy barkamollik sari undash yetakchilik qiladi.

ЯНГИЛИК ЯРАТАЁТГАН

Танишинг: "Йил мактаби — 2003"

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 36-мактаб гарчи 1990 йилда ташкил этилган бўлса-да, бугунги кунда воҳадаги етакчи таълим муассасалари сирасига кириб улгурди. Сабаби мактаб раҳбари Анорхон Есемуратова ўз касбига фидоий жамоани шакллантира олди. Ўтаётган ўқув йилида 1195 нафар ўқувчига 104 нафар муаллим (93 нафари олий, 11 нафари ўрта маълумотга эга. Шунингдек, 8 нафари олий, 39 нафари биринчи, 26 нафари иккинчи даражали тоифа ҳамда 39 нафари мутахассис) дарс бериб келмоқда.

Уч қаватли бинога эга мазкур таълим муассасасида ўқувчиларнинг замонавий билим олишлари учун етарли имкониятлар мавжуд. Битта мажлислар хонаси, ошхона доимий хизматда бўлса, иккита спорт зали, компьютер хонаси ва кутубхона ўқувчилар билан доимо гавжум бўлади.

Дарслар ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ ва рус тилларида олиб борилса-да, турли миллат вакиллари бўлган ўқувчиларнинг мақсади уйғун — яхши ўқиш. Дарс жараёнлари икки сменада олиб борилади. Куннинг биринчи ярмида 31 синфда 747 нафар ўқувчи таълим олса, иккинчи сменада 19 синфда 448 ўқувчи фанлар сир-асрорларини ўрганишади.

Албатта, икки сменада ёшларга таълим-тарбия бериш ўқитувчидан фидоийлик, билим ва маҳоратни икки ҳисса талаб қилади. Шундай шароитда меҳнат қилаётган муаллимлар ҳомий ташкилот томонидан рағбатлантириб борилади. Ўқувчилари олимпиадалар, турли танловларда муваффақият қозонган ўқитувчилар ҳам рағбатлантирилади, албатта.

Ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун мактабда учта пулли, ўн учта пулсиз ва еттита синфдан ташқари тўгараклар ҳам ишлаб турибди. Уларга саккиз юздан ортиқ ўқувчи аъзо.

Мактабнинг маҳалла ва оилалар билан ҳамкорлик қилиши ҳам уларнинг ютуғини таъминлаётир.

* * *

Андижон вилоятининг **Олтинкўл туманидаги 12-гимназия-интернати** (директори А.Маматхонов) вилоят ҳокимлигининг "Иқтидорли болаларни танлаш ва ўқитиш" дастурини амалга ошириш мақсадида Олтинкўл тумани ҳокимининг 1994 йил 18 июндаги 53-ф сонли фармойиши асосида ташкил этилган. Илм маскани табиий фанларга ихтисослашган бўлиб, унда ўқувчилар кимё, биология, инглиз тили фанларидан чуқур билим оладилар.

Ўз-ўзидан аён, табиий фанларга қизиқиш ҳамиша устун бўлган. Зеро, фан-техника тараққиётини усиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис гимназия-интернатнинг очилиши биланоқ мазкур фанларга қизиққан ўқувчиларнинг илм даргоҳи эшигини қоқиб келувчилар кўпайди. Гимназия-интернат ўз фаолиятини 80 нафар ўқувчи, 14 нафар ўқитувчи ва 4 та фан хонаси билан бошлаган бўлса, бугунги кунга келиб замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланган 12 та фан хонасида 30 нафар чуқур билим ва кўп йиллик иш тажрибасига эга ўқитувчилар 241 нафар иқтидорли ўқувчиларга таълим-тарбия бериб келмоқда. Шунингдек, кўплаб кўргазмали қурол, дидактик материалларга бой мониторинг хонаси, маънавий-маърифий хона, 100 ўринли ётоқхона, тиббий хона, фаоллар зали ҳамда спорт зали ўқитувчилар ва ўқувчилар хизматида.

Ўқувчиларнинг фанларни давлат таълим стандартлари даражасида эгаллашлари ўқитувчининг ўз дарсини маҳорат билан, турли дарс ўтишнинг ноанъанавий шаклларидан фойдаланган ҳолда кўргазмали қуроллар воситасида ўтишига боғлиқ. Чунки ўқувчи фанни нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам ўзлаштирса, хотирасида узоқ қолади. Бу жиҳат, айниқса, табиат, яъни амалий жиҳатдан кўп дуч келинадиган табиий фанларни ўқитишда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис гимназия-интернатда ҳар бир фаннинг кўргазмалилик асосида, ҳаётий жараёнлар билан боғлаган ҳолда ўтилишига алоҳида эътибор қаратилган. Ўқувчиларнинг дарсликлар билан тўлиқ таъминланиши ҳам муҳим жиҳат. Шу боис мактаб маъмурияти мазкур масалага ҳам алоҳида ёндашади. Ота-оналар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш билан бирга саховатпеша инсонлар, ҳомий ташкилотлар эътиборини ҳам жалб этишга ҳаракат қилишмоқда.

Гимназия-интернат 2002—2003 ўқув йилидан бошлаб хорижий давлатларнинг халқаро таълим лойиҳалари ва дастурларида ҳам фаол қатнашмоқда. Зеро, юртимизнинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш, илм-фан ютуқларидан хабардор бўлиш орқали халқни, унинг бой маданиятини жаҳонга ёйиш ҳар кимнинг бурчи.

Гимназия-интернати фаолиятида яна бир эътиборли жиҳат шундаки, масканда таълим-тарбия ишининг яхши йўлга қўйилиши, ўқувчиларга яратилаётган шарт-шароитларни яхшилаш, уларга кенгроқ имконият яратиб бериш мақсадида сармоядан ташқари маблағ топиш ишлари ҳам назардан четда қолмаган.

* * *

Давлат тест марказинг кейинги йиллардаги таҳлилларига эътибор берган киши **Бухоро вилояти** ўқувчиларининг олий ўқув юртларига кириш миқдори бошқа ҳудудлар битирувчиларига нисбатан юқорилигини англайди. Нега шундай? Албатта, ҳар қандай ютуқ замирида меҳнат ётади. Бу ютуқларда эса Бухоро шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфидаги тарих фанига ихтисослашган 6-мактабнинг ҳам ўз улуши бор. Деярли саксон йиллик тарихга эга мактаб (чунки мактаб иккита бинога эга, яъни биринчиси икки қаватли бўлиб, 1924 йилда, иккинчиси уч қаватли бўлиб, 1984 йилда қурилган) жамоаси кейинги йилларда талайгина ютуқларга эришиб келаётир. 630 нафар ўқувчи ўрнига мўлжалланган мактабда ёш авлодга 12 нафар олий, 27 нафар биринчи, 13 нафар иккинчи тоифали, 25 нафар мутахассис ва 12 нафар ўриндошлик асосида меҳнат қилаётган ўқитувчилар сабоқ бериб келишмоқда.

Мактаб раҳбари М.Шоймардонова ўқитувчилар ва ўқувчилар орасида шундай муносабат ташкил қила олганки, уларнинг аҳиллиги жамоа эришаётган ютуқлар омили бўлиб хизмат қилмоқда. Ота-оналар мажлисида қатнашадиганлар ҳам мактаб-маҳалла-оила ҳамкорлигида ушбу таълим муассасаси асосий ўринда туришини таъкидлашади.

Мактаб кутубхонасининг ҳам йилдан-йилга бойиб боришида ота-оналарнинг ўзига хос ўрни мавжуд. Улар турли байрам ва тадбирларда ҳомий ташкилотлар билан биргаликда кутубхонага китоблар туҳфа этишни канда қилишмайди.

Мавжуд спорт зали ва спорт ер майдончалари ёшларнинг доимий ихтиёрида бўлиши ўқувчиларнинг фикрлашлари ҳам шунга яраша тиниқ ва мулоҳазали тарзда бўлишига олиб келаяпти. Мактаб устахонасида эса ўқувчилар дурадгорлик, ҳунармандлик сир-асрорларини ўрганиш билан касб-ҳунарга йўналтирилмоқда.

Ўн учта фан ва учта тўлови тўгаракда эса ўқувчилар қўшимча маълумотга эга бўлишаётир.

* * *

Жиззах шаҳар ХТБга қарашли О.Охунбобоев номидаги 1975 йилда ташкил топган 6-мактаб 1176 ўқувчига мўлжалланган замонавий бинога эга. Ҳозирги кунда мазкур таълим муассасасида 68 та синф мавжуд бўлиб, унда жами 2252 нафар ўқувчи икки сменада таълим олмоқда. 1-4-синфларда 849 нафар, 5-9-синфларда 1291 нафар, 10-11-синфлардаги 112 нафар ўқувчига 107 нафар ўқитувчи сабоқ беради. Ўқитувчиларнинг юз нафари олий, етти нафари ўрта махсус маълумотга эга. Шулардан 15 нафари олий, 37 нафари биринчи, 17 нафари иккинчи тоифали, 38 нафари мутахассис ўқитувчилардир. Мактабда кутубхона ва 20 дан ортиқ тўгарак ишлаб турибди. Тўгаракларга 750 дан ортиқ ўқувчи жалб қилинган.

Мактабда ўқувчиларни касбга йўналтириш ҳамда 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш бўйича амалиётчи руҳшунос ҳам фаолият олиб бораяпти. Ўқитувчи-ю ўқувчиларнинг ДТС талаблари бўйича билим даражаси ва турли кўриктанловлардаги иштирокини акс эттирувчи мониторинг хонаси ташкил этилган бўлиб, унда мактабнинг таълим жараёнидаги фаолияти ҳам мужассамлаштирилган.

Мактаб ўқувчиларининг ўз устида ишлашини янада яхшилаш ҳамда "Таълим тўғрисида"ги қонунни амалга жорий этиш учун мактаб билан вилоят малака ошириш ва Жиззах давлат педагогика институти ўртасида яқиндан алоқа боғланган. Шу боис кўпгина мактаб ўқитувчилари иш тажрибалари вилоят ва республика миқёсида оммалаштирилиб келинмоқда.

Ўқувчиларнинг дарсдан ташқари вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида, мавжуд тўгараклардан ташқари, синфлараро фанлар бўйича турли мусобақалар, кўрик-танловлар ўтказиб борилиши ҳам анъана тусини олган.

Мактаб билан маҳалла ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун йил бошидаёқ алоҳида режа тузиб олинади. Ҳамкорлик самараси ўлароқ, аълочи ва намунали интизомга эга ўқувчилар маҳалла кенгаши томонидан рағбатлантирилиб борилади.

Мактаб раҳбари Гулбаҳор Каримованинг тадбиркорлиги туфайли мактаб иқтисодиёти ҳам йилдан-йилга яхшиланиб бораётир. Жумладан, мактабдаги мавжуд 0,2 гектар боғ, спорт зали, ошхона ва бошқа бўш хоналар ижараси, компьютер ўргатиш, битирувчиларни олий ўқув юртига тайёрлаш, репетиторлик курслари, қўшимча билим бериш, пуллик тўгараклар ва дурадгорлик маҳсулотлари сармоядан ташқари маблағ топишнинг бош бўғини бўлмоқда.

"Таълим тўғрисида"ги қонун ва кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижролари, таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, сўнгги йилларда **Навоий вилоятида** таълим соҳаси анчагина ўсишга эришаётир. Вилоят миқёсидаги ушбу ўсишда эса, Навоий шаҳридаги Абу Али ибн Сино номидаги (директори А.Азимов) 11-мактаб жамоасининг ҳам ўрни бор. 1986 йилда ташкил топган мазкур таълим масканида 127 нафар ўқитувчи (99 нафари, олий, 15 нафари тугалланмаган олий, 13 нафари ўрта махсус маълумотли) фаолият юритади. Уларнинг 8 нафари олий, 25 нафари биринчи ва 34 нафари иккинчи тоифали бўлса, 60 нафар муаллим фан мутахассислари саналади.

2254 нафар ўқувчи устозларидан фанлар сирларини ўрганишмоқда. Ўқувчиларнинг синфлар кесими қуйидагича: 1-4-синфларда 879, 5-9-синфларда 1109 ва 10-11-синфларда 266 нафар ўқувчи таълим олади. Таълим ўзбек (1840 ўқувчи) ва рус (414 ўқувчи) тилларида олиб борилади. Мактабда 68 та синф мавжуд бўлиб, шулардан 1-4-синфлар 27 та, 5-9-синфлар 33 та, 10-11—синфлар 8 тани (таълим тилига нисбатан ўзбек тилида 55 та, рус тилида 13 та) ташкил этади.

Мактаб ўқувчиларининг фан олимпиадаларидаги иштироки, битирувчиларнинг олий ўқув юртларига кириш миқдорининг йилдан-йилга ортаётгани ушбу таълим муассасасида яратувчанлик, ижодкорлик муҳити шаклланаётганидан дарақдир. Фарзандининг мактабни тугатибоқ, олий ўқув юрти талабаси бўлишини қайси ота-она истамайди, дейсиз? Ўқитувчининг мақсади ҳам шуки, ўқувчисининг талаба бўлиши унинг юзи, меҳнати маҳсули. 11-мактаб муаллимлари, ўқувчилари ва уларнинг ота-оналарининг мақсади шундай уйғунлашганки, бу барчасининг ютуғи омили бўлиб хизмат қилаётир. Зеро, зафар мақсадлар уйғунлигида ҳамдир.

* * *

Наманган вилояти аҳлининг аксарияти ўз фарзандининг Чортоқ шаҳридаги аниқ, табиий ва ижтимоий фанларга ихтисослаштирилган лицей-интернатда ўқишини исташади.

Нега?

Сабаби оддий. Бу илм масканида таълим жараёни чуқурлаштирилган тарзда олиб борилади. Абдулҳамид Раҳматов директорлик қилаётган лицей-интернатда бугунги кунда 31 нафар ўқитувчи (10 нафари олий, 9 нафари биринчи ва 6 нафари иккинчи тоифали, 9 нафари мутахассис) фаолият юритиб келаяпти. Ўқувчилар мавжуд 25 та ўқув хонасида фанлар сир-асрорларини фидоий устозларидан ўрганишса, спорт майдонида соғломлаштириш машғулотларини олиб боришади. Йигирма олтита тўгаракда эса, ёшлар билимларини мустаҳкамлаш учун қўшимча машғулотларда қатнашишади. Бунинг учун уларга кутубхона беминнат ёрдамчи вазифасини ўтаётир.

Шуниси диққатга сазоворки, лицей-интернат битирувчиларининг олий ўқув юртларига кириши миқдори ҳар йили ошиб бормоқда. Ўқувчиларнинг АҚШ, Англия, Япония каби давлатларда ўқиб келгани ҳам ушбу илм маскани илмий салоҳиятини белгилаб беради.

* * *

Ж.Юсупов раҳбарлик қилаётган 45-мактаб **Самарқанд вилояти** Оқдарё туманидаги илғор умумий ўрта таълим муассасаларидан бири саналади. 1972 йилда қурилган ва таълим ўзбек ҳамда рус тилларида олиб бориладиган мактабда 90 нафар ўқитувчи (шулардан 24 нафари бошланғич, 66 нафари фан ўқитувчилари; 39 нафари биринчи, 30 нафари иккинчи тоифали ва 21 нафари мутахассис) 1594 нафар ўқувчига сабоқ беришади. 1-4-синфларда 586, 5-11-синфлардаги 1008 нафар ўқувчи 73 та синфда таълим олишади. 19 та бошланғич ва 54 та юқори синф ўқувчилари 49 та синф хонасида машғулотлар ўтказишади.

Байрам ва тадбирларда мактабга ташриф буюрган ота-онаю меҳмонлар албатта мактаб жамоаси, ўқувчилар, уларнинг туман, вилоят, республика миқёсидаги ўрнини билдирувчи мониторинг хонасида бўладилар. Айниқса, ота-оналарнинг фарзандининг мактабдаги ўрнини билиши муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ҳам фарзанди яхши ўқишга интилади.

Ўқувчининг вазифаси ҳамиша ўқиш ва ундан фақат шу талаб қилинади. Унинг яхши ўқиши учун эса шароит ҳам бўлиши лозим. 45-мактаб жамоаси бу борада ҳам илғор. Бугунги кунда ушбу илм масканида 1 та кутубхона, маънавият хонаси, 100 ўринли ошхона, шунча ўринга эга буфет ишлаб турибди. Ўқувчиларнинг спорт билан шуғулланишлари ва соғлом вояга етишлари учун ҳам имкон мавжуд: спорт зали, футбол, волейбол, баскетбол майдончалари уларнинг ихтиёрида.

* * *

Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманидаги 1-умумтаълим мактаби 1964 йилдан буён илмга ташна ўқувчи ўғил-қизларни ўз бағрига чорлаб келади. Мактабнинг ўқув биноси 920 ўқувчи ўрнига эга бўлиб, унда ҳозирда 1902 нафар ўқувчи хат-савод чиқармоқда. Илм даргоҳида ўқувчиларнинг замон талаблари даражасида таҳсил олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. 42 та шинам ва ёруғ, зарур ўқув жиҳозларига эга синфхона, 120 ўринли ошхона, 200 ўринли мажлислар зали, замонавий компьютер техникаларига эга синфхона ҳамда жами 13 минг 924 та китоб заҳирасига эга кутубхона ўқувчилар ихтиёрида. Уларга 72 нафар билимдон ўқитувчилар сабоқ беради.

Мактабда ўқувчилар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими жорий қилинган. Мазкур тизимнинг афзалликлари шундаки, бунда назоратнинг ҳар хил турлари ва шаклларидан фойдаланиш йўли билан умумий ўрта таълим ДТС талабларининг бажарилишини таъминлаш, таълим самарадорлигини ошириш ҳамда ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини ривожлантиришда қўл келади. Шу боис мактабда ўқувчиларнинг эгаллаган билимлари йилма-йил мантиқий боғлаб борилишига катта аҳамият қаратилган.

Илм масканида ишлайдиган ҳар бир ўқитувчининг асосий вазифаси ижодий изланувчан, мустақил фикр юритиш қобилиятига эга ёшларни тарбиялаш, уларни истеъдод қирраларининг янада очилишига замин яратишдан иборатдир. Мазкур мактабда эса бунга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунда билим даргоҳида ташкил этилган 61 та турли тўгаракларнинг ўрни муҳим. Бу ўқувчиларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этишга ёрдам бермоқда. Ҳозирда ўқувчилар фан тўгараклари қаторида спорт ва бирор касбни ўргатишга йўналтирилган тўгарак машғулотларида ҳам иштирок этмоқдаларки, бу уларга илм-фан сирлари билан бир пайтда жисмонан соғлом, ҳунарли бўлиб вояга етишларига замин тайёрлаётир.

Ўқувчиларга яратилаётган шарт-шароитларни янада яхшилаш мақсадида мактабда сармоядан ташқари маблағ топишга ҳам алоҳида урғу берилган.

NOSIRUDDIN

O'qituvchiga yordam

Mumtoz turkiy adabiyot tarixida alohida mavqega ega bo'lgan adib Rabg'uziyning hayoti haqida ma'lumotlar juda ham kam. Uning asl ismi Nosiruddin bo'lib, Xorazmning Raboti O'g'uz degan joyida tug'ilgan. Rabg'uziy "Qissasi Rabg'uziy" asarining muqaddimasida otasi Burhoniddin O'g'uz Rabotining qozisi bo'lganligini aytib o'tadi. Asarda bu haqda: "...bu kitobni tuzgan, toat yo'lida tizgan, ma'siyat yobonin kezgan, oz ozuqlug', ko'p yozuqlug' Rabot o'g'uzining qozisi Burhon o'g'li Nosiruddin...",- deb qayd etilgan. Asar Nosiruddin To'qbo'g'aning topshirig'i asosida yozilgan. Muallif uni: "...yigitlar arig'i (poki), ulug' otlig', qutlug' zotlig', ezgu xulqlig', islom yorig'liq, mo'g'ul sanilig', musulmon dinlig', odamiylar inonchi, mo'minlar quvonchi, himmati adiz (yuksak), aqli tengiz beg",- deb ta'riflaydi.

Nosiruddin To'qbo'g'abekka bag'ishlangan she'riy madhiyada uning "arslon mengizlik surati", "ko'rklug' sifatlig' surati", "tuz so'zlayur, so'zni uqa" singari sifatlarini keltiradi. Rabg'uziyning boshqa asarlari haqida ma'lumotlar yo'q.

"Qissasi Rabg'uziy" asari 1310 yilda yaratilgan bo'lib turkiy xalqlar orasida keng tarqalgan. U, asosan, payg'ambarlar haqidagi qissalardan iboratdir. Bu asar turkiy nasrning eng qadimiy namunalaridan biridir. Unda XIII asr oxiri — XIV asr boshlaridagi turkiy adabiyotning bir qator o'ziga xos xususiyatlari juda yorqin namoyon bo'lgan. Payg'ambarlar haqidagi qissalar Rabg'uziyning olam va odam haqidagi qarashlarini badiiy jihatdan ifodalash uchun vosita bo'lgan. Ularda adib olamning yaratilishi, tabiat va jamiyat hodisalari, insoniy munosabatlar borasida badiiy timsollar vositasida fikr yuritadi.

Qissalar asosini tarixiy-ilohiy voqealar tashkil etadi. Ular o'z ildizlari bilan "Qur'on" va "Hadis"larga, insoniyatning yaratilish va rivojlanish tarixiga, xalq og'zaki ijodiga borib taqaladi. Ammo bularning ko'pchiligi, birinchi navbatda, Rabg'uziy badiiy tafakkuri yordamida qayta idrok etiladi, badiiy talqinini topadi. Mavzu doirasiga ko'ra asardagi qissalar juda rang-barang. Olamdagi butun mavjudot egasi bo'lgan Allohni ulug'lash, payg'ambarlar hayotiga doir lavhalarni eslash, ota-ona va farzand munosabatlari, sevgi va sadoqat, vatan va vatanparvarlik, erk va adolat, do'stlik va hamjihatlik, urush va tinchlik kabi mavzular shular jumlasidandir. Bular asardagi yetmish ikki qissada o'z ifodasini topgan. Bu qissalarning hajmi turlicha. Masalan, "Qissasi Yusuf" salkam yuz sahifani tashkil qilsa, "Lut" haqidagi qissa bir necha sahifadangina iborat.

Qissalarning ko'pi qahramon haqidagi muayyan xabar bilan boshlanadi, so'ng she'riy madh, keyin asosiy voqealar bayoni keladi. Ba'zi qissalar ichida yana mustaqil hikoya, rivoyat va naqllar ham bor. Masalan, Yusuf qissasida bir necha hikoya, latifa, bayt, g'azal va boshqa janr namunalari uchraydi. Ammo ular asarda olg'a surilgan asosiy g'oyaviy-badiiy maqsad bilan yaxlitlikni tashkil etadi. Misol sifatida "Dovud haqida"gi qissa bilan tanishish mumkin.

Qissa Dovudning ta'rifi bilan boshlanadi. So'ng she'riy tavsif beriladi. Undan keyin Dovud payg'ambar haqidagi umumiy tasavvurlar bayon etiladi: "Dovud yalavoch (payg'ambar) bani Isroildan erdi. O'n qarindosh erdilar. Otalari Isho' otlig' Dovud qamug'idin (barchasidan) kichik erdi. Tun-kun yig'layur erdi ibodat ichinda". Ko'rinib turganidek, Rabg'uziy qissada nihoyatda sodda, lo'nda, tushunarli va ta'sirchan ifodalarni topa olgan. Shuning uchun ham bu asar asrlar davomida qo'ldan tushmay o'qildi.

Dovud bilan bog'liq hikoyalarda adib adolat va zulm, hunar egalari, ota-ona va farzandlar munosabati singari muammolarga asosiy e'tiborni qaratgan. "Aytmishlar, Dovud yalavoch tunla o'zin belgusiz qilib ra'iyatlardin so'rar erdikim, podshoh sizing birla netag muomala qilur? Aytur erdilar: yavloq (juda) odil turur".

Bir kecha andog' so'zlayurda Mavlo taolo bir farishtani izdi (jo'natdi) bir qurtqa (kampir) surati uza. Andin so'radi: "Podshohingiz netak turur?" Qurtqa aydi: "Ontasi (shunisi) bor, kishilar molin eyur".

Dovud duo qildi: "Iziyo (egam-ey), manga bir harf (hunar) o'rgatgil. Aning birla qazg'achiligi (nasibamni) eyayin. Xalq mani so'zlamasunlar.

Mavlo taolo bir taqachilik (temirchilik) san'atin anta o'gratu berdi. Aymishlar, temur Dovud ilkinda mo'mtek yumshar erdi, netakkim xamir o'zgalar ilkinda".

Halollikka, o'z mehnati bilan halol kun ko'rishga, boshqalarga zulm qilmaslikka undash hikoyaning asosiy maqsadidir. O'zbek nasrida ilk marotaba dialoglar Rabg'uziy tomonidan keng qo'llangan. Ana shu dialoglar vositasida asosiy g'oyaviy maqsad yorqin va ta'sirchan ifodalangan.

Rabg'uziy hikoyalarida insonparvarlik, yurtparvarlik, insonni komillik darajasiga ko'tarish, axloqiy poklik, ma'naviy barkamollik sari undash yetakchilik qiladi. Ular orasida til odobi va qalb pokligi ham alohida o'rin tutadi. Bu jihatdan "Luqmon va uning xojasi" hikoyati ibratlidir: "Luqmong'a xojasi aydi: – "Borg'il, bir qo'y bo'g'izlab etindin qayu yaxshiroq ersa manga kelturgil".

Qo'yni bo'g'izladi, tili birla yurakin olib keldi.

Xojasi so'rdi: – "Bularni naluk (nima uchun) kelturding?"

Aydi: – "Qo'yda tildin, yurakdin yaxshiroq yo'q. Agar yovuz ersa tildin, yurakdin yovuzroq yo'q".

Tilga e'tibor berish, har bir aytiladigan so'z mas'uliyatini ta'kidlash hikoyadagi asosiy g'oyaviy-badiiy niyatdir. Bu yerda donolik, hozirjavoblik ham ulug'langan.

Hikoyalarda xalq og'zaki ijodining ta'siri ham yorqin seziladi. Xususan, latifa janriga xos belgilar hikoyaga ko'chib o'tgan. Suhbatning dialog asosida olib borilishi, soddalik, donishmandlik, topqirlik, hozirjavoblik fazilatlarining ustuvorligi, ifodalarning qisqa, aniq, lo'ndaligi og'zaki ijoddan ta'sirlanish natijasidir.

Rabg'uziy hikoyalarining asosini ko'pincha real hayotiy voqea-hodisalar tashkil etadi. Ulardagi asosiy fikrni ifodalash uchun mifologik, afsonaviy-xayoliy yoki badiiy mantiq taqozo etadigan boshqa bir bayon uslubi tanlab olinadi. Masalan, insonlarning mast holda yurishini, umuman o'tkir ichimliklar ichishni qoralash maqsadi uchun "Uzum hikoyati" keltirilgan. Undagi asosiy qahramon Shaytondir. U to'g'ridan-to'g'ri "Shaytoni mal'un" deb ta'riflanadi. "Mal'un" – "haydalgan, la'natlangan" demak. Ana shu mal'un uzumning urug'ini o'g'irlagan. Bu hol oshkora bo'lib qolgach, uni Nuh payg'ambar huzuriga olib kelishadi. Shayton aybini bo'yniga oladi-yu, lekin urug'ni qaytarib berishdan oldin uni uch marta sug'orishga imkon berishni so'raydi va rozilik oladi. Chog'ir (ichkilik)ning paydo bo'lishi shu tarzda shayton nomi bilan bog'lanadi. Chog'ir ichgan odamning holati ham nihoyatda ta'sirchan o'xshatishlar bilan tasvirlanadi. Buning uchun tulki, yo'lbars, to'ng'iz obrazlaridan foydalanilgan.



Hikoyada Nuh payg'ambarning ulug'ligini ko'rsatuvchi ko'plab dalillar keltirilgan. Xususan, shinni va sirkaning paydo bo'lishi bevosita ana shu payg'ambar faoliyati bilan bog'liq ekani tasvirlangan.

Rabg'uziy hikoyalarida qator dunyoviy hodisalarning paydo bo'lishi, ularning ilohiyat bilan aloqasi o'ziga xos tarzda izohlaniladi. Bu jihatdan "Ilon va qarlug'och" hikoyati xarakterlidir. Unda mushuk bilan sichqon, ilon bilan baqa, ilon bilan qarlug'och (qaldirg'och) hamda ari, inson va qushlar hamda boshqa hayvonot olami orasidagi o'ziga xos munosabatlar izohlanadi, badiiy tadqiq etiladi.

Namrud haqidagi hikoyatda inson xayolotining imkonlari madh etiladi. Unda Namrudning osmon mamlakatiga chiqishi tasvirlangan. Hikoyada o'sha davr kishilarining osmon haqidagi tasavvurlari ham ifodasini topgan. Ayni paytda hikoya mazmuni badiiy jihatdan to'la asoslangan va shuning uchun ham kishida zavq uyg'otadi. Shu bilan birga, hikoyada shuhratparastlik, takabburlik kabi illatlar qattiq qoralanadi. Erishgan muvaffaqiyatlardan boshi aylanib qolgan Namrud hech kimni pisand qilmaydigan kimsaga aylanadi, hatto xudoni ham tan olmaydi. Oqibatda, u qattiq jazolanadi, og'ir dardga chalinib, xor-zorlikda halok bo'ladi. Bu ibratli hikoya har qanday o'quvchiga kuchli ta'sir ko'rsatadi.

Rabg'uziy qissalari va hikoyalarida axloqiy-ta'limiy qarashlarni targ'ib qilish yetakchi o'rin tutadi. Deyarli har bir hikoyada shunday qarashlar aks etgan. Sulaymonning qarinchqa (chumoli) bilan so'zlashgani hikoyasida ham bu hol kuzatiladi. Sulaymon alayhissalom - Dovud payg'ambarning o'n ikkinchi, kenja o'g'li. U ham boshqa akalariday "olim, faqih, oqil" yigit edi. Dovudning podshohligi unga meros qoldi. Ammo otasiga o'xshab o'z hunarini hech qo'ymas edi. U tol novdalarini yig'ib, savat to'qib sotardi. O'zbek adabiyotida Dovud va Sulaymon payg'ambarlar timsoli ko'p tasvirlanadi. Ayniqsa, "taxti Sulaymon" iborasi ko'p qo'llanadi. Rabg'uziyning yozishicha: "Taxti bir yig'och yer ichinda erdi. Ul taxtini oltun, kumush birla qilmish erdi".

Sulaymonning chumolilar podshosi bilan suhbati hikoyasi katta ma'rifiy va axloqiy-ta'limiy ahamiyatga molik. Unda kishilik jamiyatiga xos bo'lgan ayrim illat va kamchiliklar ustida so'z boradi. Hikoyada Sulaymon katta mavqega ega bo'lgan, manman, kibrli hukmdor sifatida gavdalanadi. Aksincha, qarinchqa — chumolilar podshosi dono, tadbirkor, xalq g'amini yeydigan hukmdor, ma'rifatparvar, olim, orif sifatida ko'zga tashlanadi. Rabg'uziy shaxs kamoloti faqat jismoniy sifatlar bilan belgilanmasligini ("qarinchqalarning ulug'i oqsoq erdi"), buning uchun aqliy-ma'naviy belgilar mezon bo'lishini ta'kidlaydi.

Nosiruddin Rabg'uziy mahoratli nosirgina emas, nozikta'b shoir hamdir. "Qissasi Rabg'uziy"dagi qissa va hikoyatlar orasida o'nlab she'rlar ham mavjud. Bahor vasfiga bag'ishlangan birinchi turkiy g'azal ham Rabg'uziy qalamiga mansub. U shunday boshlanadi:

Kun hamalga kirdi ersa, keldi
olam navro'zi,
Kechdi bahman zamharir qish,
qolmadi qori, buzi[1].

Albatta, o'qituvchining izlanishi muvaffaqiyat garovi bo'la oladi. Ammo bu bir jihat, xolos. Shu bois maktab rahbariyati tomonidan o'quvchilar davomatini qayd etuvchi alohida daftar yuritilganki, u o'quvchilarning sababsiz dars qoldirishining oldini olmoqda.

Ta'kidlash lozimki, ilm maskani o'sha davrdayoq o'ziga xos tajribaga ega bo'lgan. Komiljon Otaniyozov, Ismoil Vafoev, Qutlimurod Yoqubov kabi yurtimizning ko'plab taniqli kishilari shu dargohda dastlabki xat-savodini chiqarganligini yodga olsak, bunga shubha qolmaydi.

МАКТАБЛАР КЎРИГИ

республика кўрик-танлови қатнашчилари

* * *

Хосият Қораева директорлик қилаётган **Сурхондарё вилояти** Денов тумани халқ таълими бўлимига қарашли 1-мактаб 1959 йилда ташкил этилган. Бугунги кунгача ушбу мактабни битирган минглаб ўқувчилар мамлакатимизнинг турли ҳудудларида фаолият юритмоқда. Айни пайтда эса 456 нафар ўқувчига 31 нафари олий, 5 нафари тўлиқсиз олий, 10 нафари ўрта махсус маълумотга эга бўлган, жами 46 нафар (шулардан 7 нафари олий, 10 нафари биринчи, 7 нафари иккинчи даражали ва 22 нафари мутахассис бўлган) муаллим "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда ДТС талаблари асосида таълим-тарбия бериб келишмоқда.

Мактаб жамоаси ушбу умумий ўрта таълим муассасасида бир нафардан халқ таълими ходими, "Дўстлик" ордени соҳиби ва "Мустақилликнинг 10 йиллиги" кўкрак нишони соҳиблари борлигидан фахрланишади. Мазкур ходимлар ҳам ёш авлоднинг баркамол бўлиб улғайишида ўзларининг улуши борлигидан қувонишади.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг "Болалар спортини ривожлантириш тўғрисида"ги қарори чиққандан сўнг барча жойларда бу соҳага эътибор янада ортди. Бу борада 1-мактаб жамоаси ҳам қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. Мактаб ўқувчилари турли спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб келишмоқда. Бунинг учун эса улар ихтиёрига мактабда мавжуд спорт зали, футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи, гимнастика майдонлари бериб қўйилгани қўл келаётир.

Ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини бекор ўтказмасликлари учун кутубхона ва 20 та тўгарак ишлаб тургани уларнинг келажакда билимли, қатъий фикрли, танламоқчи бўлган касбига садоқатли бўлишларига йўналиш бермоқда.

* * *

Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги 43-умумтаълим ўрта мактаби (директори) Э.Янбарисова)1920 йилда ташкил топган. 83 йиллик тарихга эга илм маскани дастлаб "Ватан" номи билан танилган бўлса, бугун Хайриддин Салоҳ номидаги мактаб нафақат шаҳар, балки республика миқёсида ҳам ўз мавқеига эга. Айни кунда мактабда 1143 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмоқда. Уларга 60 нафар фидойи ўқитувчи сабоқ бераётир. Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Маълумки, дарс самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқитувчи-мураббий фаолияти, илмий салоҳияти, қолаверса, тажрибасига боғлиқ. Шу жиҳатдан олганда, 43-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари эришаётган ютуқлар бежиз эмас кўринади. Зеро, мактаб ўқувчиларига сабоқ бераётган 60 нафар ўқитувчининг 90 фоизи олий маълумотли ўқитувчи бўлиб, уларнинг 1 нафари 1-даражали "Соғлом авлод учун" ордени соҳибаси бўлса, 18 нафар ўқитувчи "Халқ таълими фидойиси", "Меҳнат шуҳрати" ҳамда "Халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони соҳибларидир.

Албатта, ўқитувчининг изланиши муваффақият гарови бўла олади. Аммо бу бир жиҳат, холос. Шу боис мактаб раҳбарияти томонидан ўқувчилар давоматини қайд этувчи алоҳида дафтар юритилганки, у ўқувчиларнинг сабабсиз дарс қолдиришининг олдини олмоқда. Ҳар бир сабабсиз қолдирилган дарс ўз вақтида қайд этилиб, вақтида бу ҳолнинг сабаби аниқланмоқда ва зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Тажрибали мураббий томонидан дарс ўтишнинг илғор педагогик технологиялари асосида кўргазмали қуроллар воситасида ўтиладиган машғулот ҳатто фанни бўш ўзлаштирувчи ўқувчида ҳам қизиқиш уйғотиши, табиий. Ўқувчини назоратсиз қолдирмаслик учун қўлланилаётган бу усул бир жиҳатдан фанни ўзлаштиришни таъминлаши, иккинчи томондан мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлигининг кучайишига сабаб бўлаётир. Ушбу изланишлар самараси ўлароқ, бугунги кунда мазкур умумтаълим мактабини битирган ўқувчиларнинг олий ўқув юртларига кириши бўйича кўрсаткич йилдан-йилга тобора ўсиб бормоқда.

Ўз-ўзидан аён, ўқувчи дунёқарашининг шаклланишида китобнинг ўрни беқиёс. Шу боис мактабда ҳар йил илм маскани кутубхона фондини янги бадиий адабиётлар, ўқув-услубий қўлланмалар билан бойитиш мақсадида "Китоб марафонлари" ўтказилиб келинмоқда. Эски китобларни "умрини узайтириш"да эса мактабда ташкил этилган "Китобхон шифохонаси" тўгараги аъзоларининг хизмати алоҳида эътиборга молик. Чунки китобларни таъмирлаётган ўқувчида китобга бўлган меҳр ҳам ошиб боради. Бир жиҳатдан бу ўқувчиларни меҳнатга, бирор касб ўрганишга йўналтирмоқда. Бу борада барча жиҳозларга эга дурадгорлик, чилангарлик ва қўл меҳнати хоналарининг аҳамияти катта.

Мактабда олиб борилаётган бу каби изланишлар самараси ўлароқ, ўқувчиларнинг умумтаълим фани олимпиадаларидаги иштироки ҳам муваффақиятли кечмоқда.

* * *

Тошкент вилоятининг Чиноз туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактаби (директори Усмонжон Мирахмедов) 1922 йилда ташкил этилган. Олис тарихга эга таълим масканида йиллар давомида кўплаб илғор тажрибалар шаклланган. Бу эса давр ўтиши билан сайқалланиб, ўзига хос маъно-мазмун кашф этиб бормоқда. Мактабда таълим ўзбек тилида олиб борилади. Ҳозирда билим даргоҳида 786 нафар илмга ташна ўқувчи ўғил-қизга 57 нафар тажрибали ўқитувчи илм-фан сирларини сабот билан ўргатиб келаётир. Ўқитувчиларнинг 38 нафари олий маълумотли бўлиб, уларнинг 2 нафари олий тоифадаги, қолганлари эса 1 ва 2-тоифали ўқитувчилардир.

Ўқитувчининг изланиши ўқувчининг эришган ютуғида бўй кўрсатади, дейишади. Аммо ўқувчисининг бирор натижага эришиши учун ўқитувчи нима қилмоғи лозим? Албатта, бунда ҳар бир дарснинг юқори савияда ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эга. Машғулотнинг самарадорлигини эса дарс услуби, қолаверса, кўргазмали воситалардан оқилона фойдалана билиш таъминлайди десак, муболаға бўлмайди. Шу боис билим даргоҳида мазкур жиҳатга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, энг аввало, мавжуд 17 та фан кабинетлари, яъни ЭҲМ, кимё, физика, бичиш-тикиш, меҳнат таълими хоналари давлат таълим стандартлари даражасида таъминланишига эришилган. Мактаб 1996 йилда вилоят миқёсида физика фанига ихтисослашган илм даргоҳи сифатида тажриба-синов майдончасига айлантирилгандан сўнг бунга эътибор янада ошди.

Бундан ташқари, шу йили ўтказилган "Конституция — бахтимиз пойдевори" кўрик-танловининг республика босқичида ҳам ўқувчилар бўш келишмади. Танлов шартларига кўра Вазира Бойтеновонинг шу мавзудаги чизган расми мактаб жамоасининг 1-ўринни эгаллашига ва 12 миллион сўмлик компьютер синфини қўлга киритишда омил бўлди.

Шубҳасиз, бундай натижалар ўз-ўзидан қўлга киритилгани йўқ. Энг аввало, ўқувчиларда китоб ўқишга, билим олишга меҳр уйғотган жамоа ютқазмайди. Зеро, китоб — билим уммони. Ўқувчиларнинг мактаб кутубхонасидаги 2000 та бадиий, 13127 та ўқув-услубий қўлланмалардан самарали фойдаланганлиги бунда қўл келганлиги тайин. Бундан ташқари, мактабда фаолият кўрсатаётган "Ёш ҳуқуқшунос" ҳуқуқ-тартибот жамоатчилик марказининг ҳам улуши бор, албатта.

* * *

Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактаби (директори Ҳ.Отабоев)га 1927 йилда асос солинган. 1965 йилда илм ўчоғи ўрта мактаб мақомига эга бўлган. Қутлуғ даргоҳ остонасига илмга ташна ёшларнинг пойқадами илк бор босилганига 75 йил тўлаётган мактабда қанча-қанча эл оғирига елка тутган ўғил-қизлар етишиб чиқмади, дейсиз.

Бугунги кунда мактабда таҳсил олаётган 1607 нафар ўқувчига 100 нафардан ортиқ фидойи ўқитувчилар таълим-тарбия бериб келмоқдалар. Эътиборлиси, билим даргоҳида 3 нафар "Халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони соҳиблари дарс ўтишади. Уларга издош ўқитувчиларнинг 5 нафари олий тоифали бўлса, 24 нафар ўқитувчи 1 ва 2-тоифа даражасига эга мураббийлардир.

Мактабда ўқув-тарбия ишлари намунали йўлга қўйилган бўлиб, мавжуд фан хоналарининг барчаси замонавий ўқув жиҳозлари билан жиҳозланган. Илм масканининг оила, маҳалла ва жамоат ташкилотлари билан алоқаси яхши йўлга қўйилган. Ўқувчиларнинг замон талаблари даражасида билим олишлари учун имкон қадар кўпроқ шарт-шароит яратишга биринчи даражали вазифа сифатида эътибор қаратмоқдалар. Мисол тариқасида келтириш мумкинки, биргина 2002—2003 ўқув йилида мактабда ўтказилган "Мактаб—оила—жамоат ташкилоти" хайрия тадбири орқали 51755 сўм маблағ тўпланди ва у кутубхона фондини ривожлантириш учун дарслик ва бадиий адабиётлар олишга сарфланди.

Албатта, бу мактаб моддий базасини ривожлантириш учун етарли эмас. Шу боис мактаб жамоаси сармоядан ташқари маблағ топиш йўлида ҳам бир қатор изланишлар олиб бормоқда.

Изланишлар самараси мактаб ўқувчилари эришаётган муваффақиятларда кўзга ташланмоқда. Бундан ташқари мактаб жамоаси 2002 йилда "Ёш китобхон", "Ўлкашунослик" кўрик-танловининг география йўналишида ҳамда "Ўйла, изла, топ" билимлар баҳсининг республика босқичида 1-ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

* * *

Хоразм вилоятининг Шовот туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби (директори Иброҳим Қурбонов)га 1925 йилда асос солинган бўлиб, у дастлаб бошланғич мактаб сифатида фаолият кўрсатган. 1931 йилга келиб эса тўлиқсиз ўрта мактаби мақомини олган. Таъкидлаш лозимки, илм маскани ўша даврдаёқ ўзига хос тажрибага эга бўлган. Комилжон Отаниёзов, Исмоил Вафоев, Қутлимурод Ёқубов каби юртимизнинг кўплаб таниқли кишилари шу даргоҳда дастлабки хат-саводини чиқарганлигини ёдга олсак, бунга шубҳа қолмайди.

2000 йилнинг март ойида вилоят ҳокими ташаббуси билан эски мактаб биноси ўрнига 624 ўринга мўлжалланган ўзига хос замонавий бичимга эга бўлган янги мактаб биносига биринчи ғишт қўйилди. 2001—2002 ўқув йилида фойдаланишга топширилган мактабнинг янги ўқув биноси 880 ўқувчи ўрнига мўлжалланган бўлиб, 38 та шинам ва ёруғ синфхоналарига эга. Ҳозирда мактабда 1148 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмоқда. Уларга 121 нафар педагог ходимлар сабоқ бермоқдалар. Ўқитувчиларнинг 97 нафари олий, 20 нафари ўрта махсус ҳамда 4 нафари тўлиқсиз олий маълумотли кадрлардир. Аттестация якунларига кўра ўқитувчиларнинг 16 нафарига олий, 33 нафарига биринчи, 31 нафарига иккинчи, 35 нафарига мутахассис малака тоифаси берилган.

Мактабда ўқув машғулотларининг умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари талаблари даражасида олиб борилиши учун яратиладиган шароит йилдан-йилга яхшиланиб бораяпти. Ошхона, спорт зали, мажлислар зали, устахона, тикувчилик хонаси, 2 та лаборатория, 2 та лингофон хоналари, касбга йўналтириш, маънавият ва 2 та замонавий компьютер техникасига эга синфхоналар ўқувчилар хизматида.

Илм даргоҳида барча фанлар бўйича намунали қилиб жиҳозланган 20 та фан хоналари бор. Айниқса, чизмачилик, математика, биология, тарих, география, она тили ва адабиёти, рус, француз, инглиз тили ҳамда физика ва ЧЁТ хоналари эътиборга молик. Мактаб ўқувчиларининг дарсликлар билан таъминланишини яхшилаш, кам таъминланган оила фарзандларига дарсликлар олиб бериш борасида ҳам маълум ишлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда мактаб ўқувчиларининг дарсликлар билан таъминланиши 90 фоизни ташкил қилади.

2001 йилда мактаб ўқувчиларининг дарсликлар билан таъминланишини яхшилаш мақсадида ўтказилган хайрия марафонида 100205 сўм, 2002 йилда 91435 сўм миқдорида маблағ тушиб, кутубхона фондига дарсликлар олинди. Бундан ташқари мактабнинг 4—5-синф ҳамда 9-синф ўқувчилари ижара тизимидаги дарсликлар билан таъминланиб келинаяпти. Эътиборлиси, илм даргоҳида дарсликлардан фойдаланишнинг аҳволи ҳар чоракда ўрганилиб, ғолиб синф жамоалари моддий ва маънавий рағбатлантирилиб борилиши йўлга қўйилган. Мактаб кутубхонасини бадиий, услбий адабиётлар билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кутубхонада ҳозирда 708 та бадиий, 684 дан зиёд услубий адабиётлар мавжуд.

Мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари фан олимпиадалари, кўрик-танлов ва беллашувлар, спорт мусобақаларида фаол қатнашиб фахрли ўринларни эгаллаб келаяптилар. Кейинги уч йил ичида ўтказилган "Ноёб кўргазмали қуроллар" танловида рус тили фани ўқитувчиси И.Қурбонов, математика фани ўқитувчиси Г.Жумабоева, тарих фани ўқитувчиси Ж.Ҳасанов фахрли ўринларни эгалладилар.

Кейинги уч йил ичида ўтказилган иқтидорли ўқувчилар танловида биология, она тили ва адабиёти, математика, рассомчилик, "Заковат", "Ёш китобсеварлар", "Истиқлол чечаклари", "Ёш тадбиркор" йўналишлари бўйича ўқувчилар вилоятда ғолиб чиқиб, республика миқёсида ҳам совринли ўринларни эгалладилар.

* * *

Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманидаги Мирзо Бедил номидаги умумий ўрта таълим мактаби (директори Шарофиддин Зайниддинов) 1984 йилда ишга туширилган бўлиб, 1176 ўқувчи ўрнига эга. Ўшанда 40 синфда 70 нафар педагог тарбиячи таълим берарди. Ўтган ўн йилда унинг қиёфаси ҳам, таълим жараёнининг шакли-шамойили ҳам тубдан ўзгарди. Ҳозир билим даргоҳида 1868 нафар ўғил-қиз таълим олаяпти. Уларга олти нафар "Халқ таълими аълочиси", 4 нафар олий, 35 нафар биринчи тоифали бўлган 130 нафар ўқитувчи дарс бермоқда. Ўқитиш сифати ва самарадорлиги илм масканининг моддий негизи, қолаверса, жамоадаги соғлом маънавий, руҳий муҳитга ҳам боғлиқ. Ҳар бир ўқувчининг шахсий-ижодий дастурини жамоадаги ижодкорлик, изланиш, тажриба ва ташаббус билан уйғун равишда ривожлантиришни тақозо этади. Шу асосда шаҳарда илк бор ўқувчиларни тест синовларига тайёрлаб табақалаштиришга, халқ педагогикасидан самарали фойдаланишга, синфларни ихтисослаштиришга, синфдан ташқари ишларни чуқурлаштиришга киришилган.

Ҳомийлар ҳамкорлигида аълочи ўқувчиларга стипендиялар бериляпти. Пазандалик, хаттотлик санъати, дурадгорлик, наққошлик, ганчкорлик тўгараклари ишлаб турибди. Бу соҳада оталиқ ташкилот — мебель фабрикаси ўз моддий ёрдамини аямаётир. Энг қувонарлиси шундаки, макаб ўзининг ўн йиллик айёми арафасида "Йил мактаби" кўрик-танловининг республика миқёсида иккинчи ўринни эгаллаган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳали табақалаштириш, иқтидорли ўқувчиларни танлаб ўқитиш ҳақида гап бўлмай туриб, бу мактабда ўқитишнинг ностандарт усуллари илк бор синаб кўрилди. Баъзи бир муаммоларни ҳисобга олмаганда, натижа ёмон бўлмади. Дастлаб дарслар семинар, конференция, лекция, синов тарзида ташкил этилди. Мактабнинг ўзига хос томонларидан бири бу ерда ижодкорлик кучли, "Йил мактаби" кўрик-танловида худди ана шу жиҳат алоҳида эътироф этилди. Иккинчидан, мактаб фақат билим бериш билан чекланмай, келажакка соғлом авлод тарбиялаб вояга етказишга ҳаракат қилмоқда. "Жисмоний соғломлаштириш хонаси" рисоладагидек жиҳозланган. Бу ерда ўқитувчи билан шифокор бамаслаҳат иш олиб боради.

Мактабнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири, бу ерда ўқувчилар фақат керакли билимнигина олмасдан, балки ҳунар ҳам ўрганиб чиқишади. Бунинг учун махсус "Устоз ва шогирд" мактаби фаолият кўрсатаяпти. Қиз болалар гилам, пайпоқ, кофта тўқишни, кийим-кечаклар тикишни ўрганадилар. Ўғил болалар аллақачон дурадгорлик, ганчкорлик, наққошлик сирларини пухта билиб олганлар. 1991 йилда шаҳар ҳокимлиги мактабга 10 та тикув машинаси олиб берди. Бу машиналарда ҳозир қизлар чиройли кўйлакларни ўзлари бичиб-тикмоқдалар. Меҳнат таълими бўйича амалга оширилаётган барча ишларга мактаб қошидаги "Чевар" кичик корхонаси яқиндан ёрдам бермоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мактаб ҳовлисида махсус комплекслашган маиший хизмат шохобчаси қурилган. Унда сартарошлик, этикдўзлик хоналари фаолият кўрсатмоқда.

RABG'UZIY

So'ng olamning go'zal bir manzara kasb etgani, atrofning go'zallashgani tavsiflanadi:

Kun kelu ming ko'rki ortib
tirilur o'lmish jahon,
Tong badizlab naqshi birla
bezanur bu yer yuzi.

Tasvirda jonlantirish, sifatlash va o'xshatishlar asosiy o'rin tutadi. Muhimi, ularda Rabg'uziyning tasavvur kuchi va badiiy mahorati ochiq ko'rinadi:

... O'rlasa bulutlari gulchirar
bog'-u bo'ston,
Tol yig'ochlar yeng solishur
o'ynayurtek qo'y-qo'zi.

... Lola sag'roqin icharda sayrar
usrub sanduvach,
Turna un tortib o'tarda sakrashur
baqlan, qo'zi.

Ko'kda o'ynar, qo'l solishur qug'u,
g'oz, qil, qarlug'och,
Erda yugrub juft olishur os, tiyin,
kish, qunduzi.
Tol yig'ochlar minbarinda
to'ti qush majlis tutar,
Qumri, bulbul muqri bo'lub
un tuzar tun-kunduzi.

...Huri ayn ujmoh ichinda yeng
solib tahsin qilur,
Yoz uza mundog' g'azallar
aymishdi Nosir Rabg'uziy.

O'zbek adabiyotidagi bu ilk g'azalda Rabg'uziy janrning barcha shakliy-badiiy talablarini mukammal darajada ado etgan. She'rning matla'sidan maqta'sigacha navro'z ta'rif-tavsifi aks etiladi. **Navro'zi, buzi, yuzi, yozi, tuzi, qo'y-qo'zi, juzi, qo'zi, qunduzi, kunduzi, yulduzi, Rabg'uziy** so'zlaridan tashkil topgan qofiyalar tizimi turkiy til tarovatini ko'rsatuvchi omillardan biri bo'lgan. Maqta'da ilk bor taxallus ishlatilgan. Vazn ham o'ynoqi. G'azal uchun turkiy adabiyotda keyinchalik eng ko'p qo'llangan vazn — ramal tanlab olingan.

Kun ha-mal-ga kir-di er-sa,
kel-di o-lam nav-ro'-zi,
v - - - v - - - v - - - v - -
foilotun foilotun foilotun foilun

Kech-di bah-man zam-ha-rir
qish qol-ma-di qo-ri, bu-zi
v - - - v - - - v - - - v - -
foilotun foilotun foilotun foilun

Ko'rinib turganidek, ramal vaznining rukni **foilotun** ohanglariga tayanadi. Bir bayt (ikki misra)da bu rukn sakkiz marta qo'llangani uchun **musamman** nomini oladi. "Musamman" arabcha so'z bo'lib, sakkiz degan ma'noni bildiradi. Oxirgi rukn avvalgilaridan qisqaroq, unda bir hijo kam. Uning ushbu shakli mahzuf deyiladi. Vaznning to'liq nomi **ramali musammani mahzufdir.**

G'azalning barcha baytlari o'zaro mantiqiy bir ip (navro'z) bilan bog'langan. Ana shu ichki bog'liqlik g'azal yaxlitligini ta'minlagan. Dastlabki bayt umumiy axborot berishga yo'naltirilgan: qishning o'rniga bahorning kelishi ko'rsatilgan. Bunda muallif munosabatining ochiq ifodalanishi e'tiborni tortadi. Bahorga nisbatan "olam navro'zi" ifodasi qo'llansa, qishga nisbatan "bahman" (ayoz, qahraton, izg'irin) "zamharir" (qirovli, qahraton, qattiq sovuq) sifatlashlari tanlangan. Keyingi baytlar bahorning xususiy jihatlarini tasvirlashni ko'zda tutadi. Dastlab dunyoning yangidan chiroy ochgani ("tirilur bu er yuzi") qalamga olinadi.

Osmon va yerdagi o'zgarishlarni aks ettirish navbatdagi bayt qamroviga kiradi. Unda bulut va daraxtlarning o'ziga xos manzarasi ko'rsatiladi. **Lola, bulbul, turna, qo'zi** so'zlari bahorning turli belgilarini ifodalash vositasi bo'lgan. "Yer-osmon" zidligi asosida bahorning o'ziga xos tasvirini berish keyingi baytda ham davom etadi. Bahor osmonida qushlarning ko'payishi qug'u (oqqush), g'oz, qil (qilquyruq), qarlug'och (qaldirg'och) vositasida ko'rsatilsa, yerdagi jonivorlar harakatining jonlanishi os (oq suvsar), tiyin (olmaxon), kish (qunduzning bir turi), qunduz singari hayvonlar timsollari vositasida tasvirlangan.

Qadimgi turkiy tilda "yig'och", "og'och" so'zlari, asosan, "daraxt" tushunchasini ifodalagan. Navbatdagi baytda tilga olingan "tol yig'ochlar minbarinda" (tol daraxtning shoxlarida) ifodasi xuddi shu ma'noni yuzaga chiqaradi. Bu baytda bir qator qushlar (to'ti, qumri, bulbul)ning xonishi — sayrashi orqali bahor faslining tarovati yana bir bor ta'sirli yo'sinda tasvirlangan.

Asarning badiiy xususiyatlari. Qissa - epik janrga mansub. Unda muayyan voqea-hodisalarning izchil tasviri, ularda ishtirok etuvchilarning o'ziga xos xususiyatlarini aks ettirish yetakchilik qiladi. Qissalar hajmiga ko'ra ancha yirik bo'ladi. Qissalarning yirikligi tasvirlanayotgan voqea-hodisalar ko'lami, ishtirokchilar sonida ham ko'rinadi. Qissalarda bir necha syujet yo'nalishlari bo'lishi mumkin. Asar qurilmasi ham syujetning shu xususiyatiga bog'liq bo'ladi. Rabg'uziy qissalarida qahramonlar voqea-hodisalar rivoji davomida o'zligini, o'ziga xos xususiyatlarini ko'rsatib borishadi.

"Qissasi Rabg'uziy"da asar syujetiga asos bo'lgan voqealar ko'p jihatdan "Qur'on"ga tayanadi. Rabg'uziy ularni o'z dunyoqarashi hamda tajribasi asosida qayta ishlagan, o'z badiiy tafakkuri bilan boyitgan. Qissalar, asosan, nasrda bitilgan, ammo ko'pgina o'rinlarda she'riy parchalar ham uchraydi.

Asar hammasi bo'lib 72 qissadan iborat. Ularning asosiy qismi payg'ambarlar (Nuh, Muso, Iso, Yoqub, Sulaymon, Dovud, Muhammad SAV va boshqalar) to'g'risidadir. Goho bir qissa ichida uning mazmunini to'ldiruvchi boshqa qissa, rivoyat, hikoyatlar ham keladi.

Sulaymon payg'ambar, Luqmon Hakim, Dovud payg'ambar bilan bog'liq qissalarda xalq og'zaki ijodining ta'siri yaqqol ko'rinadi. Tasvirdagi mubolag'a, xayolot (fantastika)ga keng o'rin berilgani, sehrli hodisalar tavsifi, bayondagi ertakona ohang bevosita og'zaki ijod ta'sirida yuzaga kelgan. Hikoyatlarda ham og'zaki ijodning kuchli ta'siri seziladi. Ularda hatto latifa janriga xos tasvir usullari ham ko'zga tashlanadi.

Qissalar tarkibida hikoyatlar ham uchraydi. Ular qissalardagi muayyan voqea-hodisalar yoki alohida qahramonlarga xos fazilatlarni izohlash vazifasini bajaradi. Bu hikoyatlar ham nasrda, ham nazmda bitilgan bo'lib, hajmi juda ixchamligi bilan ajralib turadi. Shunga ko'ra ularning syujeti ham anchayin sodda. Hikoyat uchun faqat bir epizod tanlab olinadi, voqealarning bundan oldingi yoki keyingi rivojiga ahamiyat berilmaydi. Hikoyatlarda qahramonlarning tabiatiga xos muayyan xususiyatlar ko'proq ular amalga oshirgan ish, faoliyat orqali aks ettiriladi. Bunda, asosan, ta'rif-tavsif usuli yetakchilik qiladi. Ularda hikoyachilikning keyingi davrlarida ko'zga tashlanadigan batafsil tasvir kurtak holidagina uchraydi.

"Uzum hikoyati", "Ilon va qarlug'och" hikoyatlari uchun dialoglar ham xos. Har ikki hikoyatda ham dialoglar bor. Ammo keyingisida u asosiy o'rin tutadi. Dialoglarning mavqei jihatidan "Sulaymon qarinchka bilan so'zlashgani" hikoyati muhimdir, chunki u to'lig'icha ikki tomonning so'zlashuvi, savol-javoblariga tayanadi. Albatta, ularda muallif izohi yoki bayoni ham mavjud. Muallif bayoni hikoyatlarda turli darajada namoyon bo'ladi. U "Sulaymon qarinchka bilan so'zlashgani"da ozroq o'rin tutsa, boshqa hikoyatlarda ancha kattaroq, "Namrud hikoyati"da esa asosiy o'rinni egallaydi.

Umuman, "Qissasi Rabg'uziy" turk badiiy nasrining ilk namunalaridan biri sifatida adabiyotimizda o'ziga xos o'ringa ega. Unda adib Nosiruddin Rabg'uziyning yuksak badiiy mahorati yorqin namoyon bo'lgan. "Qissasi Rabg'uziy" o'zining ma'rifiy-tarbiyaviy hamda badiiy-estetik ahamiyati bilan hozirgi avlodlar ma'naviy kamoloti uchun ham qadrlidir.

Savol va topshiriqlar

1. Rabg'uziyning hayotiga doir ma'lumotlarni ayting.
2. "Qissasi Rabg'uziy" asari yaratilishida "Qur'oni karim"ning qanday ta'siri borligini tushuntiring.
3. Rabg'uziy qissalarining xalq orasida keng tarqalishiga sabab bo'lgan omillar haqida to'xtaling.
4. Dovud payg'ambar bilan bog'liq qissalarni qayta o'qing. Ularning badiiy jihatlari va ko'tarilgan muammolarini ayting.
5. "Luqmon va uning xojasi" hikoyatidan kelib chiqadigan axloqiy-ma'naviy xulosaga to'xtaling.
6. Rabg'uziy asarlarida folklor ta'siri ko'rinadimi?
7. "Uzum hikoyati"ning badiiy xususiyatlari va g'oyaviy yo'nalishiga izoh bering.
8. Uzum hikoyatida nomi qayd etilgan hayvonlarning xususiyatlari bilan ichkilik ichgan odamlarning qiliqlari o'rtasidagi o'xshashlikni matndan topib, izohlab bering.
9. "Ilon va Qarlug'och" hikoyatining konflikti nimaga qurilgan?
10. Hikoyatda qalamga olingan hayvonlarning tabiiy xususiyatlari bilan badiiy tasvirdagi belgilarida uyg'unlik bormi?
11. Hikoyatlar tilidagi o'ziga xosliklarga e'tibor qarating. Ulardagi leksik, morfologik va uslubiy jihatlarni ko'rsating.
12. "Sulaymon Qarinchqa bilan so'zlashgani" hikoyati qahramonlariga xos xislatlar qanday namoyon bo'lganligini izohlang.
13. "Bilqis hikoyati"dan kelib chiqadigan hayotiy va badiiy ma'noga to'xtaling.
14. Asardagi Bilqis timsoliga xos xususiyatlarni ko'rsating.
15. "Namrud haqidagi hikoyat"da inson xayolotiga qanday baho berilgan? Namrud fojiasining sabablarini izohlang.
16. Rabg'uziyning shoirlik mahorati haqida gapirib bering. Bahor haqidagi g'azalni yod oling.
17. Bahor faslida yer yuzasidagi o'zgarishlarni kuzatganmisiz? O'sha kuzatishlaringizni Rabg'uziy g'azalidagi tasvirlar bilan qiyoslang.

1 Buz — muz.

Ammo oradan bir yilu 18 kun o'tgandan keyingina mahbusni ozod qilish to'g'risidagi qaror kuchga kirdi.

Sobiq o'quvchilarimizdan hech biri yomon yo'lga kirmagan: biri bozorda yoki do'konda savdo-sotiq bilan band, biri esa novvoyxonada kasb o'rganayapti. Yana biri etikdo'zga shogird tushgan...

МАЪРИФАТ НУРИНИ ТАРАТИБ...

Таниқли маърифатпарвар Исматулла Раҳматуллаевнинг 120 йиллиги муносабати билан

XIX аср охири XX аср бошларида бош кўтарган миллий уйғониш ҳаракати шундай атоқли маърифатпарварлар авлодини етиштириб бердики, XX асрнинг биринчи чорагида халқимизнинг илм-фан ва маданият соҳасида эришган ютуқларида уларнинг ҳиссаси улкан, хизматлари эса беқиёсдир.

Шу кунларда таваллудига 120 йил тўлган Исматулла Раҳматуллаев (1883—1962) ўзбек маърифатпарварларининг ана шу шавкатли шажарасига мансуб. Самарқанднинг Ражабамин қишлоғида боғбон оиласида дунёга келган Исматулла Раҳматуллаевнинг маърифатпарвар сиймо бўлиб улғайишида устози Абдуқодир Шакурийнинг хизматлари оз эмас. Шу нарса ажойибки, ёш Исматулла, Шакурийнинг онаси — Биби Розия қўлида хат-саводини чиқарган ва мадраса таълимини тугатар-тугатмас, 1901 йили Шакурий томонидан очилган «усули савтия» мактабига ўқишга кирган.

Замон ёш авлоддан рус тили ва маданиятини билишни тақозо этар эди. Даврнинг шу талабини сезган Исматулла «усули савтия» мактабини тарк этмагани ҳолда 1903—1906 йилларда рус-тузем мактабида таҳсил кўради. Айни пайтда ҳуснихат соҳиби бўлгани учун самарқандлик қалам аҳлининг илтимосларига биноан уларнинг қўлёзмаларини кўчириш билан машғул бўлади. 1906 йилдан 1912 йилга қадар бўлган даврда Абдуқодир Шакурий мактабида устози билан ёнма-ён туриб хизмат қилади.

10-йилларга келиб жадид мактаблари дастлабки «мева»ларини бера бошлайди. «Усули савтия»нинг афзаллигини кўрган аҳолида жадид мактабларига қизиқиш пайдо бўлади. Жадидлар янги-янги мактабларни очишга киришадилар. Исматулла Раҳматуллаев ҳам 1913 йили устози маслаҳати билан ўз мактабини очиб, 100—200 га яқин ўқувчиларга сабоқ бера бошлайди. «Дорул адаб» деб номланган бу мактаб 1917 йилнинг суронли кунларига қадар фаолият кўрсатади.

Жадид маърифатпарварлари янги типдаги мактабларни ташкил этиш билан бирга бу мактаблар учун ўқув қўлланмаларини яратишга ҳам завқшавқ билан киришдилар. Исматулла Раҳматуллаев 1907 йили «усули савтия» мактабларининг 2-синфи учун Шакурий томонидан нашрга тайёрланган «Жоме ул-ҳикоят» ўқиш китобининг майдонга келишига ўз ҳиссасини қўшди. 1915 йили эса тожик тилида «Алифбе таълими» деган ўқув қўлланмасини яратди.

У ушбу китобга ёзган муқаддимада жадид мактаблари ва бу мактаблардаги товуш-ҳарф усулининг афзаллиги ҳақида бундай сўзларни ёзган: «Ҳар бир саводли киши ғайрат ва тиришқоқлик билан бу алифбедан фойдаланса, озгина вақт ичида ўқийдиган ва ёзадиган бўлиб қолади».

Мазкур китобнинг муқовасига ота-оналарга қаратилган қуйидаги ажойиб сўзлар ёзилган эди: «Жоҳил фарзандинг гуноҳи ота-онанинг зиммасидадир. Билим—ёруғлик, нодонлик эса қоронғуликдир».

Ўзбек педгогикаси тарихчилари берган маълумотга кўра, мазкур ўқув қўлланмасида Исматулла Раҳматуллаевнинг 10—12 йиллик муаллимлик тажрибаси билан бирга устози Шакурийнинг амалий фаолиятидан олган сабоқлари ҳам ўз тажассумини топган. 90 соатга мўлжалланган «Алифбе таълими» уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда арабий ҳарф элементларини ёзиш бўйича машқлар, иккинчи қисмда ҳарфларнинг турли кўринишлари берилган. Ўқув қўлланмасининг учинчи қисмидан эса тарбиявий аҳамиятга молик шеърий ва насрий парчалар ўрин олган.

«Атоқли педагогларимиз» деган қимматли рисола муаллифи М.Фаттоҳов «Алифбе таълими»нинг мажмуа қисмидан ўрин олган шеърий ва насрий асарлар тўғрисида сўзлаб, қуйидаги парчани ҳам ўз таржимасида келтирган: «Бекорчилик ишларнинг энг ёмонидир. Мен бекорчиликдан безорман. Тирик бекорчидан ўлик яхши. Дунёда ҳар бир жондор бирор хизматга ва ҳар бир киши маълум вазифага эга. Биз, шогирдларнинг вазифаси ўқиш ва илм ўрганишдан иборат. Мактабнинг ҳар бир шогирди яхши хат-саводга эга бўлиши керак. Хушёр ва ғайратли шогирдлар ҳеч вақт бекор ўтирмайдилар».

Юқоридагидек тарбиявий аҳамиятга молик лавҳалардан кейин Исматулла Раҳматуллаев панд-насиҳат руҳида ёзилган 10 та шеърни ҳам ўқувчилар эътиборига ҳавола этган.

Агар Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний ва Ҳамза каби жадид маърифатпарварларининг шу йилларда ёзган педагогик рисолаларига назар ташласак, уларда ҳам тахминан шундай мазмундаги шеърий ва насрий ҳикоятларни учратамиз. Исматулла Раҳматуллаев, мазкур сафдошлари сингари, болалар руҳияти ва савиясини инобатга олган ҳолда уларда китоб ва мактабга, ота-она ва Ватанга муҳаббат туйғуларини тарбияловчи асарларни кўплаб келтирганки, шу туфайли «Алифбе таълими» самарқандлик ёшларнинг нафақат саводли, балки ахлоқ ва одобли кишилар бўлиб улғайишида ҳам муҳим роль ўйнаган.

Исматулла Раҳматуллаев 1917 йил воқеаларидан кейин ҳам маърифатпарварлик фаолиятини давом эттириб, ўзбек ва тожик болалари учун янги мактабларнинг очилиши ва фаолият олиб боришида ташаббускор бўлди. «Голос Самарканда» газетасининг 1919 йил 27 июнь сонида келтирилган маълумотга кўра, у шу йили Самарқандда 35 та янги мактабнинг ташкил этилишида бевосита иштирок этган. 1937 йил 4 сентябрга оид архив маълумотларида айтилишича, Раҳматуллаев Октябрь тўнтаришининг дастлабки йилларида «Нашри маориф», шунингдек, «Анжумани маориф» жамиятлари ҳайъатининг аъзоси сифатида бир неча иккинчи босқич мактабларини очган.

1922 йили у Маориф халқ комиссарлиги ҳузурида янги ташкил этилган билим юрти (инпрос)га директор этиб тайинланади. Шу лавозимда хизмат қилган кезларида билим юртида Ҳамид Олимжон, Фотиҳ Ниёзий, Музайяна Алавия, Ҳабиб Юсуфий, Раззоқ Ҳамроев, Толибжон Содиқов, Воҳид Абдуллаев, А.Баҳовуддинов сингари ўзбек адабиёти, санъати ва илм-фанининг бўлажак атоқли намоянлари таҳсил кўрадилар ва Исматулла Раҳматуллаев уларнинг шаклланишига ўз ҳиссасини қўшади. 1926 йили Самарқанднинг Эски шаҳарида Ўзбекистонда биринчи бўлиб Китоб палатаси очилади. Исматулла Раҳматуллаев таниқли маърифатпарвар сифатида шу муассасага раҳбар этиб белгиланади. Шу вақтдан эътиборан республикада чоп этилган ва чоп этилаётган барча соҳаларга оид нашрлар Китоб палатасида жамланиб, уларни рўйхатга олиш, саралаш ва ўрганиш ишлари йўлга қўйилади. 1930 йилдан 1937 йилга қадар бўлган вақтда эса Исматулла Раҳматуллаев Беҳбудий номидаги Эски шаҳар кутубхонасида мудир ва ҳисобчиларни тайёрлаш курсларида математика муаллими бўлиб хизмат қилади.

30-йилларнинг ўрталарида маориф ва маданият соҳасида самарали хизмат қилган кишиларни тақдирлаш мақсадида республикада Меҳнат қаҳрамони унвони таъсис этилади. Исматулла Раҳматуллаев 1935 йили маориф ходимлари орасида биринчилардан бўлиб Меҳнат қаҳрамони деган фахрий унвонга сазовор бўлади ва айни пайтда унга шахсий нафақа тайинланади. Аммо орадан кўп вақт ўтмай, 1937 йил 19 августда Исматулла Раҳматуллаев «халқ душмани» сифатида қамоққа олинади.

Уни «Миллий иттиҳод» ташкилотининг аъзоси бўлганликда, Совет ҳокимиятига қарши тарғибот олиб борганлик ва мазкур ташкилотнинг аксилинқилобчи миллатчи аъзолари билан ҳамкорлик қилганликда айблашади. Ўша кезларда, мамлакатимизнинг бошқа шаҳар ва қишлоқларида бўлгани сингари Самарқандда ҳам кўплаб бегуноҳ кишилар қамоққа олинган ва олинаётган эди. Шулар орасида адвокатлар коллегияси аъзолари Абдубакир Абдуҳаитов, Абдуазиз Абдуғаффоров, шаҳар молия бўлими ходими Камол Ҳусаинов ва маърифатпарвар Абдуқодир Шакурий ҳам бўлиб, Исматулла Раҳматуллаевнинг бу мусичадек беозор кишилар билан яқинлиги унинг ҳам қамалишига сабаб бўлган эди. Исматулла Раҳматуллаевнинг «Миллий иттиҳод» ташкилотига аъзо бўлганлиги ҳақидаги айб тасдиқланмаганига қарамай, 1937 йил 28 октябрда маҳбусга «учлик» томонидан 10 йиллик қамоқ жазоси берилди. Маҳбус ўша йилнинг 4 ноябрида жазо муддатини ўташ учун Тошкентдаги тақсимот пунктига юборилди. 1937 йил декабрида этап билан Бамлагга бориб, бир йилдан зиёдроқ темир йўл қурилишида қора ишчи бўлиб ишлади. 1939 йил кўкламида у Карело-фин АССР ҳудудидаги темир йўл қурилишига этап қилинди. 1941 йилнинг бошларида эса Сибирдаги «меҳнат-тузатув лагерлари»га кўчирилди.

Исматулла Раҳматуллаевнинг 1939 йил 22 августда СССР ва ЎзССР прокурорлари номига ёзган аризаларидан маълум бўлишича, у шу вақтда собиқ Иттифоқнинг энг совуқ жойларидан бири — Улан-Удедаги 42-колоннанинг 2-бўлимида ғоят оғир бир шароитда ишлаган.

Бутун умрини халқ маорифига бағишлаган ва минглаб кишиларга билим берган маҳбуснинг ноҳақ қамоққа олингани ҳақида ёзган аризалари оқибатсиз қолмади. У 1942 йил 1 август куни озодликка эришди (Маҳбус шу вақтда Кемерово вилоятининг Мариинск деган қамоҳона ва лагерларидан иборат борса-келмас шаҳрида жазо муддатини ўтаётган эди). Аммо орадан бир йилу 18 кун ўтгандан кейингина маҳбусни озод қилиш тўғрисидаги қарор кучга кирди. 1943 йил 18 сентябрда Исматулла Раҳматуллаев Мариинскдаги темир йўл бекатидан Самарқанд вилоятининг Красногвардейское (Булунғур тумани) бекатигача бориш учун билет, 20 сўм пул ва 12 суткалик озуқа билан йўлга чиқди. Ва ўша йилнинг ёмғирли кунларидан бирида хароб бир аҳволда Самарқанд вилоятининг Булунғур туманига етиб келди.

Қамоҳона ва лагерларда чекилган азоб-уқубатлар орқада қолгандек эди. Лекин бундай бўлиб чиқмади. Собиқ маҳбусни маърифат олами билан боғловчи ришталар бир умрга узиб ташланган эди. У Булунғур туманидаги қишлоқ озуқа бўлимида тайёрловчи бўлиб ишлади.

Кўп ўтмай Исматулла Раҳматуллаев янги фарзанд кўрди ва унинг Холида, Ҳабиб, Назира деган фарзандлари ёнига Манзура ҳам қўшилди. Бу Исматулла Раҳматуллаев ҳаётининг сўнгги ўн йилидаги бирдан-бир қувончли, бирдан-бир бахтли кун эди. Аммо Манзура ҳали икки ёшга тўлиб улгурмай, отасининг иссиқ меҳридан маҳрум бўлди: 1949 йил 23 июнь куни Исматулла Раҳматуллаев яна ўша, тасдиқланмаган, қанчадан-қанча кишиларнинг умрига завол бўлган айб билан қамоққа олинди ва ўша йилнинг 2 ноябрида Шимолий Қозоғистондаги Явленко қишлоғига сургун қилинди. Жабрдийда маърифатпарвар 1954 йили, Сталин вафотидан кейин озодликка чиқди.

Самарқанд шу кунларда ўзининг яна бир ажойиб фарзанди — бутун умри, билими, қалб кўрини маърифат ишига бағишлаган Исматулла Раҳматуллаев таваллудининг 120 йиллигини кенг нишонламоқда.

У ўзбек халқи хотирасида маърифат машъаласини кўтарган чироғбон бўлиб қолади.

Наим КАРИМОВ,
филология фанлари доктори

МАКТАБ КУТУБХОНАСИ — ТАЪЛИМНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ

2003-2004 o'quv yili — maktab kutubxonalari ishini takomillashtirish o'quv yili

Бугунги мактаб кутубхонаси қандай бўлиши керак? Мактаб кутубхонасининг моддий-техник базаси қай аҳволда? Уларни китоблар, дарсликлар билан таъминлашни қайси йўллар билан яхшилаш мумкин? Мактаб ўқувчисига хизмат кўрсатишнинг аҳволи қандай?

Сирдарё вилоятининг Гулистон туманидаги 14-ўрта мактабда бўлиб ўтган "Мактаб кутубхонаси — педагогик тизимнинг таркибий қисми: тажриба ва тараққиёт истиқболлари" мавзусидаги амалий семинарда шу каби қатор саволларга жавоблар ахтарилди, мавжуд соҳада муаммоларнинг ечимини топишга ҳаракат қилинди.

Ўзбекистон Ҳалқ таълими вазирлиги, Республика илмий педагогика кутубхонаси, вилоят халқ таълими бошқармаси, ВПҚТМОИ ва Гулистон туман ҳокимлиги ҳамкорликда ўтказган илмий-услубий анжуманда Сирдарё вилоятидаги мактаб кутубхоналари мудирлари, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимларининг кутубхона фонди бўйича методистлари, илғор кутубхоначилар иштирок этди.

Анжуман мезбонлари ташкил этган кўргазмага туманлардан олиб келинган стенд ва панноларда турфа хил методик маҳсулотлар, рефератлар, услубий-библиографик кўрсаткичлар, янги нашр этилган адабиётлар, бир сўз билан айтганда, мактаб кутубхоначиларининг илғор иш тажрибалари ўз ифодасини топган буклетлар қўйилган, плакатлар осиглиқ эди. Бошқарма бошлиғи Ҳамид Ёдгоров, Республика илмий-педагогика кутубхонаси масъул ходими Раиса Ратнер ва бошқа меҳмонлар кўргазмага қўйилган экспонатлар билан танишар эканлар, туман ва шаҳарлар халқ таълими бўлимлари кутубхона ишларига мутасадди кишилар билан бевосита мулоқотда бўлдилар. Шу мулоқот чоғида ҳам мактаб кутубхонаси ишини такомиллаштириш юзасидан жиддий гаплар бўлиб ўтди. Шундан сўнг анжуманнинг асосий қисми бошланди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси умумтаълим мактаблар бўлими мудири Раъно Абдужалилова "Мактаб кутубхоналари ривожланишининг асосий йўналишлари ва истиқболлари" мавзусида, Гулистон туман халқ таълими бўлими методисти Насиба Қорабекова "Мактаб кутубхоначилари ишига методик раҳбарлик қилиш, мактаб кутубхоналари ва методбирлашмалари ишини ташкил этиш асослари" мавзусида, Янгиер шаҳридаги 5-ўрта мактаб кутубхоначиси Иноят Толипова "Мактаб кутубхоналари библиографик ва ахборот ишларининг асосий шакл ва методлари" мавзусида, Ховос туманидаги 13-ўрта мактаб кутубхоначиси Хосият Турдимуродова "Кутубхоначилик дарси — шахснинг ахборот олиш маданиятини шакллантириш методи сифатида" мавзусида, Сирдарё туман халқ таълими бўлими методисти Жамила Рўзиева "Янги олинган адабиётлар кўргазмаси ва библиография шарҳининг аҳамияти" мавзусида маъруза қилдилар. Республика илмий-педагогика кутубхонаси ходими Раиса Ратнернинг "Мактаб кутубхоналари фаолиятининг асосий йўналишлари ҳақида"ги маърузаси анжуман қатнашчиларида чуқур таассурот қолдирди. "Мактаб кутубхонаси ишини ташкил этиш асосларига бағишланган тренинг ҳам семинар иштирокчилари учун жуда фойдали тадбир бўлди.

Семинарда Боёвут туманидаги 10-ўрта мактаб кутубхоначиси Бобир Раҳмонқулов китобхонлари ""Ўтган кунлар" романи асосида саҳна кўриниши намойиш этдилар. Б.Раҳмонқулов ўқувчилар билан олиб бориладиган оммавий тадбирлар бўйича туман мактаб кутубхона ходимлари тўплаган иш тажрибаси ҳақида ҳам гапириб берди.

Мактаб кутубхонаси иши билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама қилинган давра суҳбати қизғин мунозараларга бой бўлди. XXI аср мактаб кутубхоналарининг ўрни ва фаолиятининг устувор йўналишлари, мактаб кутубхоналарини салоҳиятли кадрлар билан таъминлаш, уларнинг ўз вақтида малакасини ошириш, номутахассис кадрларни қайта тайёрлаш, кутубхоначилик тўгаракларини ишини жонлантириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш, мактаб ўқувчиларида ва уларнинг ота-оналарида китобга бўлган муносабатни ўстириш, мактаб кутубхона фондини кўпайтиришга ҳомийларни жалб этиш, тадбиркорлик билан шуғулланиш, дарсликлар ва бошқа адабиётларни сақлаш, улардан фойдаланиш, умрини узайтириш, китоб ҳафталиклари ўтказиб туриш, кутубхоначиларнинг фан ўқитувчилари билан ҳамкорлигини ибратли йўлга қўйиш, ўқувчиларнинг кутубхона аъзолиги мониторингини мунтазам ўтказиб туриш, мактаб кутубхоналарида мавжуд кирилл алифбосидаги адабиётлар ўрнини янги имлодаги китоблар билан босқичма-босқич тўлдириб бориш ва бошқа жиҳатлар давра суҳбатининг мазмун-моҳиятини белгилаб берди.

Шунингдек, анжуман иштирокчилари Республика илмий-педагогика кутубхонасининг илмий-библиография бўлими олимлари томонидан "2004 йил — Меҳр-мурувват йили"га бағишланган услубий-библиографик кўрсаткичлар тезроқ тайёрланиб, жойларга етказиб берилишига ҳам умид билдирдилар.

"2003-2004 ўқув йили — мактаб кутубхоналари ишини такомиллаштириш ўқув йили" тадбирлари доирасида ўтган мазкур амалий семинар унинг иштирокчилари учун самарали бўлди.

Бойжигит АБДУЛЛАЕВ

Суратда: семинар ишидан лавҳа.
Муаллиф олган сурат.

МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИ КЎМАГИДА

болалар мактабга қайтарилмоқда

Самарқанд шаҳридаги 28-умумтаълим мактабида яқин-атрофдаги бешта маҳалла болалари таълим-тарбия олишади. Мактаб фаолиятида юзага келган ҳар бир муаммо ҳам ана шу маҳаллалар оқсоқоллари ва фаоллари ёрдамида бартараф этилади.

—2002-2003 ўқув йилидан бошлаб 9-синф битирувчиларининг академик лицейлар ҳамда касб-ҳунар коллежларига жалб этилиши кутилмаганда олдимизга жиддий бир муаммони кўндаланг қилиб қўйди, — дейди мактаб директори Толиба Облоқулова. — Яъни, 9-синфни битирганларнинг ҳаммаси ҳам лицей ёки коллежларга бормай, ўзларини бозорга ёки бошқа пул топиш имкони бўлган масканларга уришди. Бундай болалар сони биргина бизнинг мактабимизда 71 нафарни ташкил этади.

Ҳа, ўтган ўқув йилида ушбу таълим даргоҳининг 9-синфини 171 нафар ўқувчи битириб, уларнинг 100 нафари турли академик лицейлар ва коллежларга жойлашган бўлсалар, 71 нафари ўқимай қўйган.

— Тўғри, биз уларнинг ҳолидан муттасил хабардор бўлиб турибмиз, — деб сўзини давом эттиради директор. — Собиқ ўқувчиларимиздан ҳеч бири ёмон йўлга кирмаган; бири бозорда ёки дўконда савдо-сотиқ билан банд, бири эса новвойхонада касб ўрганаяпти. Яна бири этикдўзга шогирд тушган...

Лекин улар ҳали ўқиши, ўз билим савиясини ошириб, дунёқарашларини кенгайтиришлари керак-ку?! Бунинг ўрнига болакайлар рўзғор ташвишларига қўмилишган— пул топишга киришиб кетишган.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 29 октябрда қабул қилган «Умумий ўрта ва ўрта

Миатто va yechim

махсус касб-ҳунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ушбу муаммонинг ижобий ечимини топиб берди. Энди 9-синфларнинг битирувчилари ўқишни касб-ҳунар коллежларида ёки умумтаълим мактабларининг 10-синфида давом эттиришлари учун барча шароитлар яратилмоқда.

Хўш, ушбу қарор 28-мактабнинг 71 нафар ўқувчиси тақдирига қай даражада таъсир кўрсатмоқда?

— Мактабимиз педагогик жамоаси маҳаллалар фаоллари, прокуратура идоралари ходимлари билан ҳамкорликда қарор ижросини таъминлаш учун жиддий ҳаракат қилмоқда, — дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Ҳалима Хўжаева. — Лекин, ростини айтиш керак, ишт қолипдан кўчиб бўлган экан, болаларни мактабга қайтариш қийин бўлаяпти. Уларнинг руҳиятида мустақил фаолият кўрсатиш, яъни ўз-ўзига хўжайинлик ва ўзинио ўзи таъминлаш туйғулари уйғониб бўлган.

— Аммо улар барибир ўқишлари керак, — суҳбатга қўшилади Ғафур Ғулом номидаги маҳалла кенгаши раиси Мирҳомид Маҳмудов. — Шунинг учун биз туман ҳокимлиги раҳбарлигида тегишли идоралар ходимлари билан ҳамкорликда боласини мактабда ўқишини давом эттиришга қўймаётган ҳар бир ота-она билан жиддий иш олиб бораяпмиз.

9-синфларни битирганлар мактабнинг 10-синфига қайтиши педагогик жамоа учун ҳам бир қатор қийинчиликлар туғдириши, табиий. Бу хил қийинчиликлар Вазирлар Маҳкамасининг юқорида номи тилга олиб ўтилган қарорида ҳам таъкидланган ва уларни бартараф этиш чоралари белгиланган. Гап энди мактаб жамоасининг жонкуярлигида. Жамоа маҳалла фаоллари ҳамкорлигида, маҳаллий ҳокимият кўмагида ўқишини давом эттирмаётган ёшлар тақдири билан жиддий қизиқса, уларни илм олишга ундай олса, болалар, албатта, билимсиз қолмайдилар.

С.ҲУСАИНОВ
Самарқанд вилояти

КАСАБА УЮШМАСИ ФАҚАТ ЁРДАМ БЕРАДИМИ?

Jarayon

Касаба уюшмаси айни кунда таълим-тарбия муассасаларида қандай ишларни амалга ошираяпти? Энг муҳими, аъзолари ўз уюшмалари фаолиятидан мамнунми?...

Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитасида бўлиб, ана шу саволларга жавоб топишга уриндик.

Қўмита ўз тасарруфига 169 та мактаб ва яна 2 та касб-ҳунар коллежларида фаолият кўрсатаётган бошланғич касаба уюшма ташкилотларини бирлаштирган. Айни чоғда қўмитанинг 10662 нафар аъзоси бор.

— Қўмитамизнинг асосий мақсад ва вазифалари аъзоларимизни иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатлардан ҳимоя қилишдир, — дейди мазкур қўмита раиси Абдурайим Ҳайдаволов. — Қўмитамизнинг бурч ва вазифалари фақат шу эмас, албатта. Аъзоларимизнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, уларнинг саломатликларини доимий муҳофаза қилиш, кўнгилли дам олиш ва ҳордиқ чиқариши борасида ҳам қайғуришимиз керак. Асосий ишларимиздан яна бири таълим-тарбия муассасаларимизда олиб борилаётган ўқув-тарбия ишлари самарадорлигини оширишдир.

Шуни таъкидлаш керакки, мазкур касаба уюшма қўмитасида режалар, расмий ҳужжатлар, борингки "қоғоз ишлари" барчаси тартибга солиб қўйилган.

Қўмитага жорий йилнинг ўтган ойлари давомида 30 тадан ошиқ турли мазмундаги ариза ва шикоят, эътирозлар тушган. Уларнинг айримларида ўқитувчилар дарс соатларининг камлигидан шикоят қилган бўлса, айримларида у ёки бу соҳада ёрдам сўраб ёзишган. Бир қисм ариза ва шикоятларнинг мазмунини ўқитувчи ва мактаб раҳбарлари ўртасидаги келишмовчиликлар ташкил этади.

Тумандаги 156-мактабнинг хўжалик ишлари мудири Баҳодир Номозов ўзининг ноҳақ ишдан бўшатилганлиги ҳақида таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман қўмитасига ариза билан мурожаат қилган. Қўмитанинг аралашуви билан Баҳодир Номозовнинг айбсизлиги, мактаб маъмурияти Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунларига зид иш тутганлиги исботланиб, ходим қайта ўз ишига тикланган. Йўл қўйилган моддий зарар айбдорлар ҳисобидан касаба уюшмаси аъзоси Баҳодир Номозовга ундириб берилган.

— Биз иложи борича ариза ва шикоятларни юқори ташкилотларга, суд органларига ўтказмасдан мутасадди раҳбарлар билан келишиб, адолатли тарзда ўзимиз ҳал қилишга уринамиз — дейди Абдурайим Ҳайдаволов. — Мана, яқиндагина ҳам туманимиздаги 2,5, 34-мактаблардан тушган шикоятларни ҳам судга оширмасдан қўмитамиз ижобий ҳал қилди...

Соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спорт ишлари бугунги кунда юртимизда ҳамманинг ишига айланиб бораётир. Бу долзарб оммавий ишдан Чироқчи тумани таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раҳбарияти ҳам четда қолгани йўқ. Қўмитанинг саъй-ҳаракати билан ҳар йили барча таълим-тарбия муассасаларида "Анъанавий спартакиада" номи билан аталувчи катта спорт мусобақаси ўтказиб келинаётир. Ушбу спорт мусобақасида халқ таълими ходимлари спортнинг мини футбол, тош кўтариш, шахмат, шашка, армрестлинг, арқон тортиш каби турлари бўйича ўзаро беллашадилар. Ғолиблар "Анъанавий спартакиада"нинг туман босқичида иштирок этадилар.

— Ўтган ўқув йилида ҳам 14 нафар спортчиларимиз "Анъанавий спартакиада"нинг вилоят босқичида иштирок этишди, — дейди қўмита раиси, — Туманимиздаги 4-мактабнинг муаллимаси Дилфуза Чориева шахмат бўйича мусобақанинг республика босқичигача чиқиб борди...

Ҳар йили ёзги таътил кунларида қўмитанинг саъй-ҳаракати билан туманда фаолият кўрсатаётган таълим ходимларининг 150 нафар фарзандлари вилоятнинг Яккабоғ ва Шаҳрисабз туманларида жойлашган ёзги оромгоҳларда дам олишади. Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида 22 нафар чироқчилик халқ таълими ходимлари республикамиздаги қатор санаторий ва дам олиш масканларида даволаниб, ҳордиқ чиқаришди.

Қўмита ўтган ўқув йилида яна бир савобли ишга қўл урди. Халқ таълими ходимларининг кам таъминланган оилалари фарзандлари учун 250 минг сўмлик дарсликлар бепул тарқатилди. Яна бир ибратли тадбир. Тумандаги 50 та таълим-тарбия муассасаларига биттадан "Ишонч" газетаси бепул обуна қилиб берилди. Айни кунда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси яна кам таъминланган аъзоларининг фарзандлари учун ўқув қуроллари олиб бериш ниятида турибди.

— Туманимиз анчагина катта, касаба уюшмаси аъзоларининг сони ҳам юқори, — дейди қўмита раиси. — Ҳар йили ўртача ҳисобда 100 нафар атрофида аъзоларимиз кексалик нафақаларига чиқишади. Уларнинг ҳар бирига қўлимиздан келганча совғасалом уюштирмасак бўлмайди. Имкониятларимизга қараб иш қилаяпмиз, албатта. Идорамизга моддий ёрдам сўраб келган аъзоларимизни ҳам қуруқ чиқараётганимиз йўқ. Таълим ходимларини Самарқанд, Бухоро, Тошкент каби шаҳарларга бепул саёҳатлар қилдириб келаяпмиз. Наврўз ва Мустақиллик байрамлари олдидан кекса ва ногирон аъзоларимиз ҳолидан хабар олиб турибмиз...

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси ва туман ХТБ ўртасида 2003-2005 йилларга мўлжалланган ҳудудий тармоқ келишуви имзоланган. Унда туман ХТБ ҳам, туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси ҳам ҳамжиҳатликнинг барча йўналишларига эътибор қаратган.

— Ушбу келишувга кўра ҳар 6 ойда бир марта мактаб директорлари ва бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларининг раислари, касаба уюшмаси фаоллари биргаликда умумий йиғилиш ўтказамиз — дейди Чироқчи тумани ХТБ мудири Гулнора Ибодова. — Йиғилишларимизнинг ошкоралик тарзида ўтишига ҳаракат қилаяпмиз. Йиғилишда ХТБ ҳам, касаба уюшмаси қўмитаси ҳам ўтган 6 ой мобайнида бажарган ва ўзаро ҳамкорлик хусусида амалга оширилган режавий ишлар хусусида ҳисобот беради. Таклиф ва мулоҳазалар ўрганилади. Бир сўз билан айтганда, "Ҳудудий тармоқ келишуви" деб номланган келишувимиз таълим-тарбия ишимизда ижобий натижалар бераяпти.

Абдували ОБИДДИН,
"Ma'rifat" мухбири

Aslida biz uchun bu yer Yaqin Sharq emas, aksincha g'arb deyilsa to'g'riroq bo'ladi. Yaqin Sharq iborasi G'arbiy Evropa davlatlariga tegishlidir.

Farang olimi Alfons de Lamartin Amir Temur saltanatidan hayratlanib, "Ovro'po na Iskandarda, na Atillada va na Moskoviyada zafarini quchgan yangi fotih(Napoleon)da adolatli qonunlar asosiga qurilgan bunday boshqaruvni ko'rgan emas!", deb yozgan edi.

ЗЎРАВОНЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Етти нафар Фаластин фуқаролари Исроил полицияси томонидан қўлга олинди. Уларга нисбатан Миср ташқи ишлар вазири Аҳмад Моҳирга бўлган зўравонлик хуружи айбномалари қўйилмоқда. Зўравонлик Исроилнинг Иерусалим шаҳрида амалга оширилган. Бир неча кун аввал Аҳмад Моҳир Иерусалимда жойлашган ал-Акса масжидини зиёрат қилаётган пайтда босқинчиликка учраган. Ушбу жой дунёда мусулмонларнинг энг йирик учинчи қадамжоси ҳисобланади. Зиёрат пайтида бир неча Фаластин фуқаролари унга қараб тошлар улоқтиришган ва мушт кўтаришган. Вазир соқчилари Аҳмад Моҳирни ўраб олишган пайтда унинг юраги ёмон бўлиб, ҳушидан кетиб қолган. Шифохонага олиб келингач, у аста-секин ўзига кела бошлаган.

Аҳмад Моҳирнинг Исроилга бўлган сафаридан асосий мақсад, Исроил давлат раҳбарияти билан музокаралар олиб бориш эди. Бу унинг Исроилга бўлган биринчи ташрифи. Сафар чоғида Миср ташқи ишлар вазири АҚШнинг "Йўл харитаси" дастурини амалга оширишда Миснинг ёрдами ҳақида гаплашиб олган. Суҳбат вақтида вазир Исроил ҳарбийларида мавжуд бўлган ядро ракеталаридан воз кечиш кераклигини таъкидлади. Исроил эса ўз армиясида ядро қуролларининг бор-йўқлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот бермаяпти. Бу ҳақда "ИТАР-ТАСС" ахборот агентлиги хабар берди.

2003 ЙИЛДА 83 ЖУРНАЛИСТ ҚУРБОН БЎЛГАН

2003 йили жаҳонда 83 журналист ҳар хил воқеалар натижасида дунёдан кўз юмган. Уларнинг кўпчилиги дунёдаги қайноқ нуқталарда ҳалок бўлганлар. Бошқа қисми эса коррупция, терроризм, мафиоз кучлар томонидан ўлдирилган. Ушбу кўрсаткич ўтган 2002 йилга қадар 13 кишига кўндир. Бу ҳақда "Халқаро журналистлар федерацияси" маълумот берган. Федерациянинг маълум қилишига қараганда, Ироқдаги ҳарбий операциялар натижасида 18 репортёр ва операторлар ҳалок бўлишган. Журналистларнинг 7 жасади Колумбия ва Филиппинда топилган. Брюсселда жойлашган "Халқаро журналистлар федерацияси" дунё раҳбарларини журналистларга бўлган шафқатсиз муносабатларга йўл қўймасликка чақирмоқдалар, дея хабар беради "ИТАР-ТАСС" ахборот агентлиги.

ВЛАДИМИР ПУТИН ПРЕЗИДЕНТЛИК САЙЛОВЛАРИГА ТАЙЁР

Россиянинг амалдаги президенти Владимир Путин ўзининг ташаббус гуруҳи томонидан йиғилган ҳужжатларни марказий сайлов комиссиясига тақдим этди. Ушбу ва бошқа ҳужжатларни топшириш учун президент ҳафтанинг бошида шахсан Россия давлат сайлов комиссиясига келган. Маълумотларни ундан комиссия аъзоси, ҳужжатлар қабул қилиш гуруҳи раиси Ольга Застрожная қабул қилди. Марказий сайлов комиссияси ушбу маълумотларни текширгандан сўнг ўз қарорини чиқаради ва рўйхатга олади. Қарор қабул қилингандан сўнг Владимир Путин имзо йиғишни бошлайди. Имзолар 2 млн. киши томонидан қўйилган бўлиши керак, деб хабар беради РИА "Новости".

МЕКСИКАДА АВТОҲАЛОКАТ

Мексиканинг Идальго штатида кучли автоҳалокат содир бўлди. Бунда поезд ва автобус тўқнашиб кетган. Полиция маҳкамасининг хабар беришича, ҳалокат натижасида 2 киши дунёдан кўз юмган ва 30 дан ортиқ киши оғир тан жароҳатлари олишган.

Мудҳиш ҳодиса Мехико шаҳридан 40 км масофада бўлган темир йўл тўшиш жойида юзага келган. Поезд ўз йўлида қолиб кетган автобусни уриб, бир неча метрларга улоқтириб ташлаган. Жабр кўрганлар маҳаллий шифохоналарга ётқизилган, деб хабар берди ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги.

СУД ҚАРОРИГА МУВОФИҚ

АҚШнинг федерал суди ҳафтанинг бошида қарор чиқарди. Унга кўра АҚШ ҳарбий зобитлари мажбурий ҳолда эмлашдан ўтмасликлари мумкин. Сибирь куйдиргисига қарши ҳарбийларни Пентагон оммавий эмлашни режалаштирган эди. Гап шундаки, ҳозирча вакциналар тўлалигича синовлардан ўтмаган.

Судья Эммет Салливан: "АҚШ зобитлари ҳар куни ўз жонларини Ватан учун хавф остига қўйишади. Шундай экан, уларни лаборатория қуёнларига айлантириш ҳақоратлидир", деб таъкидлади ўз қарорида. Шундай қилиб, вакцина президент фармонисиз зўрлаб қилинмайдиган бўлди. Бу ҳақда "АР" агентлиги хабар берди.

МАЙК ТАЙСОН РАҚИБЛАРИ

"Темир" Майк Тайсон 2004 йилдаги рақиблари ҳақида маълумот берди. Келаси йилги рақиблар ичида Жон Мези ва Рой Жонс бўлиши "темир" Майкнинг режасига киритилган. Ҳаммаси бўлиб Тайсон уч жанг ўтказмоқчи.

Жаҳоннинг экс чемпиони охирги 18 ой ичида фақатгина бир маротаба рингга тушган. 37 ёшли Тайсон боксни тарк этгани ҳақида хабар берганди. Эндиликда у жангларни давом эттиришини билдирди. Бунга сабаб, Майк Тайсоннинг ниҳоятда моддий ва иқтисодий қийинчиликка тушиб қолгани.

Жон Мезининг мураббийларидан бири ҳозирдан ушбу жангга розилигини билдирди. Аммо унинг бир шарти бор. Жанг Буффало шаҳрида бўлиб ўтиши керак. Бундан мақсад, иложи борича кўпроқ томошабин йиғиш, деб изоҳ берди мураббий. Бу ҳақда "The Sun" газетаси ахборот тарқатди.

Интернет хабарлари асосида
Сарвар ФАЙЗУЛЛАЕВ тайёрлади.

Муҳтарама
Зайнаб ЖУМАЕВА!

Сизни яқинлашиб келаётган 1 январь куни 50 ёшга тўлишингиз муносабати билан чин дилдан, самимий қутлаймиз. Машаққатли ва фахрли фаолиятингизга улкан зафарлар тилаймиз. Ҳамиша сиз меҳнат қилаётган Самарқанд вилояти Нарпай туманига қарашли 33-ўрта мактабнинг фаол, жонкуяр ўқитувчилари сафидан жой олиб юришингизни истаймиз.

Ҳурмат ва эҳтиром ила мактаб жамоаси ва оила аъзоларингиз.

Математика факультетини аъло баҳоларга тугатган ва яна илмий иш қилишни хоҳловчилар учун танлов
Т. 54-88-15 уй
код: 8.3712-189-88-15
Медиклар, табиблар, иглотерапия билан шуғулланувчилар учун фойдали таклиф:
54-88-15 189-88-15

Dunyo mamlakatlari

ИСРОИЛ





Бугун дунёнинг энг зиддиятли нуқталаридан бири Исроил ҳудудидир. У давлат сифатида вужудга келган вақтдан бошлаб Фаластин мухторияти билан урушишдан "боши чиқмаяпти". Бу урушга нуқта қўйиш учун анчагина саъй-ҳаракатлар қилинди. Аммо уринишлар фойда бермади. Исроил — Фаластин масалалари ҳақида, Исроил давлати ҳақида мулоҳаза юритамиз.

Исроил давлати Осиёнинг ғарбий қисмида, Ўрта денгиз бўйида жойлашган давлат. Ҳозирда кўпчилик Исроил давлати ва Фаластин мухторияти ўртасидаги зиддиятни гапираётганда, Яқин Шарқда можаролар, дея гап бошлайди. Аслида биз учун бу ер Яқин Шарқ эмас, аксинча ғарб дейилса тўғрироқ бўлади. Яқин Шарқ ибораси Ғарбий Европа давлатларига тегишлидир. Шунинг учун биз ҳам Яқин Шарқ деб нотўғри гапирамиз. Исроилнинг майдони 14,1 минг км² (БМТ Бош Ассамблеясининг 1947 йил 29 ноябрдаги қарори билан белгиланган ҳудуд). Аҳолиси 6,4 миллион (2003 йил БМТ маълумоти). Асосий иқтисодий ва маданий маркази — Тель-Авив шаҳри. БМТнинг 1947 йилдаги қарорига зид равишда Исроил ҳукумати 1950 йилда Қуддус шаҳрининг ғарбий қисмини давлат пойтахти деб эълон қилди. 1980 йил 30 июлда Қуддус Исроилнинг "абадий ва бўлинмас" пойтахти деб эълон қилинди. Исроил маъмурий жиҳатдан 6 округга бўлинади.

Исроил давлати 1991 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини тан олди. 1992 йил 22 февралда эса иккала давлат дипломатик муносабатларни ўрнатди.

Шундан сўнг иккала мамлакат ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар учун ҳуқуқий негиз яратишга киришилди. 1994 йилдан инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш ҳаво қатнови, автотранспорт ва сайёҳликни ривожлантириш хусусида битимлар имзоланди. 1997 йил апрелда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг Исроилга расмий ташрифи чоғида маданият, фан ва маориф соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида битим тузилди.

1998 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Исроилга ташрифи давомида ҳамкорликнинг турли жиҳатларига оид 8 та шартнома имзоланди. Ҳукуматлараро ўзбек-исроил савдо иқтисодий комиссияси иш бошлади. Икки мамлакат ўртасидаги товар айланмаси 2000 йилда 27,1 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Исроил дастлабки йилларда Ўзбекистондан асосан, қимматбаҳо тошлар, пахта, кигиз харид қилган бўлса, кейинчалик уларнинг ёнига пахта толаси ва газлама, кимёвий маҳсулотлар ҳам қўшилди. Ўзбекистон эса ундан механик ва электр асбоб-ускуналар, қора металл, пластмасса ва улардан ясалган буюмлар, оптика аппаратлари, қандолат маҳсулотлари, кофе, чой, гўшт ва балиқ маҳсулотлари, спорт анжомлари, дори-дармон, ўйинчоқлар харид қилади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида Исроил фирма ва компаниялари билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Жумладан, 1994 йилдан буён Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманининг Аҳмад Яссавий номидаги хўжалигида 46 гектар ерда томчилатиб суғориш усулининг жорий этилиши сабзавот ва картошка ҳосилдорлигини 3 баробар оширди. Оққўрғон туманидаги "Оққўрғон" хўжалигида қурилган кичик сут заводи 9 хил маҳсулот беради. Ем-хашак цехи ва 2 та хусусий чорвачилик фермаси қуриб ишга туширилди, улар учун зарур асбоб-ускуналар келтирилди. 1998 йил июнида Тошкент вилояти Қибрай туманида сутни қайта ишлаб, турли маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ўзбек-исроил-америка "Турон-97" қўшма корхонаси ишга туширилди. Исроилнинг "Зераим Гедера" ва "Нетафим" компаниялари билан ҳамкорликда Исроил пахта навларини етиштиришга киришилди. Ўзбекистоннинг бир қанча туманларида Исроилнинг "Марав" фирмаси асбоб-ускуналари асосида 15 та кичик сут заводи қуриш ишлари бошлаб юборилган. Уларнинг ҳар бири 2 минг литр сутни қайта ишлайди. Қурилиш маблағини Исроил банклари беради.

Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ва Исроилнинг "Пластро Технологик" фирмаси томонидан тузилган "Санипласт" Ўзбекистон-Исроил қўшма корхонаси турли экинларни, жумладан, ғўзани суғоришда тежамли технологияларни жорий этиш ва ривожлантириш билан шуғулланади. Ҳозирда почта ва телекоммуникация тармоғида ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилган. 1997 йил мартда "И Си Ай Телеком" компанияси билан тузилган шартномага мувофиқ, ер суньий йўлдошлари орқали ишлайдиган телефон станцияси Тошкент телефон-телеграф станцияси учун келтириб ўрнатилди.

Ўзбекистонда Исроил саймояси иштирокида 45 та корхона рўйхатга олинган.

Исроил давлатида ягона конституция йўқ. Унинг ўрнини босувчи бир қанча қонунлар бор. Энг муҳимлари, Қонун чиқарувчи ва ижрочи идораларни ташкил этиш тўғрисида 1998 йилги Маъмурий фармон, 1949 йилги Муваққат қонун, қайтиб келиш тўғрисида 1950 йилги қонун, Фуқаролик ҳақида 1952 йилги қонун, Кнессет тўғрисида 1958 йилги қонун асосий қонунлар ҳисобланади.

Давлат бошлиғи — президент (2000 йилдан Мошл Кацав), у кнессет (бир палатали парламент) томонидан 7 йил муддатга сайланади, 2-муддатга қайта сайланиш ҳуқуқига эга эмас. Қонун чиқарувчи ҳокимият-кнессет, унинг 120 депутати умумий тўғри яширин овоз бериш йўли билан 4 йил муддатга сайланади. Ижроия ҳокимиятни ҳукумат амалга оширади, ҳукумат кнессет томонидан тасдиқланади.

Исроил аҳолисининг 82 фоизи яҳудийлар, 16 фоизи араблар, қолган қисми арманлардир. Исроил яҳудийларининг ярмидан кўпроғи бошқа мамлакатлардан келган муҳожирлардир. Расмий тил — иврит ва араб тиллари. Кўпчилик аҳоли яҳудийлик, қолганлари мусулмон ва христиан динида. Аҳолининг 90 фоизи шаҳар ва шаҳарчаларда яшайди. Йирик шаҳарлари: Тель-Авив, Хайфо, Қуддус (ғарбий қисми), Рамат-Ган.

Асосий сиёсий партиялари: "Авода" ("Меҳнат") социалистик партияси 1973 йилда тузилган, "Ликуд" ("Иттифоқ") партияси 1973 йилда ташкил этилган, ШАС диний партияси 1948 йилда тузилган, "Мафдол" миллий-диний партияси 1956 йилда ташкил этилган, Араб демократик партияси 1998 йилда тузилган, "Исраэль ба-Алия" ("Исроил юксалишда") партиясига 1996 йилда асос солинган. Булардан ташқари ҳам бир қанча сиёсий партиялар фаолият юритади.

Исроилда яҳудийлар ва араблар учун алоҳида-алоҳида мактаблар бор. Давлат мактабларидан ташқари хусусий ўқув юртлари ҳам бўлиб, уларнинг бир қисми диний ташкилотлар маблағи ҳисобига ишлайди. 1969 йилдан 5 ёшдан 15 ёшгача болалар учун 10 йиллик мажбурий таълим жорий этилган.

Бошланғич мактабда ўқиш муддати 6 йил, Ўрта мактаб-6 йиллик (3 йиллик қуйи ва 3 йиллик юқори мактаб). Исроилда 5 университет ва 17 институт бор. Энг йириклари; Қуддусдаги яҳудий университети (1918 йил асос солинган), Тель-Авив университети (1953 йил), Хайфодаги университет ва Технология институти ("Техникон", 1912). Энг йирик кутубхонаси Яҳудий миллий кутубхонасидир.

Исроилда 400 дан ортиқ газета ва журналлар нашр этилади. Йириклари: "Гаарец" ("Мамлакат", кундалик газета, 1918 йилдан чиқа бошлаган), "Гамодия" ("Хабарчи", кундалик газета, 1950 йилдан), "Гацофе" ("Шарҳчи", кундалик газета, 1938 йилдан"), "Едиот ахронот" ("Сўнгги янгиликлар", кундалик кечки газета, 1939 йилдан), "Маорив" ("Оқшом", кундалик кечки газета, 1948 йилдан). Иврит тилида чиқадиган юқоридаги газеталардан ташқари инглиз тилида кундалик "Дтерузалим пост" ("Қуддус почтаси", 1932 йилдан) ва араб тилида "Ал-Иттиқод" ("Иттифоқ", 1944 йилдан) газеталари нашр этилади. Қуддусда Исроил телеграф агентлиги ва Тель-Авивда Исроил ахборот агентлиги ишлайди. Исроил радио эшиттириш бошқармаси ҳукумат хизмати бўлиб, радио, телевиденіени бошқаради, 1948 йилда ташкил этилган.

Исроил ривожланган индустриал-аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 21 фоиз, қишлоқ хўжалиги улуши 3 фоизни ташкил этади.

Исроил иқтисодиётида ҳарбий саноат асосий ўринни эгаллайди, у ташқи молиявий манбаларга, айниқса АҚШ ва Европа Иттифоқи ёрдамига жуда қарам. Исроил саноати илм-фан ютуқларига асосланган тармоқлар — тиббий электроника, алоқа воситалари, компьютерлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Асосий саноат марказлари — Тель Авив, Хайфодир.

Шерзод АҲМАТОВ тайёрлади.

ЎЗБЕКИСТОН—ФРАНЦИЯ:

ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Xalqaro hamkorlik

Ўзбекистоннинг нуфузи бугун халқаро миқёсда ошиб бормоқда. Унинг бугунги ҳаёти, халқимизнинг турмуш тарзи, илм-фан ва маданияти, миллий анъаналарига қизиқиш тобора юксалмоқда. Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатида дўстлик, ҳамкорлик ва тенг манфаатли шериклик каби тамойилларга асосланади. Дунё мамлакатлари билан алоқани мустаҳкамлаб, улар билан дўстона муносабатларни олиб бормоқда. Биз бу ўринда Ўзбекистон — Франция муносабатларига кенгроқ тўхталиб ўтмоқчимиз.

Фаранг олими Алфонс де Ламартин Амир Темур салтанатидан ҳайратланиб, "Оврўпо на Искандарда, на Атиллада ва на Московияда зафарини қучган янги фотиҳ(Наполеон)да адолатли қонунлар асосига қурилган бундай бошқарувни кўрган эмас!", деб ёзган эди.

Ўз навбатида соҳибқирон Амир Темур Франция қироли Карл IV га йўллаган мактубларидан бирида: "... Сизнинг ва бизнинг одамларимиз бу икки эътиборли мамлакат ўртасида ўзаро боришкелиш қилсинлар, токи сизнинг ва бизнинг улуғворлигимиз ҳамма ерда мақтовга лойиқ бўлсин", — деб ёзади.

Дарҳақиқат, тарихсиз келажак йўқ, деганларидек, бу икки мамлакат алоқаларининг ривожига тарих воқеалари ҳам сабабчидир. Истиқлолнинг илк кунлариданоқ Ўзбекистон Европа давлатларига, айниқса Францияга ўзининг катта эътиборини қаратди. 1993 йил 28—30 октябрь кунлари Ўзбекистон делегациясининг Франция расмий ташрифи икки давлат ўртасидаги ҳамкорликка асос солди. Президент И.Каримов Франция Президенти Ф.Миттеран, Франциянинг бошқа раҳбарлари ҳамда жамоатчилик вакиллари билан дўстона суҳбат ва самарали музокаралар олиб борди. Ф.Миттеран қабул маросимида нутқ сўзлаб: "Ҳозирги сиёсий вазиятда Марказий Осиёда етакчи ўринни эгаллаб турган мустақил Ўзбекистон Шарқ ва Ғарб ўртасида ишончли кўприк бўлиши мумкин. Кўп асрлик тарих, теран анъаналарга эга бўлган, инсониятнинг фахрига айланган алломаларни етказиб берган Ўзбекистон доимо французларнинг диққатини тортиб келган", —деди. Ўзбекистонга берилган бундай баҳо йиллар давомида ўз кучини кўрсатди.

Бу воқеалардан бир йил ўтгач, 1994 йил апрелда Ф.Миттеран Ўзбекистонга ташриф буюрди. Бундай ташрифлар икки давлат ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий, ҳарбий алоқаларнинг ривожига кенг йўл очиб берди. 1996 йил апрелда И.Каримов Францияга иккинчи бор ташриф буюриб, Франциянинг янги президенти Ж.Ширак билан учрашди. Бу учрашув ЮНЕСКО ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил қилиниб, А.Темурнинг 660 йиллигига бағишланди. Бунда кўргазма ташкил этилиб, бу кўргазма "Амир Темур даврида илм-фан ва маданият" деб номланди. Бундай тадбирлар икки мамлакатнинг маданий алоқаларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Республикалар ўртасида иқтисодий алоқаларни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Миллий банки билан Франциядаги "Креди коммерсиал де Франс" банки ўртасида битим имзоланди, унда Бухорода нефтни қайта ишлаш заводи қуриш лойиҳасини сармоя билан таъминлаш кўзда тутилди. Ва завод қурилишида банк ўзининг маблағлари билан беминнат ҳисса қўшди.

Ўзбекистон билан ҳамкорлик борасида Франциянинг жануби-шарқида жойлашган Рон—Альп иқтисодий минтақаси муҳим рол ўйнади. Мамлакатимиз раҳбари И.Каримов республикамиз билан Франция ўртасидаги иқтисодий алоқаларни "Технологиялар — сиздан, ресурслар — биздан" принципи асосида ривожлантириш зарурлигини айтди.

Ўзбекистон ва Франция ўртасида фуқароларнинг эркин ҳаракати ҳақидаги, шунингдек, ҳаво транспорти соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар, декларациялар қўшилди. Яна қизиқарли томони шундаки, бу икки республиканинг сиёсий тизимлари ҳам тарихан бир-бирига жуда ўхшаш.

50-йилларда Францияда мамлакатнинг барқарорлигини таъминлаш ва ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни ўтказувчи кучли ижроия ҳокимиятига зарурат бор эди. Бу ҳукумат Шарль де Голл бошчилигида 1958 йилга келиб тузилди ва у жамиятда туб демократик ислоҳотларни амалга оширишга муваффақ бўлди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Франциянинг жадал ривожланишида хорижий капиталнинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлди. Ўзбекистонда ҳам хорижий сармояларнинг ҳажми йилдан-йилга ошиб бораётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Францияда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам Президент кенг ваколатларга эга. Мураккаб сиёсий-иқтисодий шароитда айнан кучли президентлик бошқаруви юксак самара беришини француз тажрибаси яққол тасдиқлайди. Мамлакатимизда ҳам Президент ҳокимияти тинчлик ва барқарорликни сақлаш кафолати, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик шарти, демократик жамият қуриш мақсадида ўтказиладиган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар ташаббускори ва ташкилотчисига айланди.

Демак, бу икки республиканинг яқинлашишига нафақат уларнинг ўзаро алоқалари, балки сиёсий тизимлар ривожининг бир-бирига жуда ўхшашлиги ҳам ёрдам беради. Президент Ислом Каримов Францияни "инсоният руҳи улуғворлиги ва ақл зиёси рамзи", деб атади.

Дарҳақиқат, икки республиканинг ўзаро алоқалари, уларнинг дўстлиги кундан-кунга юксак чўққиларга кўтарилмоқда.

Шаҳноза АТОЕВА,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети аспиранти

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Самарқанд вилоят филиали Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ва "Камолот" ЁИҲ Боғишамол тумани кенгашининг ташаббуси билан Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ёпиқ теннис кортида 1983-1993 йилларда туғилган йигит-қизлар ўртасида "Анъанавий Карате-до" бўйича шаҳар очиқ биринчилиги

«АНЪАНАВИЙ КАРАТЕ-ДО»

бўлиб ўтди. Мусобақада республикамизнинг Қашқадарё, Жиззах вилоятлари, Тошкент шаҳри, вилоятнинг Тойлоқ, Пайариқ, Самарқанд тумани ва Самарқанд шаҳридан 100 дан ортиқ каратэчилар қатнашишди. Беллашувлар қизиқарли ва муросасиз ўтди.

Ғолиб ва совриндорларга Боғишамол тумани "Камолот" ЁИҲнинг эсдалик совғалари топширилди.

«ҚУВНОҚ СТАРТЛАР»

Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактаби спорт залида вилоят телевизион "Қувноқ стартлар" минтақавий мусобақасининг 4-гуруҳ ўйинлари бўлиб ўтди.

Мусобақада Окдарё туманидаги 2-мактабнинг "Лочин" ҳамда Пастдарғом туманидаги 105-мактаб "Умид" жамоалари ўзаро баҳслашдилар. "Умид" жамоаси ўқувчилари мусобақа давомида рақибларидан анча пухта ҳозирлик кўрганликларини намойиш этиб "Ўзингни кўрсат", "Жуфт бўлиб тўп узатиш", "Қирқ тош", "Арқон тортиш" эстафета ўйинларида ғолиб чиқиб, умумий ҳисоб бўйича 20:14 ҳисобида финал босқичи ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

* * *

Худди шундай мусобақанинг 5-гуруҳ ўйинлари Каттақўрғон туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактаби спорт залида бўлиб ўтди.

Мусобақада Иштихон туманидаги 17-мактаб ҳамда Каттақўрғон туманидаги 17-мактаб жамоалари ўзаро учрашдилар.

Қизиқарли кечган ўйинда Иштихон тумани ўқувчилари 20:14 ҳисобида ғолиб чиқиб, вилоят финал босқичи ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Каттақўрғон шаҳридаги 11-мактабда эса вилоят телевизион "Қувноқ стартлар" мусобақасининг 6-гуруҳидаги жамоалар ўртасида ўйинлар ўтказилди.

Байрамона безатилган спорт саройида Нарпай туманидаги 30-мактаб, Пахтачи туманидаги 22-мактаб ҳамда Каттақўрғон шаҳридаги 11-мактаб ўқувчилари ўзаро бирлашиб, ўзларининг эпчил-чаққонликларини мусобақа давомида кўрсатдилар.

Мусобақа якунига кўра, Каттақўрғон шаҳри 11-мактаб ўқувчилари 25 очко жамғариб, навбатдаги босқич ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Пахтачи тумани ўқувчилари 13 очко тўплаб иккинчи ўринни, Нарпай тумани ўқувчилари II очко билан учинчи ўринни эгаллашди.

Шу тарзда вилоят минтақавий босқичи ўйинлари ўз ниҳоясига етди.

М.АҲМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ, АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"Маънавият" нашриёти фанларни тўлақонли ўқитишда яқиндан ёрдам берадиган қуйидаги ўқув плакатларини нашр этмоқда:

➢ ОНА ТИЛИ. 20 кўринишда, рангли, бичими 60×84 см. Осиб қўйиш учун қулай мослама қилинган. Бир комплектнинг баҳоси 10350 сўм.

➢ ЗООЛОГИЯ. 20 кўринишда, рангли, бичими 60×84 см. Осиб қўйиш учун қулай мослама қилинган. Бир комплектнинг баҳоси 10350 сўм.

➢ АЛГЕБРА. 20 кўринишда, рангли, бичими 60×84 см. Осиб қўйиш учун қулай мослама қилинган. Бир комплектнинг баҳоси 10350 сўм.

➢ ФИЗИКА. 20 кўринишда, рангли, бичими 60×84 см. Осиб қўйиш учун қулай мослама қилинган. Бир комплектнинг баҳоси 10350 сўм.

➢ ГЕОМЕТРИЯ. 20 кўринишда, рангли, бичими 60×84 см. Осиб қўйиш учун қулай мослама қилинган. Бир комплектнинг баҳоси 10350 сўм.

➢ ИНФОРМАТИКА. 20 кўринишда, рангли, бичими 60×84 см. Осиб қўйиш учун қулай мослама қилинган. Бир комплектнинг баҳоси 5175 сўм.

Ушбу ўқув плакатларини пул ўтказиш ёки нақд пулга харид қилишингиз мумкин.

Манзил: Буюк Турон, 41. "Маънавият" нашриёти.
Телефонлар: 136-58-99, 136-58-41, 41-53-01, 136-10-68.

Marvaridday ellar ko'p, ular ichra durdona, O'zbekiston bittadir, O'zbekiston yagona!

Agar ularni qoniqtirsa, nega ular qo'shimcha dars olib, alohida o'qituvchi bilan shug'ullanadilar? Yoki maktab dasturlari o'ta murakkabmi? Ular alohida tushunchani, qo'shimcha darsni talab qiladimi?

Ko'ngil bitiklari



ЮРТИМ МАДҲИ

Водийлари заб сўлим, нақ жаннатнинг бўлаги,
Шаҳри Шарққа дарвоза ё дунёга сайқалдир.
Бу шундайин гўзал юрт — Осиёнинг юраги,
Кўрмаганлар армонда, келган яна маҳталдир.
Марвариддай эллар кўп, улар ичра дурдона,
Ўзбекистон биттадир, Ўзбекистон ягона!

Одамлари хўб фозил — интилгандир азалдан
Эзгупарвар салафи Зардушт каби зиёга.
Навоийдай мўъжиза яратгандир ғазалдан,
Фарғонийдай бўй чўзиб қўл узатган самога.
Марвариддай эллар кўп, улар ичра дурдона,
Ўзбекистон биттадир, Ўзбекистон ягона!

Сарҳад билмас юртимнинг меҳри-оҳанрабоси,
Йироқлардан Фурқати йўллар соғинчли салом.
"Анда жоним қолди" дер зор Бобур илтижоси,
Макка-ю Мадинадан қайтар Бухорий бобом.
Марвариддай эллар кўп, улар ичра дурдона,
Ўзбекистон биттадир, Ўзбекистон ягона!

Жамолига термулди ёвлар ҳам кўз узмайин...
Жанг кунида Кубролар Ватан учун берди жон.
Мардлигу жасоратга ажру мукофот тайин,
Манглайида ой кулиб туғилди Соҳибқирон.
Марвариддай эллар кўп, улар ичра дурдона,
Ўзбекистон биттадир, Ўзбекистон ягона!

Бугун бўлди ижобат халқим асрий орзуси,
Ўзбегим осмонида порлар ҳурлик офтоби.
Энди юртим юксалиш пойгасида ўзгуси,
Зар ҳарфларда ёзилар Истиқлолнинг китоби.
Марвариддай эллар кўп, улар ичра дурдона,
Ўзбекистон биттадир, Ўзбекистон ягона!

КУНҒИРОҚ ЧАЛИНГУНЧА

Дам олиш саҳифаси

ТУМОР

Туморимсан ҳар қачон,
Тош устида унган гул.

Қайсин ҚУЛИЕВ

Кўнгил гулдан нозик, қаттиқдир тошдан!
Гоҳо битта сўздан синади чил-чил.
Гоҳо дунё дарди айлансин бошдан,
Яшнаб очилади мисли нафис гул.

Гапни чувалатмай бошлаб узоқдан,
Ўзимни неча бор ўлдирди сўзлар.
Гул томонга омон ўтсам тузоқдан,
Юз тубан йиқитди ҳасадчи кўзлар.

Шунда умид, ишонч ўстирди кўнглим,
Эрта улғайтирди ташвишлар, дардлар.
Оққўнгил кишилар кўрсатди йўлим,
Чўнг елкасин тутиб суяди мардлар.

Тошдаги ўша гул ҳамон туморим,
Қиш-у ёз демасдан яшаб турар ул.
Турмуш тошдан қаттиқ, етар мадорим,
Бир куни қошида бўлурман булбул!

***

Агарда ботқоқдан қамиш юлсангиз,
Дунёга дардини куйлар бўлиб най.
Саксовулни чўлдан жудо қилсангиз,
Чидолмай лошини оловга отгай.

Жуфтини йўқотса, сарлочин дарҳол
Кўкка учиб ўзин қояга урар.
Муштдай кампирининг азасида чол,
Асога таяниб гулимлаб турар.

Мен эса айрилдим навқирон ёшда,
Мисли парипайкар гулгун ёримдан.
Не учун шундайин кўргилик бошда,
Ўтлар чиқмасинми оху зоримдан!?

Энди най тасалло беролмас дилга,
Ўзни ўтга отсам куймасман асло.
Қояга бош қўйсам айланар кулга,
Наҳот бўзлагайман тутгунча асо!

ЧЎҚҚИ

Жомалунгма — дунёнинг томи,
Эверестдир иккинчи номи.

Тик чўққидир илғар ўй-нигоҳ,
Тепасида осмон ва Оллоҳ.

Қушлар учса музлар қаноти,
Одам чиқса хавфда ҳаёти.

Турса ҳамки жуда пурвиқор,
Одамзодга айтар дарди бор.

У ҳам эмас бутун, мукаммал,
Бир ёни Чин, бир ёни Непал.

Кўриб турар ҳар ён чегара,
Давлатлар кўп, кўпдир депара.

Сув бўлинган, саҳро бўлинган,
Муз бўлинган, ҳаво бўлинган.

Эл бўлинган, инсон бўлинган,
Ҳақ бўлинган, имон бўлинган...

Бор бўйини қоплар хавотир,
Қиёматни эслаб титрар дир.

Не бўлгандир инсон наслига,
Қадам қўйди қайси фаслига?

Чўққи яна унсиз чекар оҳ,
Одамзодни этолмай огоҳ.

Мен "Қуръон"дан нажот излайман,
Ва чўққининг дардин илғайман.

Эй, одамзод, яшасак инок,
Қиёмат кун йирокдан йироқ!

Асрор МЎМИН

ЎЙИН ҚИЗИҚМИ, ДАРС?..

Fikr

ёхуд РЕПЕТИТОР МУАММОНИНГ ЕЧИМИМИ?

«Репетитор». Бу сўзни битирувчи синф ўқувчилари, уларнинг ота-оналари деярли ҳар кун эшитадилар. Мактаб ўқувчиларидан «мактабдаги дарс бериш усуллари, воситалари қониқтираяптими?», деб сўрасангиз, «ҳа, қониқтиради» дейишади.

Агар уларни қониқтирса, нега улар қўшимча дарс олиб, алоҳида ўқитувчи билан шуғулланадилар? Ёки мактаб дастурлари ўта мураккабми? Улар алоҳида тушунчани, қўшимча дарсни талаб қиладими? Болаларга ота-онаси кийим-бош, ейиш-ичишининг устига яна боласи учун ўқитувчига ҳам пул тўласа, унда ўқувчи мактабга нима учун боради? Яна денг, бу қўшимча дарсларнинг (репетиторларнинг) фанига ва соатига қараб белгиланган қиймати бор. Айтайлик, 1 соат инглиз тили фанидан ўртача нархи 500 дан 3000 сўмгача, ўзбек тили фанидан 300 дан 1000 сўмгача, муҳим бўлган фанлар ҳам шунга ўхшаш. Ҳозирги ўқувчиларга нима етишмаяпти? Вақтми? Унда ҳар хил компьютер ўйинларию кўча безорилигига вақт топилади-ку?! Бунинг устига агар ўқийман деса, ота-онаси уларни кундалик ишлари билан банд қилиб қўймайди. Шунга қарамасдан қўшимча шуғулланишга, китоб ўқишга вақт топилмасмиш. Уларни ўқитувчи бераётган билими қониқтирмасмиш, дарсликлар қийин бўлиб, дарсларни ўзлаштиролмасмиш. Китоб ўқишга келганда, вақт топилмасдан, ўқитувчи ёллашга мажбур бўлармиш. Агар сиз уларга «қайси бадиий китобни ўқигансиз?» деган саволни берсангиз, индамай қоладилар.

Ёшларни ҳадеб танқид қилишдан бирор-бир наф чиқмаса керак. Шу ерда ўзўзидан «Мактаблардаги аҳвол қандай?» деган савол туғилади. Айримлари кишини қувонтиради, айрим мактабларнинг аҳволи ачинарли. Ўқитувчиларнинг ўқувчиларга қанчалик маҳорат билан дарс бераётганини синамоқчи бўлсангиз, қайси мактаб ўқувчилари репетиторда кўп ўқишса, демак, ўша мактабда дарс бериш суст деб билаверинг. Қайси мактабда қўшимча ўқитувчига қатновчи ёшлар кам бўлса, у мактабда дарс бериш яхши, қониқарли, деган фикрга борасиз.

Яқинда йўл-йўлакай бир бола билан гаплашиб қолдим. Ундан қизиқиб сўрадим:

— Нечанчи синфда ўқийсан?

— 5-синфда.

— Ҳа, дарс тугадими?

— Йўқ. Қочдим.

— Нимага?

У менга компьютер ўйинлари ўйнайдиган жойни кўрсатиб «ҳозир «Sony» очилади, жой олишим керак», деди.

Қўшимча ўқитувчига зарурат аслида ана шундай беҳуда кетган вақт эвазигадир. Кимдир юқоридагидай «Sony»ни афзал кўради. Кимдир бозорга чиқади, кимдир машина ювади, кимдир шунчаки ўқишга қизиқмайди. Бунга маълум маънода ота-оналар ҳам айбдор. Чунки фарзандининг вақтини тўғри тақсимлашига улар ҳам масъул. Қолаверса, ўқитувчилар ҳам фақат дастур доирасида таълим беришмасдан, ўз ишларига ижодий ёндашсалар, болаларни ўз фанига қизиқтира олса, улар дарсдан кўра турли хил ўйинларни афзал кўришмасди. Ана ўшанда қўшимча ўқишга эҳтиёж бўлмас, ота-оналарга ортиқча ташвиш келтирмасди. Ҳамма нарса вақтида бўлгани яхши, дарсга бориш, уни ўзлаштириш ҳам, дарсдан кейин кутубхоналарда шуғулланиш ҳам ёки бадиий китоб ўқиш ҳам. Бунда биринчи навбатда ўқувчи, ота-она ва ўқитувчи масъулиятни ҳис қилиши керак.

Марҳабо МУҲАММАДИЕВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети 2-курс талабаси

Xullas...

ОҚҚУШЛАР МУҲАББАТИ

Паррандаю дарандаларни онгсиз деб ҳисобласак-да, энг олий туйғу — муҳаббатга улар ҳам ошно бўлишларига тан бермай иложимиз йўқ. Увелька дарёсида пайдо бўлган бир жуфт оққушнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб турган Троицк аҳолиси шу фикрга иқрор бўлди.

Қушлар дарёда сузишар, ризқ ахтаришар ва бир-бирларига шу қадар суйкалишардики, гўёки иккисидан бошқа ҳеч ким йўқдек эди. Урал давлат академияси тасарруфидаги ветеринария маркази мутахассисларининг фикрига кўра, Марусянинг қанотлари қайрилиб шикастланган. Жуфти Паша гарчанд узоқ-узоқларга учиб кетишни хоҳласада, "маъшуқаси"ни шу аҳволда қолдиришни ўзига эп кўрмаяпти. Марусянинг қанотлари тузалгач, улар биргаликда учишади. Иссиқ мамлакатларда, бу оппоқ жуфтлик роҳат-фароғатда умр кечиришса, ажаб эмас.

Оққушлар "муҳаббати"га гувоҳ бўлган кишилар уларни бешафқат шахслардан ҳимоялаш учун навбатчилик қилишмоқда.

МЎЙЛОВ-ДОРЛАР МУСОБАҚАСИ

Американинг Сарсон-Сити шаҳарчасида ҳар йилнинг охирида ўтказиладиган ажойиб-ғаройиб мусобақа бор. Соқол ва мўйлов қўйган кишилар бу мусобақада иштирок этишиб, катта совринни қўлга киритиши мумкин.

Бу йилги мусобақада Германия соқолдорлар клуби аъзоси Карл Хайнц Хиллега омад кулиб боқди. У 130 нафар соқолдор ва мўйловдорлар орасида ўзининг хушбичимлиги, кўркамлиги ва жозибадорлиги билан ҳакамлар ҳайъатини лол қолдирди. Ажабланарлиси, унинг мўйловлари шу қадар жингалак эдики, бошқа иштирокчилар у буни қандай амалга оширганини билолмай лол эдилар.

"Мўйловларимни жингалак қилиш учун ўнлаб узук ва билакузуклардан фойдаландим. Кечаси билан уларни соқол-мўйловга ўраб ётишнинг ўзи бўлгани йўқ" дейди Карл.

ana shunaqa gaplar

Газетанинг навбатдаги сони 2003 йил 31 декабрда чиқади.

Nigoh

«ЎЗБЕКТЕЛЕФИЛЬМ» ФИЛЬМОГРАФИЯСИНИ ВАРАҚЛАГАНДА...

21 октябрдан бошлаб ҳозиргача Ўзбекистон ТВсининг ҳамма дастурларида «Ўзбектелефильм» маҳсулотлари намойиш этилмоқда. Бу, студиянинг мустақиллик йилларида қилган ишлари ҳақида халқимизга ҳисоботи бўлаётир, дейиш мумкин. Ушбу вақт мобайнида томошабин 10 дан ортиқ бадиий фильм (шулардан баъзиси премьера), 120 та ҳужжатли, шу жумладан, «Ёруғлик», «Тўкинлик» каби фильмларнинг илк намойишини кўриш имконига эга бўлди.

Мен бу жамоанинг мустақиллик йилларидаги фаолияти ҳақида тўлароқ тасаввур ҳосил қилиш мақсадида студия «Фильмография»сини кўриб чиқдим.

Ушбу «Фильмография»да 1991—2001 йилларда олинган бадиий, мусиқий, ҳужжатли, илмий-оммабоп, дубляж фильмлар, фильм-спектакллар ва мультфильмлар ҳақида мухтасар маълумот берилган. Китобча муҳаррири Чоршам Рўзиев ҳар бир фильмнинг номи, мавзуи, вақти ва ижодкорлари билан имкон қадар қисқача таништирган. Бир бетда 8—9 асарнинг тафсилоти бор, маълумотноманинг ҳажми эса 100 саҳифадан иборат. Шунинг ўзиёқ «Ўзбектелефильм» бу йилларда қанчалик кўп ишлар қилганини кўрсатади.

Аслини олганда, гап фақат қилинган ишнинг ҳажмида эмас, сифат ва мазмун ўзгаришларидадир. Фильмографиянинг дастлабки саҳифаларида бир нарса кўзга ташланади. 1991 йилда чиқарилган бадиий, мусиқий, илмий-оммабоп фильмларнинг кўпи: «Четвёртый квадрат», «По коням» ва ҳоказо, яъни 36 та асарнинг 27 таси рус тилида яратилган. 1992 йилда русча ишланган фильмлар сони 8 тага тушган. Яъни, фильмлар аввал ўзбекча яратилиб, кейин заруриятига қараб, рус тилига таржима қилинадиган бўлган.

Студиянинг мавзу доирасига эътибор берсангиз, мустақилликнинг таъсири яққол сезилади. Масалан, илк йилларданоқ қатағон қурбонлари — Чўлпон (1991), Ҳамид Сулаймон (1991), Абдурауф Фитрат (1992) ҳақида, «қизил империя» даврида таъқибга дучор бўлган кишилар ҳақида, «Академик Ҳабиб Абдуллаев» (1992), «Шукрулло» (1992), «Мақсуд Шайхзода» каби фильмлар ишлашган. Совет даврида номлари тақиқда бўлган, мустақиллик йиллари юзага чиқарилган авлод-аждодларимизнинг тимсоллари ҳам жонлантирилган. Бунга мисол қилиб «Баҳоуддин Нақшбанд» (1993), «Мирзо Улуғбек» (1994), «Зангиота» (1995), «Амир Темур» (1996), «Абдухолиқ Ғиждувоний» (1997), «Имом ат-Термизий» (2001), «Жалолиддин Мангуберди» (2001) каби фильмларни келтириш мумкин.

Тарихдан, табиат, жўғрофиядан билим берувчи, инсон тафаккури, тасаввурини кенгайтирувчи телефильмларнинг ҳам сон, ҳам сифат жиҳатдан юксала боргани, айниқса қувонарлидир. «ЎзДЭУ Асака» (1996), «Нурота». Буюк Ипак йўли», «Асака. Буюк Ипак йўли» (1996) каби ҳужжатли фильмлар, шунингдек, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қорақалпоғистон, Хева, Водил, Чорток, Яккабоғ ва ҳоказо тарихий маконлар ҳақидаги илмий-оммабоп, ҳужжатли фильмлар бу фикримизга далил бўла олади.

Ҳужжат, тасвир — аслида ижодкор тафаккури, тасаввуридан ўтган ҳаёт кўзгуси. «Ўзбектелефильм»да яратилаётган ҳужжатли фильмлар юртимиздаги ўзгаришлар, янгиликлар кўзгусига айлана борганлигини «Қимматбаҳо қоғозлар» (1997), «Ўзбекистон олтини» (1998) каби телефильмларда кўрамиз.

«Ўзбектелефильм» маҳсулоти бўлган «Адолат манзили» (4 қисм), «Мехробдан чаён» (15 қисм), «Чархпалак» (20 қисм), «Қайтмас» (6 қисм), «Боғ» (7 қисм), «Лафз» (7 қисм), «Увайсий» (6 қисм), «Занжир» (7 қисм), «Менинг шотландиялик дўстим» (3 қисм), «Қуёши ботмайдиган юрт» (5 қисм), «Очиқ дарс» каби бадиий фильмлар ни эса айтсак-айтмасак, томошабинлар унутмаган бўлса керак. Бу санъат асарлари маданиятимиз, маънавиятимизнинг салмоқли қисмини ташкил қилганини ҳис қиламиз.

«Фильмография»да 2002—2003 йиллардаги фильмлар ҳақида маълумот берилган. Бу йилларнинг маҳсуллари эса талайгина. Масалан, «Тухмат», «Музаффар» (2 қисм), «Зумрад ва Қиматнинг янги саргузаштлари», «Эркатой» каби муҳим бадиий фильмлар, «Маҳалла—юрт таянчи», Шўртан—Шеробод газ қувурининг қурилиши ҳақида «Келажакнинг ёруғ йўли», ғалла мустақиллиги учун кураш йиллари ҳақида «Тўкинлик», яқин тарихимиз ва бугунимиз ҳақида «Миллий университет», «Мусиқа саройи» каби қатор-қатор ҳужжатли фильмлар ҳам ишланган. Уларнинг орасида азиз Ватанимиз тарихи, бугунимизнинг қувонч-армонларига туташ манзаралари акс этган асарлар талайгина. Мактабларда, лицей, гимназия ва олий ўқув юртларида улардан кўргазмали қуроллар сифатида фойдаланилса қандай ажойиб иш бўлади, деган фикр келди хаёлимга.

Миразиз АЪЗАМ

Изоҳга ҳожат йўқ.

Mulohaza

ҲАММАСИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Эрталаб болаларни мактабга кузатарканмиз, кўпинча қўлига маълум миқдорда пул тутқазиб: «Қорнинг оч юрмасин, мактабнинг ошхонасидан у-бу олиб ерсан» деймиз. Бу гапларни айтамизу, лекин «Аввал қўлларингни ю» дейишга улгурмаймиз. Болалар-чи? Келинг, фарзандимиз билан биргаликда мактабимиз ошхонасига борайлик.

Менинг фарзандларим таълим оладиган мактаб пойтахтимизнинг энг нуфузли билим даргоҳларидан бири ҳисобланади. Ўқув жараёни яхши йўлга қўйилган, чет тиллар ўргатиш, спорт ва жамоат ишларини олиб бориш «аъло» даражада. Замонавий компьютерлар билан таъминланган хоналар ҳам бор. Аммо, ошхонаси...

Ҳар куни эрталаб бошланғич мактабда ўқийдиган болаларимни синфхоналарига кузатарканман, биринчи қаватда жойлашган мактаб ошхонасидан доғланаётган ёғ ҳиди «гуп» этиб димоғимизга уради. Бурнимизни жийириб, тезроқ иккинчи қаватга шошиламиз. Ёғ ҳиди табиий-ку, дерсиз. Лекин бунга ўрганган, ўрганмаган бола бор. Бундан ташқари махсус қўл ювиш жойларида совунлар бўлаксувда эриб ётганини кўрасиз. Бола бу ивиган совунлардан фойдаланармиди? Танаффусларда ошхона пештахтаси олдида ғуж-ғуж бола, пул ушлаган қўлини чўзиб «у беринг, бу беринг» дея сўрашади. Навбат қаерда? Пештахта ортидаги аёл ҳам, ошпаз ҳам сотувчи. Сотувчи бўлгандаям, жуда «чаққон» қўллари билан пулниям санайдиган, овқатниям узатадиган...

Болалар харид қилаётган сомса, булочка, «хот-дог»лар на пакетга, на қоғозга ўралади. Пул ва егулик бир пайтнинг ўзида қўлдан-қўлга ўтади. Ваҳоланки, гепатит, дизентерея ва бошқа юқумли касалликлар билан оғриганларнинг кўпчилигини мактаб ёшидаги болалар ташкил этади. Ҳозирги пайтда касалликларнинг турларию уларнинг бола организмига бўлган таъсирини биламиз. Биламизу, лекин...

Фарзандларга қўлларини тоза тутиш уқтириладими, қадоқланмаган маҳсулотларни ҳеч бўлмаганда махсус қўлқоп кийиб сотиладими, қолаверса, боланинг егулигини уйдан махсус идишга солиб бериладими?.. Кимга қанақа. Ахир бунинг ҳаммаси ўзимизнинг қўлимизда-ку?! Оддийгина, аммо мураккаб бўлиб кўринган тозалик қоидаларига риоя қилсак бас, муаммонинг ечимини топгандай бўламиз. «Тозалик — соғликнинг гарови» деб бежиз айтилмаган.

Насиба МАМАЖОНОВА,
ЎзДЖТУ 3-курс талабаси

МУАММОНОМА

	Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшунос олим. Кўй қисми.	Шамсий ой. Иншнинг бажарилиши. Маҳаллий тил.	Сочсиз. Электрод. Рус олими.	Волида кўшиғи. Мамнун. Ипак мато.	Лавозим. Кўркам гул. Мақом.	Темир сиғ. Водийдаги вилоят.	Америкадаги шаршара. Тоғликдаги гор.	Чорва маҳсули. Водий шаҳри. Чиннн улоғи. Юз йил.	Ракам. Ранг. Мева. Само жисми.	Аҳд, гўҳам. Забт этиш. Ижод маҳсули.	Боткоқ. Баликчи қуш. Автомобиль ёлаги.	Вазн ўлчови. Юпқа мато. Ой номи.
5 3 2 13 10 7 9												
2 7 8 4 11 5 1												
6 7 8 7 12 1 5 7												
Қовун нави. Тикувчилик ашёси.						1						
Ҳашарот. Касос. Ранг.		2						3				
Авто пойга. Тўкилган бошоқ. Само жисми.									4			
Газлама. Мажнуннинг асл исми.		5									6	
Ўзбек адиби,олим. Дарахт.												
Ҳукмнинг адоси. Хил. Овоз.												
Нота. Таом га лаззат берувчи.					7							
Айлана сирт. Мусиқа асбоби.												
Меҳнат. Авто марка. Африка юрти.												
Сайёра. Ер сатҳи ўлчови.	8								9			
Тухумсимон шакл. Мақом.												
Бразилия футболчиси. Авто қисм.												
Ҳақиқий. Ибодат ҳолати. Номаълум.			10									
Сув омбори. Мусобақанинг бошланиши.	11						12					
Ўйноқлаб чопиб юриш. Арманистон тоғи.												13

Ф. ОРИПОВ тузди.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-129.
Тиражи 18064. Г. 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир: Ҳусан НИШОНОВ,
Навбатчи: Ғофур ЖАБИЕВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
(М) белгиси остида реклама материаллари берилади

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-57-89, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими — 136-54-69 (факс).

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—21.00.
Топширилди —21.00